

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**ИНСТИТУТИ**

Тасдиқлади:  
Ўқув ишлари проректори  
доц Б. Мамажонов

---

2007 йил 5 сентябр

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси**

**“СИЁСАТШУНОСЛИК” ва**  
**“Ўзбекистондан демократик жамият қуриш назарияси ва**  
**амалиёти” фанидан**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**  
**(Кафедра йиғилишида (2007 йил, 5 сентябр, 2-сонли баённома)**  
**тасдиқланган)**

**Жиззах – 2007**

## АННОТАЦИЯ

Маърузалар матни бакалавриат йўналиши III- босқич талабаларига VII- семестрда ўқитиш учун мўлжалланган. Маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастурига мувофиқ А. Қодирий номли ЖДПИ “Ижтимоий фанлар” кафедрасида ишлаб чиқилган.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ва Сиёсатшунослик” фанига Тошкент Шарқшунослик институти сиёсатшунослик фанлари доктори У. Идилов тақриз берган.

## 1-Мавзу. Политология Фани предмети, мақсад ва вазифаси.

### Режа

1. Политология фани. Сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривож.

2. Политология фани қонун ва тушунчалари ҳамда услуби.

3. Политологиянинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари.

4. Мустиқлик ва Ўзбекистонда политология фанининг шаклланиши ва ривожланиши.

1. **Политология фани.** Сиёсатшунослик - юнонча politika – давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда Logos - таълимот деган сўзларнинг бирикишидан ташкил топган бўлиб, сиёсат ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Сиёсат (politika) тушунчаси қадимги Юнонистоннинг (polis) шаҳар, жамият маъносига бориб тақалади ва анъанавий равишда инсон фаолияти доирасининг ҳукмронлик билан боғлиқ бўлган муносабатлари, давлат ва ижтимоий ишларни бошқариш, ижтимоий гуруҳлар, халқлар, давлатлар тақдир билан боғлиқ бўлган маъмуриятчиликни билдиради<sup>1</sup>. Унинг сиёсий моҳияти жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш билан белгиланади. Ҳеч бир ижтимоий - сиёсий фан бу масалаларни «Политология» фани сингари чуқур ва мукаммал ўрганмайди. Политологиянинг сиёсий фан сифатидаги роли ва аҳамияти унинг сиёсий моҳиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни алоҳида олинган бир мамлакат доирасида эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида сиёсий муаммоларни ҳал қилишда эришилган натижалар билан белгиланади. Бундай амалий натижалар Политология фанида умумлаштирилади ва унга асосланган ҳолда муҳим сиёсий қоида ва ҳулосалар ишлаб чиқилади. Политология бошқа ижтимоий-сиёсий фанлардан ўзининг предмети, мазмуни, қонуниятлари, вазифалари ва бошқа томонларига кўра фарқ қилади. Политологиянинг мазмунини ташкил этувчи масалаларнинг бир бутунлиги ёки яхлитлиги мисолида унинг предмети таърифланади. Унинг қонуниятлари, категориялари, усуллари ва вазифалари сиёсатни амалга тўғри қўллашга хизмат қилади.

Политология - сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганадиган фандир. Демак, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривож, сиёсий маданият ва мафкура, халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш сиёсатшунослик фанининг асосий йўналишларидир.

Политология - жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабати, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётни ўрганадиган фандир. Шу жиҳатдан сиёсатшуносликнинг предмети: жамият сиёсий системасининг шаклланиши, унинг амал қилиши ва ривожланиши, шахс, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар тўғрисидаги фандир. Демак, сиёсатшунослик - сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият ва сиёсий ҳокимиятни ўрганувчи фандир, деб ҳам таърифлаш мумкин. Яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсатнинг моҳиятини ёритиш политологиянинг предметидир. Унда:

- 1) сиёсатнинг макро ва микро даражаларида зарурий тузилишининг элементларини, унинг ички ва ташқи алоқа ва муносабатларини аниқлаш;
- 2) турли сиёсий институтлар ва жараёнларда амал қиладиган қонуниятларни, асосий тенденцияларини ҳамда тараққиётнинг истиқболини аниқлаш ва баҳорат қилиш;

<sup>1</sup> Фалсафа. Муаллифлар гуруҳи. Файласуфлар миллий жамияти нашри. Т. 2006 йил. 398-бет

3) сиёсат социал ўлчовининг объектив мезонларини ишлаб чиқишни амалга оширади. Политология фани ўрганадиган мавзулар доираси кенг бўлиб, у ўз ичига ҳокимият билан боғлиқ аниқ мавзуларни мужассамлаштирган.

Политология фанида етакчи ўринни жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи сиёсий тузилмалар ва механизмлар фаолиятини ўрганиш эгаллайди. Яъни у асосий эътиборни сиёсий институтларнинг асл моҳиятини ташкил этган давлат, парламент, ҳукумат, сиёсий муассасалар ва партиялар ролини ўрганишга қаратади. Мавжуд сиёсий институтлар, жараёнлар, инсон, муайян гуруҳлар ва сиёсий кучлар фаолияти билан узвий боғлиқ. Ҳамма гуруҳлар жамиятдаги умумғоялар ва қадриятлар йиғиндисини ифодалайди. Аммо манфаатлар, интилишлар, ғояларнинг хилма-хиллигини умуминсоний манфаатлар асосида уйғунлаштиришни тақозо этади. Сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг умумий тузилмаси билан ҳамбарчас боғланиб кетган ва бу боғлиқликда улар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тизими тарзида муҳим ўрин эгаллайди.

Агар сиёсий институтларни, гуруҳларни сиёсатнинг субъектлари тарзида тасниф қиладиган бўлсак, уларни 2 турга ажратиш мумкин. Улар биринчидан, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатлардан, иккинчидан эса, уларнинг сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан муайян сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлардан иборатдир.

Демак, улар ўртасидаги сиёсий муносабатлар асосан сиёсий, партиялараро, шунингдек давлатлараро муносабатлар тарзида амалга оширишда ва намоён бўлади. Ана шу сиёсий муносабатлар натижасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари юзага келади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар сингари сиёсий муносабатлар ҳам ўзаро ички муносабатлардан иборат бўлаби. Бир-бирига тўлиқ мос келадиган ёки бири иккинчисидан умумлаштирадиган мақсадлар йўлида сиёсий кучлар ўзаро ҳаракат қилиш ва концепсулсга эга бўлишига сиёсий ҳамкорликка эришиш дейилади.

Сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирига мос келмайдиган ҳолатлари айрим ҳолларда сиёсий ихтилофларга сабаб бўлади. Сиёсий муносабатларда бундай ҳолатларни ҳисобга олиш сиёсатдаги стратегик мақсадларни амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу жараён сиёсий кучларнинг вазиятни англаб олиш, узоқни кўра билиш кабилардаги интеллектуал имкониятлари билан боғлиқ бўлади<sup>1</sup>.

Жамиятнинг сиёсий мавқеига кўра, унинг иқтисодий ва сиёсий тизими ўзгаради. Бу кучларнинг ўзаро муносабатларида ҳам намоён бўлади.

Албатта, «Сиёсатшунослик»да ўзаро сиёсий муносабатлар деганда, турли сиёсий кучлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг сиёсий ҳокимият доирасидаги фаолиятларини тушунмоқ лозим. Чунки сиёсий муносабатлардан ташқари яна бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларида жамиятда амалга ошириладиган сиёсий муносабатларини ўз манфаатларига мос келадиган тарзда ўзгартиришлари мумкин.

Шундаё қилиб, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, сиёсий институтлар хоҳиш-иродасидан холи мавжуд сиёсий муносабатлардан фарқли равишда сиёсий фаолият муҳим субъектив омил ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг миллий истиқлол мафкураси, сиёсий қарашлари, мақсадлари ва ва дастурларига асосланади. Бундай омил жамиятда мавжуд бўлиб турган сиёсий муносабатларни мазкур гуруҳлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Сиёсатшунослик фани ўрганадиган мавзулар тизимида сиёсий ҳокимият марказий ўринни эгаллайди. Сиёсий ҳокимият негизида давлат ҳокимияти назарда тутилади.

Сиёсатшуносликнинг объекти. Унинг объекти жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар ташкил қилади. Унинг предмети эса сиёсат, сиёсий сиёсий муносабатлар ва ҳокимиятнинг ривожланиш қонуниятлари ташкил қилади.

1948 йил БМТ нинг ЮНЕСКО (Маориф ва маданият, фан масалалари бўйича шуғулланувчи бўлим, 1946 йилда тузилган) ташкилоти гуманитар фанлар қаторига сиёсатшуносликни ҳам киритди. XX аср 40-50 йилларида бу фан шаклланди. Шарқий Европа, А+Ш, Франция, ГФР,

---

<sup>1</sup> Эргашев И. ва бош. Политология. Маърузалар матни. Тошкент: УЗРОУМТВ; 2000, 5-18 бетлар.

Югославия, Чехославакия, Венгрия, Польша, руминия ва бошқа мамлакатларда махсус институтлар ташкил этилди, олий ўқув юрти дастурларига киритилди. Масалан, Францияда 1945-76 йилларда бордо, Гренобл, Эксе ва бошқа шаҳарларида махсус институтлар тузилди. Буларда бир вақтнинг ўзида студентлар ҳам ўқиб, ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бора бошлади. Бу институтларни битириб чиққан мутахассисларнинг 20 фоизи ижтимоий секторларда, 65 фоизи корхоналарда ва бошқа соҳаларда ишлайди. 1965 йилдан Францияда 14 олий ўқув юрти фақат сиёсатшунослик соҳаси бўйича мутахассис тайёрлаб келмоқда. 1980 йилларда Франциядаги 72 олий ўқув юртидан 18 университет сиёсатшунослик соҳаси бўйича докторантура тайёрлашга ихтисослаштирилди. 1969 йилда мустақил 6-секция сиёсатшунос ўқитувчилар университети, 1972 йилдан эса Сиёсий фанлар уюшмаси университетлари ташкил топди.

1949 йилда БМТ хузурида Халқаро «Сиёсатшунослик Уюшмаси» таъсис этилди. 1955 йилда эса Сиёсий фанлар совет уюшмаси тузилди. Бунга собиқ СССР аъзо бўлсада бу фанни тан олмади. Лекин сиёсатшунослик фани дунёда ва бизда ҳам шаклланиб борди. Бу соҳада 1962 йили Москвада илмий марказ ташкил этилди. 1979 йили Москвада Халқаро сиёсий фанлар уюшмасининг Бутунжаҳон XI конгресси бўлиб ўтди. Собиқ Шўро мамлакати буюк империясини саклаб қолиш учун оддий фуқароларнинг сиёсат билан шуғулланишига ва уни ўргатишга изн бермади. Негаки кўп миллатли давлат бўлган СССР парчаланиб кетишини олдиндан сезган.

**Сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривож.** Фан сифатида политология 2,5 - 3 минг йиллик тарихга эга бўлиб, сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик у мустақил фан сифатида юзага келди. У ўз шаклланиш жараёнида бошқа мавжуд ижтимоий фанлар каби ўзининг мустақил ўрганадиган масалалари доирасини ҳам вужудга келтирди.

Политологиянинг Фан сифатида вужудга келиши, бир томондан. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари жаҳон сиёсатида рўй берган узгаришларнинг обектив жараён эканлиги билан белгиланса, иккинчи томондан эса, жамият ҳаётининг сиёсий масалалари кишилиқ жамияти тараккиётининг турли даврларида вужудга келган сиёсий карашларда ифодаланиши билан белгиланади. Жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар бир узгариш маълум бир тарихий шароитнинг махсули ҳисобланади. Политология фанида урганиладиган масалалар ҳам турли хил шароитларда рўй берган. Бу узгаришларни илмий-назарий жихатдан урганиш зарурлиги политологиянинг Фан сифатида вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Дастлабки сиёсий карашларнинг пайдо булиши эраимиздан аввалги 3-минг йиллик охири 2-минг йиллик бошларига тугри келади. Бу даврда пайдо бўлган Хиндистон ва хитойдаги кулдорлик давлатларида сиёсатнинг айрим масалалари «Ману қонунларида» ва «Махобҳарат» сингари асарларда уз ифодасини топган.

Эраимизгача бўлган 4 ва 1 асрларга келганда, қадимги Юнонистон ва Римда сиёсий карашлар ривож топган. Афлотун (427-347), Арасту (384-322), Цицерон (106-43) ва бошқа қуплаб мутафаккирлар сийсий карашлар ривожига муҳим ҳиссаларини қушдилар. Бу давр сиёсий карашларида кулдорлик давлатининг пайдо булиши, уларда рўй берган сиёсий узгаришлар, сиёсат, давлат масалалари борсида фикрлар таркиб топа борган. Афлотуннинг «Давлат», Арастунинг «Политика», Цицероннинг «Мунозаралар», «Давлат ҳақида», «Қрнунлар ҳақида» кулдорлик давлатлари сиёсий ҳаёти ва давлатлараро сиёсий муносабатлар масалалари уз ифодасини топган. Бу давр мутафаккирлари сиёсий карашлари палитология фанининг давлат қурилиши, ва давлат бошқаруви, давлатнинг ички ва ташқи муносабати, уруш ва тинчлик, тиня-тотув яшаш, жамиятда ижтимоий табақаланиши билан боғлиқ фикрлар билан боғланди.

Политология фани масалари доираси кенгайишига Урта Осий таркиб топган сиёсий фикрлар ҳам муҳим урин тутди. Бунда Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Низомулмулк, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Навоий, Бобур ва бошқа қуплаб мутафаккирларнинг ҳиссалари бор. Фаробий, Ибн Сино, Берунийлар Давлат унинг воситасида ҳукмдорнинг жамия тҳаётидаги урни масаласи давлатнинг фуқораларга ғамхурлиги нукътаи-назаридан қараб чиқилди.

Амир Темурнинг сиёсий карашларида қонунларга қатта эътибор қаратилади, «Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқар» ғанлигини ғувоҳи бўламиз.»Темур тузуклари»да эса давлатни «тутиш» масалалари батафсил уз аксини топганлиги билан диққатга сазовордир.

Сиёсий қарашлар Низомулмалк, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари давлат арбоблари асарларидан ҳам урин олган. Хусусан Алишер Навоий узининг «Тарихи мулки аҷам» асарида 65 та та ҳукмдорга, уларнинг бошқариш соҳасида олиб борган сиёсати баҳо беради, ва узининг бошқаришга оид фикрларни баён этади. «Сади Искандарий» асарида адолатли ҳукмдор гоёси ва адолатли, фаровон ҷамият гоёсига доир фикрлар ривожлантирилади. Мустиқиллигимиз шарофати уларок аجدодларимиз қолдирган бой мероснинг чуқур урганишга кенг эътибор қаратилмоқдаки, бу имконият уларнинг асрларида илғари сурилган сиёсий фикрларнинг кенг урганилишига имконият яратмоқда.

Политология фани масаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантирилиши Ғарбий Европа ва Америкалик мутафаккир-олимлар ва давлат арбобларнинг ҳиссалари қаттадир. Хусусан, италиялик Николло Макиавелли (1468-1527), ағлиялик жон Локк (1632-1704), АҚШда Томас Пейн (1737-1809), германиялик Самуэл Буффендорф (1632-1694), франциялик Жан Боден (1530-1596), Шарль Монтески (1688-1755) каби мутафаккирларнинг хизматлари қаттадир. Бу мутафаккирлар қарашларида сиёсий ҳокимият масаласи алоҳида урин эгаллайди. Улар давлатнинг вужудга келиши ва унинг тузилиши, шакллари, мақсад ва вазифалари, давлатнинг ички ва ташқи фаолияти масалалари борасида фикрлар юритиб палитологиянинг баҳс мавзунини кенгайтирдилар.

18-асрнинг урталаридан ва 19- асрдан капиталистик муносабатларнинг қарор топа бориши билан ҷамиятнинг сиёсий тузилмасида ҳам узғаришларга олиб келди. Сиёсатни либераллаштириш, капиталистик муносабатларни эркин ривожланишининг муҳим омили сифатида қаралиб, сиёсатнинг бошқа , хусусан, иқтисодий соҳага қам аралашуви масалалари ёритила бошланди. Шутарика давлатнинг ҷамият ҳаётидаги урни вазифаси қараб чиқила бошланди, инсоннинг ҳуқуқлари масалалари масаласи, ва шулар билан бир қаторда қонун , қонунийлик масалалари уртанга ташланди. Бу давр сиёсий гоёлари ривожига И.Бентам (1748-1832) давлат муассасаларини демократлаштириш гоёсини, француз Б. Конистан (1767-1830) шахс ва давлат нисбати масаласини, Герман Л. Штейн (1815-1890) давлат ва ҳуқуқолик ҷамияти масалалари урин олди.

Политологиянинг назарий Фан сифатида вужудга келиши ва унда урганиладиган масалаларнинг илмий жиҳатдан тадқиққилиниши асосан 20-асрнинг урталарга келиб амалий воқеликка айланди.

20-асрда руй берган бир қатор муҳим сиёсий воқеалар-ҳодисалар ва узғаришлар политологиянинг Фан сифатида вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга булди. Бу узғаришларнинг энг муҳимлари:

- жаҳоннинг турли мамлакатларида демократик ҳаракатларнинг авж олиши,;
- бошқарувнинг Янги меҳанзмларнинг таркиб топиши ва миллий давлатчиликнинг Янги шаклларининг вужудга келиши;
- ҷамият ҳаётида сиёсий партиялар аҳамиятининг ошиб бориши;
- халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва уларнинг жаҳон ҳамҷамиятидаги аҳамиятининг ошиб бориши.

Бу даврда палитологиянинг Фан сифатидаги асосларининг ишлаб чиқилишида Ганс Моргенату, Жеймс Розенау, Збигнев Бжежинский, Раймон Арон, Морис Дюверже, Макс Вебер сингари америкалик ва ғарбий европалик олимларнинг хизматлари қаттадир. Айнан шу асрда аниқроқ қилиб айтганда 20-асрнинг урталаридан бошлаб палитология фансифатида уқув тизими га ҳам қирди. 1948 йил БМТ нинг ЮНЕСКО (Маориф ва маданият, фан масалалари бўйича шуғулланувчи бўлим, 1946 йилда тузилган) ташкилоти гуманитар фанлар қаторига сиёсатшуносликни ҳам қиритди. XX аср 40-50 йилларида бу фан шаклланди. Шарқий Европа, А+Ш, Франция, ГФР, Югославия, Чехославакия, Венгрия, Польша, руминия ва бошқа мамлакатларда махсус институтлар ташкил этилди, олий ўқув юрти дастурларига қиритилди. Масалан, Францияда 1945-76 йилларда бордо, Гренобл, Эксе ва бошқа шаҳарларида махсус институтлар тузилди. Буларда бир вақтнинг ўзида студентлар ҳам ўқиб, ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бора бошладди. Бу институтларни битириб чиққан мутахассисларнинг 20 фоизи ижтимоий секторларда, 65 фоизи қорхоналарда ва бошқа соҳаларда ишлайди. 1965 йилдан Францияда 14 олий ўқув юрти фақат сиёсатшунослик соҳаси бўйича мутахассис тайёрлаб келмоқда. 1980 йилларда Франциядаги 72 олий ўқув юртидан 18 университет сиёсатшунослик соҳаси бўйича докторантура тайёрлашга ихтисослаштирилди. 1969 йилда мустиқил 6-секция

сиёсатшунос ўқитувчилар университети, 1972 йилдан эса Сиёсий фанлар уюшмаси университетлари ташкил топди.

1949 йилда БМТ хузурида Халқаро «Сиёсатшунослик Уюшмаси» таъсис этилди. 1955 йилда эса Сиёсий фанлар совет уюшмаси тузилди. Бунга собиқ СССР аъзо бўлсада бу фанни тан олмади. Лекин сиёсатшунослик фани дунёда ва бизда ҳам шаклланиб борди. Бу соҳада 1962 йили Москвада илмий марказ ташкил этилди. 1979 йили Москвада Халқаро сиёсий фанлар уюшмасининг Бутунжаҳон XI конгресси бўлиб ўтди. Собиқ Шўро мамлакати буюк империясини сақлаб қолиш учун оддий фуқароларнинг сиёсат билан шуғулланишига ва уни ўргатишга изн бермади. Негаки кўп миллатли давлат бўлган СССР парчаланиб кетишини олдиндан сезган.

Бугунги кунимизга келиб сиёсий фикрлар ривожини масаласи жуда кенг ва ранг-барангдир. Бу фикрлар жаҳон ҳамжамиятига тааллуқли муаммоларни (Экологик) узида уйғунлаштирган ҳамжамият ҳамкорлиги масаласидан тортиб «Рим клуби» президенти Аурелио Печчеининг «Инсоннинг сифати» (*Бу ҳақда батафсил маълумот тафаккур журналининг 2007 йил №1-сон, 119, 120 бетларида бе*) Геосиёсий З. Бзежинский, глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ С. Хаттингтон каби йуналишларда ифода топмоқда.

Мустақилликка эришгач республикимизда юридик фани ривожига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада республикамизда юридик фанларни ривожлантиришни қуйидаги соҳаларига эътибор қаратилмоқда.

- Икки палатали парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини оширишнинг чуқур назарий асосларини яратиш;
- Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- Ахборот олиш ҳуқуқини назарий асосларни, ахборот ҳуқуқи фалсафасини шакллантириш;
- Иқтисодий эркинлаштириш соҳасида ислохотларни устивор йуналишларини илмий-назарий тадқиқ этиш;
- Ташки сиёса ва ташки иқтисодий муносабатлар дағи ислохотлар йуналишлари бўйича халқаро ҳуқуқий фанларни ривожлантириш; (Юридик фанларни Ўзбекистонда ривожлантириш муаммолари ва йуналишлари тўғрисида қаранг: Фуқаролик жамияти //2006 йил №3 сон 14,15 ва 36-39 бетлар)

**2. Политология фани қонун ва тушунчалари ҳамда услуби.** Политология фанининг предмети ва мазмунини унинг қонуниятлари ва тушунчалари орқали янада кенгрок очиб берилади. Унинг усуллари эса политология фани олдида турган вазифаларни ҳал қилишда муҳим урин тутади. Шу қонун ва тушунчалар орқали жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида амал қилиниши зарур бўлган талаблар ифодолаб берилади.

Политология уз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда турли усуллардан фойдаланади. Бинобарин ҳар бир Фан узининг ривожланишда ва урганадиган масалаларини назари жихатдан асослашда усуллардан фойдаланади.

Қуйида политология фанида муҳим урин тутувчи усулларни қуриб утаммиз.. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) Диалектик метод. (жамия тсиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларда узғаришлар бир текисда кечмайди, жамиятдағи бошқа воқеа-ҳодисалар синғари диалектиканинг қонуниятларига бўйсунди).
- 2) +иёсий таққослаш методи.
- 3) Эмперик-социологик мет од: сўров, анкета, математик ва ҳ.к.
- 4) Умумантикий метод (Унда анализ ва синтез, абстракциялаш, умумийлик ва ўзига ҳослик, сиёсий жараёнлар моделини излаб топиш ва янғисини яратиш ва ҳ.к.)
- 5) Назарий метод (Унда фикрлаш, абстракцидан конкретликка ўтиш).
- 6) Ахлоқий метод (Айрим гуруҳ ёки шахслар ҳуққини қузатиш, анализ қилиш, анкеталар тарқатиш орқали сўраб ўрганиш).
- 7) Изоҳлаш методи (қабул қилинган фармон, қонун, қарорларни изоҳлаб бериш).

8) Сиёсий прогнаш методлари (Бу билан ижтимоий тўқнашувлар олди олинадилар).

9) Ахборот-информацияларни умумлаштириш методлари (Фан ютуқларидан фойдаланиш).

**Сиёсатшунослик фани қонуниятлари.** Сиёсатшунослик фани сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми, воситалари ҳамда амалиётни ўрганишда муайян қонунларга таъянади ҳамда амал қилади.

Сиёсатшунослик фани амал қиладиган қонунлар қўламини турли хил бўлиб, мамлакат ички ҳаёти, минтақавий ва халқаро тизимлар, умумбашарий тараққиёт соҳалари билан бевосита дахлдордир.

Сиёсатшунослик фанининг ўрганиладиган қонунлари сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва сиёсий фаолиятнинг давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги зарурий сиёсий механизмлари сифатида намоён бўлади.

Давлат ҳокимияти ва жамият сиёсий ҳаётида қонунларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратиш, уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро алоқаларида уйғун ҳаракат қилиш жараёнини вужудга келтириш билиш, ўз навбатида ундан қўзланган мақсад йўлида фойдалана билиш сифатида муҳим ўрин тутди. Бу қонунларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин: **Биринчи гуруҳ:**

- Давлат ҳокимияти ва мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонунлар бўлиб, у ўз ичига:
- жамиятдаги сиёсий жараёнларда сиёсий ҳокимият механизмлардан самарали фойдаланиш;
- жамият сиёсий ҳаётининг демократиялашиши;
- сиёсий бошқариш жараёнлари;
- сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт муносабатлари;
- шахс, жамият ва давлат тизимида инсон манфаатининг устуворлиги ва бошқалар.

**Иккинчи гуруҳ қонунлари:** халқаро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, улар:

- халқаро ҳавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш;
- халқаро ва давлатларaro ихтилофларни бартараф этишнинг сиёсий воситалари;
- умумбашарий муаммоларни бартараф этишнинг сиёсий йўллари;
- турли хил сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва уни бартараф ривожлантириб бориш шарт-шароитлари;
- жамият сиёсий ҳаётида сиёсий етакчининг ўрни ва ролини сиёсий таҳлил этиш билан боғлиқдир.

Шунингдек, Сиёсатшуносликнинг объектив қонуниятлари ҳам мавжуд:

- 1) Сиёсий жараён оқимидаги сиёсий муносабатларга киришаётган томонларнинг ҳар томонлама туб манфаатдорлиги қонуни.
- 2) Жамият сиёсий тизимининг уйғун амал қилиш қонуни.
- 3) Сиёсий муносабатларда сиёсий маданиятнинг зарурлиги қонуни.
- 4) Иқтисодиёт билан сиёсатнинг диалектик бирлиги ва мутаносиблиги қонуни.
- 5) Сиёсий муносабатларнинг маънавий - ахлоқий асосларда амал қилиш зарурлиги қонуни.
- 6) Ички сиёсат билан ташқи сиёсатнинг диалектик бирлиги қонуни.
- 7) Халқаро муносабатларда янгича сиёсий тафаккурнинг амал қилиш зарурлиги қонуни.

**Сиёсатшуносликнинг категориялари:** Политологиянинг моҳияти ва мазмунини ифодалашда унинг категориялари муҳим рол уйнайди. Бу категориялар шу фанда урганиладиган масалаларни умумий тарзда ифодалаш учун қўлланилади.

**Сиёсатшуносликнинг асосий тушунчалари.**

|                                                                                   |
|-----------------------------------------------------------------------------------|
| <p align="center"><b>Сиёсатшуносликнинг умумий хусусиятга эга тушунчалари</b></p> |
|-----------------------------------------------------------------------------------|

|   |                   |
|---|-------------------|
| — | Жамият            |
| — | Эркинлик          |
| — | Хокимият          |
| — | Давлат            |
| — | Хукукий давлат    |
| — | Ижтимоий фикр     |
| — | Фуқаролик жамияти |
| — | Ижтимоий гуруҳ    |
| — | ижтимоий фикр     |
| — | Демократияч       |
| — | Диктатура         |
| — | Мафкура           |
| — | Маданият          |
| — | Мухолифат         |
| — | Купфифрлилиқ      |

|                                                                     |
|---------------------------------------------------------------------|
| <p align="center"><b>Сиёсатшуносликнинг хусусий тушунчалари</b></p> |
|---------------------------------------------------------------------|

|   |                    |
|---|--------------------|
| — | Сиёсат             |
| — | Сиёсий ҳокимият    |
| — | Сиёсий алоқалар    |
| — | Сиёсий Катлам      |
| — | Сиёсий тизим       |
| — | Сиёсий тузум       |
| — | Сиёсий жараён      |
| — | Сиёсий партия      |
| — | Сиёсий маданият    |
| — | Сиёсий онг         |
| — | Сиёсий мафкура     |
| — | Сиёсий плюрализм   |
| — | Сиёсий зиддият     |
| — | Сиёсий бекарорлик  |
| — | Сиёсий баркарорлик |

у категорияларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади. Масалан, онг муаммосини социология фани гуруҳи онг муаммоси сифатида, давлат ва ҳуқуқ назарияси эса ҳуқуқий онг муаммоси тарзида, сиёсатшунослик фани эса сиёсий онг муаммоси тарзида ўрганади. маданиятни - сиёсий маданият тарзида таҳлил этади ва ҳ.к.

Сиёсатшунослик қонун ва категорияларини ўрганишда, мавжуд сиёсий ҳаёт ва жараёнларни идрок этишда ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Шунинг учун сиёсатда мамлакатлар ва халқларнинг тарихий - маданий, маънавий негизларига, кадрларига таяниш, мавжуд сиёсий жараёнларни ҳолисона ўрганишга ва баҳолашга ёрдам беради.

**3.Политологиянинг ижтимоий фанлар тизимида тутган урни ва ўзига хос хусусиятлари.** Жамият ҳаёти ва унда буладиган воқеа-ҳодисалар ижтимоий-сиёсий фанлар томонидан урганилади. Бу жихатдан сиёсатшунослик сиёсий Фан сифатида жамият ҳаётининг штурли соҳаларида буладиган ўзгаришларда сиёсатнинг урни ва ролини илмий-назарий жихатдан асослайди. Бу ҳол шубҳасиз, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини, ўзаро алоқаларни ифодалайди. Сиёсатшунослик ижтимоий фанлар билан умумий алоқада бўлади. Сиёсатшунослик ижтимоий фанларнинг илмий ҳулосаларини қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмасдан, балки жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга

муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларини амалга ошириш усуллари, механизмларини ўрганади, сиёсий хулоса, амалий таклифлар беради.

Сиёсатшунослик фани ижтимоий - сиёсий фанлар тизимида муҳим ўрни тутади ҳамда сиёсатни ўрганишда ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифалари борлиги билан фарқ қилади. Сиёса - илм-фанни қизиқтириб келган анъанавий соҳа ҳисобланади. Уни нафақат политология, бошқа фан соҳалари, хусусан фалсафа, социология, иқтисод, психология, ҳуқуқшунослик, тарих ва бошқа фанларни ҳам қизиқтириб келган ва келмоқда. Бу сиёсатнинг мураккаб ва турли хил ҳодисаларга бой ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Сиёсатга, жамиятнинг бошқа ижтимоий ҳодисалари сингари, умумий ва ўзига хос хусусиятлар, жиҳатлар хосдир. Бу сиёсатни турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятини беради. Айни пайтда яна шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган фанларнинг бирортаси сиёсат тўғрисида яхлит, тугал тасаввурни бермайди. Сиёсатшунослик эса сиёсат соҳаси билан боғлиқ бўлган билимлар тўғрисида ана шу вазифани амалга оширади.

Сиёсатшунослик фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутади. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, уни жамиятда тақсимланиши ҳамда унинг механизмларини билиш сиёсатшунослик фанининг муҳим объектидир.

Сиёсатшуносликни сиёсий ҳокимиятни ким, қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қандай мақсадлар, манфаатлар ва тамойиллар тизимида амалга оширилиши қизиқтиради.

Сиёсатшунослик фани сиёсий ҳокимият, уни амалга оширишда ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият қамрови, уни бошқариш усуллари аниқлаб беради.

Сиёсатшунослик фанининг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини белгилаб берадиган назарий ва амалий шарт-шароитлар мавжуд. Бу аввало, амалий характердаги эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, у мамлакатда амалга ошаётган демократик жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сиёсатшунослик бу сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятга эга. сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва маслаклари, ташаббуслари, фаоллик даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади. Шунингдек, сиёсатшунослик, жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини ўрганар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий институтлари, давлат, партиялар ва бошқа сиёсий - ижтимоий ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мазмунини, характерини ҳам ҳисобга олади. Чунки, сиёсий муносабатларининг натижаси кўпроқ унга боғлиқ бўлади.

Сиёсатшунослик фанининг бошқа сиёсий фанлар билан боғликлигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, ижтимоий-сиёсий фанларда ишлаб чиқилган назарий хулосаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Масалан, миллий муносабатлар билан боғлиқ масалалар фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанларда ҳам ўрганилади. Фалсафа миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланишини умуми-ижтимоий қонунлар асосида ўрганса, сиёсий тарихда асосий эътибор, у ёки бу сиёсий партияларнинг миллий муносабатлари соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган назарий ва амалий фаолиятини ўрганишга қаратилади. Социал психологияда эса, миллатларнинг кайфияти, уларнинг давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар олиб борадиган миллий сиёсатга бўлган муносабатлари ўрганилади.<sup>1</sup>

Политологияда эса бу масала сиёсий ҳокимият ва унинг фаолияти билан боғлиқ равишда қаралади. Сиёсатшунослик бошқа сиёсий фанлардан фарқ қилиб, давлатнинг ижтимоий муносабатларини ташкил этишдаги роли ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб беради.

**4. Мустақиллик ва Ўзбекистонда политология фанинг шалланиши ва ривожланиши.** Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанини ўрганишга ва уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Жамият ҳаётининг эркинлашуви инсонлар олдида сиёсатни чуқурроқ

---

<sup>1</sup> Каранг: Рафико Г. Содиков А., Рахмонов Б. Сиёсатшунослик фанидан маърузалар матнлари. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 3-8 бетлар.

идрок этишга, сиёсий жараёнларга фаол иштирок этишни тақозо эта бошлади. Бу сиёсатшунослик фанининг ролини олиб боришни кўпроқ давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда дастлаб 1969 йилда ТошДУнинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) фалсафа факултети таркибида политологлар тайёрлана бошланди. Мустақиллик шарофати билан 1991 йили кузида олдинги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тегишли партия мактаби Сиёсатшунослик ва бошқарув институти этиб белгиланди. 1992 йил 23 сентябрдан Ўзбекистон Президенти фармони билан Сиёсатшунослик ва бошқарув институти тугатилиб унинг базасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди; халқаро алоқалар, халқаро ҳуқуқ, халқаро журналистика факултетлари, шунингдек Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий алоқалар бўлимларида сиёсатшунослик фанига катта эътибор берилди бошланди. Умуман мамлакатимизда мустақиллик туфайли сиёсатшунослик фанига кенг йўл очилди. Бу фанни шахсан Президентимиз Ислон Каримов ўз ҳимоясига олди. Президент Ислон Каримов ижтимоий фанлар ролига ҳамиша юқори баҳо ва эътибор бериб келмоқда. «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, деган эди И.А. Каримов, - инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими-уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувда катта таъсир кучига эга»<sup>1</sup> Мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб бораётган бугунги кунда сиёсатшунослик фанига:

- 1) биринчидан, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида содир бўлаётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тўплаган тажрибалари билан солиштириш асосида мамлакатимиз, миллатимиз хусусиятларига ва манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий ҳулосалар берди;
- 2) иккинчидан, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамятга кириб боришининг қулай йўллари белгилаш;
- 3) учинчидан, мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришнинг механизмларини вужудга келтириш ва уларнинг уйғун ҳолатда фаолият кўрсатишларига ёрдамлашиш;
- 4) тўртинчидан, фуқароларнинг сиёсий маънавияти, салоҳияти ва фаолиятини ошириш, уларда мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришда яқдиллик руҳиятини, жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган турли ўзгаришларга сиёсий ҳушёрлик билан қараш туйғуларини шакллантириш;
- 5) бешинчидан, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва юксак илмий салоҳият мамлакатимизнинг мустақиллигини таъминлашнинг, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти эканлигини ёшларимизнинг онги ва қалбига синдириш билан боғлиқ бўлган тарбия вазифасини амалга ошириб келмоқда.

Сиёсатшунослик фанининг бугунги кунда аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши қуйидагиларга боғлиқ.

1. Биринчидан, Республикамиз Президенти Ислон Каримов таъкидлашганидек, жамият сиёсий ҳаётида 2 мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойишта бўлиб қолгани йўқ. Ундаги можароларни сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга зарурият кучайиб бормоқда. Бу уни сиёсатшунослик нуқтаи назаридан атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.
2. Иккинчидан, сиёсатда жаҳон тараққиётининг муҳим омили мамлакатлар ва халқлар манфаатларини уйғунлаштириш билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий фаолиятини умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бораётганига қаратиш ва уларни ҳал қилишдаги бирликларни вужудга келтиришга қаратилган сиёсий қарашлар, назария ҳамда таҳлилларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон шаёт-пировард маъсадимиз. Т.8-т.:»Ўзбекистон», 2000, 504-бет.

3. Учинчидан, ҳозирги даврда ҳар бир шахснинг сиёсат билан шуғулланишга бўлган эҳтиёж сиёсатни англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, мавжуд демократик жараёнлар билан белгиланади.
4. Тўртинчидан, ҳозирги замонда сиёсий жараёнларнинг тез ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўзгаришларнинг дунё ҳамжамияти ва инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши учун оқилона сиёсат олиб бориш билан бирга онгли сиёсий фаолият, сиёсатга онгли муносабатда бўлиш зарур. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади.
5. Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаолиятини ошириш жамият иқтисодий - ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда демократик ҳолатнинг олдини олиш учун унинг асосий кафолатларидан бири мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий, маънавий ва сиёсий фаолиятини ривожлантиришни давлат сиёсати даражасида уйғун бўлишидир. Шундай қилиб, сиёсатшунослик фанининг аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши ҳозирги замонда инсоният тараққиётидаги ўзгаришлар, сиёсат ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳодисадир.

### **Таянч тушунчалар**

Сиёсат - давлат ишларида иштирок этиш, давлатнинг йўналишини, фаолият мазмунини, шаклий ва вазифаларини белгилашда иштирок этиш. Сиёсатшунослик - фан, давлат, ижтимоий иш ва ўрганиш таълимоти. Сиёсий ҳокимият - муайян халқ, синф, гуруҳ, шахс ўзининг сиёсатда ифодаланган иродасини амалга ошириш имконияти. Давлат - ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият ҳаракатланишида муҳим рол ўйнавчи алоҳида бир ташкилот. Идеологизация - ғоявийлаштириш. Деидеологизация - ғояни бекор қилиш. Ремдеологизация - ғояни тиклаш, қисман қайтариш.

#### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсатшунослик фани нимани ўргатади?
2. Собик Иттифок даврида сиёсатшунослик фанини ўргатишдаги камчиликлар нималардан иборат эди?
3. Сиёсатшунослик фанининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишда қайси мамлакатлар етакчи рол ўйнайди?
4. Политологиянинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни нимада?
5. Политологиянинг қонун ва категорияларини тавсифланг.
6. Политологияни ўрганиш услубларини аниқланг.
7. Сиёсий плюрализм деганда нимани тушунасиз ва унинг афзалликларини қиёсий-сиёсий таҳлил этинг.
8. Политология фани ролининг ошиб боришининг сабаблари нимада?
9. Ўзбекистонда политология фани ва унинг ривожланиш истиқболларининг сиёсий, демографик асосларини кўрсатинг.
10. Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани асосларининг ривожлантирилиши иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қандай муҳим аҳамият касб этади?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001 5-9, 12, 19-37-бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 36-85, 301-309-бетлар.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-28-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-54-бетлар.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5 - Т.: Ўзбекистон, 1997, 104-131-бетлар.
6. Каримов И.А. Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 - Т.: Ўзбекистон, 1998, 31-261, 324-346-бетлар.

7. Каримов И.А. Биз келажигимизни ўз қўлимиз билан қўраимиз. Т.? - Т.: Ўзбекистон, 1999, 84-102, 132-154-бетлар.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8 - Т.: Ўзбекистон, 2000, 18-31, 330-352, 462-474, 489-508-бетлар.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.( - Т.: Ўзбекистон, 2001, 220-224-бетлар.
10. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 1992, 3-11-бетлар.
11. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Т.: «Ўзбекистон», 3-23-бетлар.
12. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик Ўқув қўлланмаси. Т.: ТошДУ, 1996, 3-23-бетлар.
13. Ҳошимов Т.Р., Рафиқов /А., Тўраев А. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. Термиз, 1997, 5-10-бетлар.
14. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 3-21-бетлар.
15. Отамурадов С., Эргашев И., Ақромов Ш., +одиров А. Политология Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 3-13-бетлар.
16. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-2-қисм. Тошкент: М.Улугбек номидаги ЎзМУ, 2000, 3-7-бетлар.
17. Политология. Маърузалар матни. Тошкент: ЎзРОЎМТВ - ЎзАЖБНТ, 2000, 3-14-бетлар.
18. Машарипов О., Ҳошимов Т.Р., Рафиқов /А. Политология. Ўқув қўлланма, Тошкент: ТошДИУ, 2000, 3-16-бетлар.
19. Рафиқов /А., Содиков А.К., Раҳмонов Б. Сиёсатшунослик фанидан маърузалар матнлари. ТошДИУ, 2000, 3-8-бетлар.
20. Фуқоралик жамияти.//2006 йил.№3 сон.10-11 ва 36-39 бетлар.
21. Тафаккур.//2007 йил.№1 сон.12-14 бетлар.
22. Фалсафа.Муалифлар гуруҳи.Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашри. 2006 йил

## **2-МАВЗУ. СИЁСИЙ +АРАШЛАР ВА ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.**

- 1.Сиёсий карашларнинг шаклланиши.Кадимги Шарк ва Гарбдаги сиёсий карашлар.
- 2Марказий осиедаги сиёсий фикрлар ривож(IX-XIX асрлар)
- 3.Жадидликда маърифатпарварлик, сиёсий карашлар ва гоьлар.
- 4.Мустабиб тузум давридаги сиёсий карашлар ва унинг окибатлар.
- 5.Мустакиллик шароитида сиёсий карашларнинг узгариши ва ривожланиши.

Жамият ҳаётида руй берган харкандай узгариш маълум бир тарихий шароитнинг махсули хисобланади. Политология фанида урганиладиган масалалар ҳам турли хил шароитларда руй берган.

Давлат ташкилотини мустахкамлаш, унинг жамиятни бошқариш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш зарурияти давлатнинг жамиятдаги урни ва ролини урганишга, унинг

вазифаларини аниқлашга булган интилишда ифода топган. Бошқа томондан, эса давлатнинг турли шароитларда мавжуд булиши ва унинг хилма-хил шаклларда намоён булиши, давлатлар уртасида алоқалар урнатиш заруриятининг мавжудлиги тарихан кишиларни беэтибор қолдирмаган. Жамият ҳаётидаги ҳар қандай ижтимоий муаммо бирор синф, гуруҳ, қатлам, миллат манфаатлари билан тўқнаш келиб қолса сиёсий маъно касб этади. Шунинг учун ҳам сиёсий ғоялар, қарашлар, таълимотларнинг вужудга келиши жараёни жамиятдаги табақаланиш ва давлат ривожланиши билан узвий боғлиқ.

Дастлабки сиёсий-ҳуқуқий фикрлар барча халқларда, қадимги Шарқда ҳам, антик /арбада ҳам: афсона, ривоятлар негизида шаклланиган. Уларга кўра, ердаги тартиблар умумбашарий, коинот тартибларининг узвий қисми ва келиб чиқиши жиҳатидан-илоҳийдир. Ана шундай тушуниш узоқ давр мобайнида Шарқда, кейинчалик /арбада ҳам инсонлар, улар ўртасидаги муносабатлар, азалдан белгиланганлигига асосланиб барқарор дунёқаршни шакллантирди. Бу қадимги даврдаги тузум, давлат, сиёсатга доир ифода этилган ғояларни 3 турга ажратиш мумкин:

1. Диний қараш.
2. Юридик қараш.
3. Сиёсий социологик қараш тарзида юзага келди.

Буларда сиёсий ҳодисалар ҳар хил талқин этилган. +адиимги Хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қаралган. Хитой императори осмоннинг ўғлигига эмас, ўз халқининг отаси ҳам ҳисобланган.

Конфуций (э.р.ав. 551-479) - таълимоти фалсафий ва сиёсий - ҳуқуқий фикр тарихида Сукротдан кейин муҳим роль ўйнаган. Конфуций давлатнинг патриархал - патерналистик концепциясини ривожлантирган. Унинг таъкидлашича, давлат-катта оиладир. Император ҳокимияти гўё оила бошлиғи-отанинг ҳокимиятидек адолати ва қўл остидагиларига меҳр-шафқатга асосланган. Ҳукмдор ва фуқаролар муносабати - оила аъзоларининг муносабатини эслатади: кичиклар катталар қарамоғида ва уларга итоат қилади. Конфуций одамларни ижтимоий келиб чиқишга кўра 4 қатламга ажратади:

- 1)аслзодалар (ҳар қандай билимга туғилишдан эга);
- 2)билимларга ўқиш-ўрганиш жараёнида эга бўлганлар;
- 3)билимларни қийинчилик билан ўзлаштирувчилар;
- 4)билим олишга интилмайдиганлар.

Шу тариқа одамлар ўртасида тенгсизлик мавжудлиги ва оми одамлар, қўйи табақалар, кичик олий насаб аслзода, катталарга бўсунишлари зарурлиги белгилаб берилади. Ҳокимият оқсуяклар қўлида тўпланиши лозимлигига асосланади. Конфуций ҳокимиятнинг адолат ва меҳр-шафқатга асосланади, фуқаролар эса исёнлардан ўзларини тийишларини уқтиради. Бошқариш-ҳаммани жой-жойига қўйиш демакдир.<sup>2</sup> Давлат ҳокимияти халқ ишончисиз мавжуд бўла олмайди, аммо ҳукмдорлар ҳаммага ўрнатилган бўлишлари лозим. Конфуций таълимотига кўра «Ҳукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса ҳукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим» дейилади. Одамларнинг «нажиб» ва паст кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди дейилган. Бу таълимот Хитойда кўп асрлар ҳукмрон идеология бўлиб хизмат қилиб келди.

+адиимги Мисрда эса аллоҳ - ҳукмдор ҳокимиятнинг илк манбаи сифатида қаралган. Ерда ҳам унинг таъсири худди шундай сақланиб қолган. Бу ўзига хос пирамидага киёс этилган ., унинг учи худо ва унинг сайлаб қўйган фиръавнлари, асоси эса оддий халқ деб қаралган. Улар ўртасида руҳонийлар ва задалар турган. Жамият ва давлатнинг ҳулқ-атвори инсоннинг кўпроқ қайси тоифага тегишлиги билан белгиланган.

+адиимги Ҳиндистонда ҳам жамият ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий, мавжуд тартиб ва қоидалар ҳам шу асосда ўрнатилган, деган ғоялар мавжуд бўлган.

Умуман, дастлабки сиёсий таълимотлар юзага келишида 1) Тўмарис (э.р.ав. 530-520 йилларда массагетқабилаларига ҳукмронлик қилган), 2)Широқ (э.р.ав. 509), 3)Спитамен (э.р.ав. 329-327 йилларда Александр Македон қўшинларига қарши курашган, VII-VI асрлар) ва бошқа афсона ва ривоятларда, халқ қаҳромони эпосларида билдирилган сиёсий фикр катта роль ўйнаган.

<sup>2</sup> Юсупова Г.Х., Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-—исм Тошкент: ЎзМУ, 2000, 7-14 бетлар.

Сиёсий фикрлар тарихида диний анъаналарнинг энг классик кўриниши Августин (Шимолий Африка, 354-430) ўз ифодасини топган. Христиан черковига хос белгилар унинг давлатдан устун туришига асосланган. «Черковга бўйсунмаган давлат қасоскорлар тўдасидан фарқ қилмайди» деган ғоя илгари сурилади. Инсонларни эса «илохий одам», «ердаги одам»га бўлади.

Антик давр сиёсий фикри Шарк ғояларини ўзига сингдириб, кейинчалик ривожланган /арб давлатчилигидаги барча дунёқараш ва мафкураларнинг куртакларини ундирган замин бўлди. Сиёсий фикр афсона ва ривоятлар қабиғидан чиқиб, жамият масалаларини фалсафий талқин қилишга интилди. Демократия антик даврларда тўлиқ намаён бўлиб аста-секин инсоният ижтимоий - сиёсий қадриятлари ҳазинасидан жой олди. Антик /арбдаги сиёсий қарашлар. феодализм ва капитализмгача бўлган сиёсий қарашларда қадимги файласуфларнинг роли муҳим аҳамиятга эга.

1)Платон - Афлотун (эр.ав. 427-347) қадимги юнон файласуфи. Унинг жамият тўғрисидаги фикрларининг қиймати шундаки, у ҳокимият, хусусан давлат ҳокимияти масалалари соҳасида илгари сурган айрим қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Сиёсатда давлат тузилишини 3 табақага ажратади: («Давлат», «Сиёсатчи», «+онунлар», «Софист» асарида)

- а) давлатни файласуфлар бошқариши керак;
- б) ҳарбийлар давлатни урушлардан химоя қилиши керак;
- в) деҳқон ва қосиблар моддий жихатдан таъмин қилиб туришлари керак, дейди.

Платон давлат бошқарувининг 3 шакли, турини кўрсатади:

- а) монархия - бир киши ҳокимияти, қонуний ва ноқонуний (тирания) бўлиши керак;
- б) демократия - ҳамманинг ҳокимияти, у ҳам қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин;
- в) аристократия - озчилик ҳокимияти, баркамол ёки зўрлик асосида қўрилган бўлиши мумкин.

Платоннинг «Пифагор» диалогияда давлат бошқарув санъати ҳақида фикр юритади. Давлатни фақат билимдон одамларгина бошқариши мумкин. Адолат - бу ўз ишини малакали, ситқидилдан бажаришдир. Платоннинг «+онунлар» китобида давлат ҳокимиятига чекланмаган назоратсизлик ҳолатини беради. «Республика» асарида коллективизм тушунчасини биринчи бор назарий асослади ва утопик жамият ҳақидаги тушунчалар билан бойитди.

2) Аристотель (Арусту) - (м.а.384-322) қадимги юнон файласуфи, А. Македонский тарбиячиси.

У кишиларни 3 табақага ажратади, Унинг «Сиёсат», «Этика», «Риторика» асарлари бор.

- а) Энг бой табақа.
- б) Ўртача бой табақа.
- в) Энг камбағал табақа.

Шунга кўра одамларнинг ахлоқий фазилатларини 3 хилга ажратади. Булардан энг бой ва ўрта табақа энг гўзал фазилатларга эга, камбағал кишиларда ахлоқий фазилатлар йўқ.

Давлат - қулдорлар синфининг ўрта табақасида бўлиши лозим. У давлат бошқарувини уч туркумга ажратади: Арасту халқни икки йўл билан бошқариш мумкин дейди: 1) +ўрқув уруғини сочиб, 2) меҳр-муҳаббат қозониб.

- а) Монархия, акси - тирания.
- б) Аристократия, акси - олигархия
- в) Полития, акси - демократия.

Унинг фикрича ҳаддан ташқари демократия ҳам бузилган демократиядир. У ўзининг «Сиёсат» асарида қуйидаги саволлари диққатга лойиқ: қайси ҳокимият афзалроқ: баркамол инсонлар ҳокимияти ёки баркамол қонунлар ҳокимияти? XVII асрда бу саволга Ш.Л.Монтескье «баркамол қонунлар ҳокимияти» деб жавоб берган эди.

**2Марказий Осиёдаги сиёсий фикрлар ривож(IX-XIX асрлар)** Шарк мамлакатлари нинг ислом кенг илдиз отган ҳудудларида сиёсий тартибларнинг мазмун-моҳияти ва ривожланиш йуналишлари шу динининг жамиятда амал қилиши зарур булган қоидалари билан боғлиқ кетгандир. Мусулмон мамлакатларининг олимлар ва арбоблари қадимги Юнон ва Рим мутафаккирлари бошлаб берган фаолиятдан озиқланишини ва таккосланиб чиқилишининг ва шу асосда узига хос сиёсий маданиятнинг таркиб топтирганликларининг гувоҳи буламиз. Шарк

мутафаккирлари ўз қарашларига кўпроқ сиёсатнинг ижтимоий ва ахлоқий, маънавий қирраларини ёритганлар. Инсон у учун муносиб моддий ва маънавий шароитларни яратиш контекстида олиб қаралган.

Абу Наср Фаробий (873-950) «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган истаги боғлайди. Давлатни яхши фазилатли, маърифатли ҳукмдор бошқариши лозим. Давлатнинг зўровонлик ва бебошликка кўрилиши қораланади. Ўрта асрларда Фаробий биринчилардан бўлиб, жамият ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт таркибини жиддий ўрганиш масаласини қўйди. Ижтимоий ҳаётни ўрганиш соҳасида Фаробий бир қатор масалаларни белгилаб берди. Фаробийнинг 160 га яқин асари бор. Бевосита сиёсатга оид «Фозил шаҳар аҳолиларининг қарашлари ҳақида рисола», «Фуқаролик сиёсати», «Батга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг афоризмлари», «Намунали шаҳар» асарлари бор. У идеал жамият тузилишини, яъни фазилатли шаҳар аҳолисини беш қисмга бўлади:

- а) Файласуфлар-(фозил кишилар - муносиброқ одамлар);
- б) нотиклар ( ширинсухан кишилар, машшоҳ, шоир, ёзувчи, дин хиз.);
- в) ўлчовчи (мутахассислар: ҳисобчи, ҳакам, муҳандис);
- г) қўриқчилар ( жангчилар, посбон, ҳуқуқ тарғиботчилари);
- д) бойлар (хўжалик ишлари билан шуғулланувчилар, чорвадор, савдогарлар).

Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Шундай бошқарув кишиларни бахтга, тинчликка олиб боради. Бундай давлатда бошқарув адолатлидир. Аксинча бахтсизлик, уруш ва қирғинларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир. Бошқарув санъати икки қисмдан иборат:

- 1) назарий (бошқарувнинг асосий усули ва қонун ҳақида билим);
- 2) амалий (давлатни идора қилиш) қимсларига бўлади.

Ақлли деб шундай кишиларга айтамикки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилатли, яхши ишларни амалга оширадиган, ёмон ишлардан ўзини сақлайдиган инсонлардир.

Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар - фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси - фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ - фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

Фаробий давлатнинг келиб чиқишини илоҳиётдан эмас, балки мавжуд жамиятдан излаш кераклигини айтади. Фаробий жамоани катта - кичиклиги қараб уч турга бўлади:

- 1) Буюк жамоа - дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви;
- 2) Ўрта жамоа - бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа;
- 3) Кичик жамоа - алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Одамларнинг энг такомиллашган жамоаси - бу шаҳар давлатидир. +ишлоқлар шаҳарлардан кейин турувчи ва шаҳарларни озиқ - овқат билан таъминловчи жамоалар ҳисобланади. Фаробий шаҳар давлатини икки таифага бўлади: 1) Аль - Мадина аль-Фозила; 2) Аль - Мадина аль - Моҳилия.

Агар барча шаҳар аҳолиси ўзаро биргаликда, иттифоқда яшаб, бир-бирларига ёрдам кўрсатсалар бундай шаҳарлар фазилатлидир. Барча халқлар тинч татув ва дўстлик асосида яшаса ер юзида тинчлик бўлади.

Фаробий асрларида давлат атамаси ишлатилмайди. Аммо шаҳар жамоалари деганда шаҳар-давлатларни назарда тутаяди. Давлатнинг келиб чиқишини Фаробий одамларнинг жамоа бўлиб яшаш ихтиёжларидан деб билади. У давлатнинг асосий вазифасини иккига бўлади.

1. Давлатнинг ички вазифаси фуқаронинг бахтли ҳаётини таъминлаш.
2. Ташқи вазифаси ўз аҳолисини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш. Фаробий урушларнинг икки ҳилини айтади:
  1. Адолатли урушлар (Адолатсиз урушга қарши олиб борилади).
  2. Адолатсиз урушлар (Босқинчилик урушлари).

Фаробий давлат шакли масаласига ҳам тўхталади. Тахт отадан болага меърос бўлиб ўтишини қоралайди. Давлат бошлиғи ўз лозимига мансуб бўлган шахс бўлишлигини ёқлайди. Унинг

фикрича давлат бошлиғи ҳар томонлама етук булиши керак. Фаробий ана шу икки ҳокимлик тўғрисида гапирар экан, унинг олдига 12 талабни қўйяди. Булар: 1) турт мучали соғлом, 2) нозик фаросатли, 3) хотирали, 4) зехни ўткир, зукко, 5) фикри тиниқ, сўзлари чиройли, 6) маърифатли, 7) тамо, ичимлик, аёлларга нисбатан очофот бўлмаслиги, 8) ҳақиқатгўй, 9) номусли, ориятли, олийҳиммат бўлиши, 10) бойликка қизиқмайдиган, 11) адолатпарвар, 12) ботир, қўрқоқлик ва ҳадиксрашдан холи бўлиши даркор. Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда бўлиши қийин, бундай туғма қобилият камдан кам одамларга учрайди ва улар нодир инсонлардир. Баркамол инсон топилмай қолса унда юқоридаги фазилатлардан 6 ёки 5 таси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади, дейди. Фозиллар шахрида бундай одам йўқ бўлганда ана шу имом ёки унинг издошлари чиқарган қонун ва тартибларга амалқиланади. Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши зарур. Кейинги имомда яна 6 та фазилат ҳосил қилиниши зарур: 1) донишмандлик, 2) хотираси кучли, 3) янги қонунларни ихтиро қилиш, 4) вазиятни тез илғаб оладиган, 5) нотиклик, 6) ҳарбий ишларга моҳирлик, раҳбарлик қилиш, Шу хислатларга эга бўлган шахс топилмаса, 2 киши бирлашиб фозил шахарга раҳбарлик қилиши лозим, дейди.

2) Абу Райхон Беруний (973-1048) - тарихчи, энциклопедист олим. /арбда, Францияда уни Алибарон номи билан тилга олишади. Асарлари: «Хиндистон» (1031), «Геодезия», «Минерология», «Ёгорликлар» каби асарларида исломгача бўлган давр маданияти, маънавий ҳаётини акс эттирган, зўрлик, босқинчиликни қоралаган. Одамлар ижтимоий адолатли тартиб ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Давлат шакли - мамлакатни шоҳлар мутлоқ ҳокимлик эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқарсин, дейди. Шоҳлар ва қонунлар инсон учун хизмат қилиши керак, уни босқинчилардан ҳимоя қилиши лозим. Инсон фақат ўзи учун яшамаслиги керак, у умумбашарий борлиқ эканлигини эътироф этади. Беруний: «Юнон файласуфлари авом халқ учун эмас, балки юқори табақалар учун усул ва қоидалар ишлаб чиққанлар». «Давлатни бошқариш,- дейди Беруний,- жабрланувчилар ҳуқуқини зўравонлардан ҳимоя қилиш, бошқарилувчи халқ тинчлигини сақлаш учун ўз тинчлигидан воз кечиш демакдир». У адолатли ҳукмдорнинг асосий вазифаси кучли ва кучсизлар ўртасида тенглик, юқори ва паст даражадагилар орасида адолат ўрнатишдан иборат деб билади.

Йирик ҳинд давлат арбоби Жовоҳарлаъл неру «Хиндистоннинг кашф этилиши» асарида ёзади: «Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб хайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материалларни ҳамраб олиши билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий ҳирғинлир бўлишига қарамай, фан аҳддари ўз ишлирини давом эттирганликларини кўрсатиб беради».

Берунийнинг «Оқ кийинганлар ва қарматийлар тарихи», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «+уён ҳаракатини аниқлаш йўллари», «+онуний Маъсудий» «Сайдана» каби асрлари ҳам мавжуд.

3. Ибн Сино (1080-1037) - жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган қомусчи олим. Авицеанна туфайли Франция /арб Аристотель асарларини ўрганди. 200 дан зиёд аср қолдирган. «Тиббиёт қонунлари» ўша даврдаги тезда латин тилига таржима қилиниб Европа, қатор Шарқ мамлакатларида дарслик бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, унинг «Нажот китоби», «Донишмандлик китоби», «Ишорат ва танбеҳ» асарлари муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий қарашларда Ибн Сино идеал ҷамият аҳолисида кишиларни бажарадиган вазифасига кўра уч табақага бўлади:

- 1) бошқарувчилар - маъмурий ишлар билан шуқулланувчилар;
- 2) меҳнаткашлар - ишлаб чиқарувчилар;
- 3) ҳарбийлар - жангчилар.

Давлатсиз қонун-қоидалар бўлмайди. Агар одамлар фақат шоҳу султанлардан ёки оддий меҳнаткашлардан иборат бўлса барчалари алок бўлади. У моддий тинсинликни эътироф этади, лекин одамларнинг бойиб кетишлари тарафдори, ҳамма азолари билан бир хил бўлган қонун ўрнатилган ҷамиятда адолатсизлик бўлмайди. Адолатсиз кишилар ҷазога лойиқдирлар. Агар ҳуқумдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши қўзғалишни оқламоқ керак, дейди у.

4) Низомулмулк (Абу Али Хасан ибн али Исҳоқ Низомулмулк - 1017-1092) - Шарқ давлатшунослигининг асосчиларидан бири. Унинг «Сиёсатнома» (ёки Сияр ул-мулк) асари билан ўчмас из қолдирган. Эрон шоҳларидан Алпарслон ва кейинчалик Маликшоҳ Салқуқ салтанатида 30 йилга яқин бош вазир бўлиб ишлаган. Машҳур Исфохон расадхонаси унинг маблағи ҳисобига

қурилган. «Сиёсатнома» асарида шоҳ, қози, вазир, навкарбоши, элчи, хазинабон, сарой амалдорлари, бош қўмондон, лашкарбошилар, девонбеги ҳамда бошқаларнинг вазифалари, хунармандлар, савдогарлар, кенг халқ оммаси билан муносабат, қўшин ва қуrol-яроғни сақлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, фуқароларнинг орзу додини эшитиш, солиқларни тартибга солиш, унинг ундирилишини назорат қилиш, мамлакат бутунлиги, давлатнинг адлу инсофи, ҳиммат, эҳсон, тўғрилиқ, хайрихоҳлик, маърифатпарварлик, инсондўстлик, расмийпарварлик ҳақида 50 фаслда адолатнома сиёсатдон сифатида фикр юритади. Хатто ёзувчи айрим хикоялари орқали амалдорларни хусусий ишларда, қуллари, хизматкорларини жазолашда ҳам қонунга риоя қилишни уқтирган.

5) Амир Темур (1336-1405) - XIV асрда буюқ темурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан аввал ўтган хукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ё икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянди. Улар: 1) саййидлар, фозил кишилар, 2) ишнинг қўзини биладиган донишманд кишилар, 3) художўй, дарвеш, қаландарлар, 4) қуёнлар, 5) сипоҳ ва рамят, 6) ишончли кишилар, 7) вазирлар, саркотиблар, 8) ҳокимлар, табиблар, 9) тафсир ва хадис олимлари, 10) аҳли саноат, 11) сўфийлар, 12) тужмор (савдогар).

А. Темур эл-юртни ўз тасарруфида ва итоатда тутиш учун 12 тузук тутди. Давлат ишларини 4 омилга боғлаб иш олиб борди:

1. Салтанат.
2. Хазина.
3. +ўшин (сипоҳ масалаларига).
4. Рамят (қора халқ) га боғлиқ.

Амир Темур ўз улкан империясини улус-улус қилиб идора қилган. Моварауннахрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни у 4 улусга бўлди:

- 1) +обул, Разна ва +андаҳорни, то Синг дарёсигача бўлган ерлар билан қўшиб ва 12 минг кишилиқ қўшин билан тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгирга берди. Унинг вафотидан кейин эса (1376) у вилоятларга Балх мамлакатини ҳам қўшиб Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом қилди.
- 2) Иккинчи ўғли Умаршайх мирзога Фарғона ўлкаси, сўнг 1393 йили форс вилоятини берди. Фарғонага кетимда 10 минг кишилиқ қўшин билан жўнатди.
- 3) Учинчи ўғли амирзода Мироншоҳ 1380 йили эса унга 10 минг кишилиқ қўшин билан Хуросон мамлакатига тайинлади. 1383 йили эса унга /арбий Ироқ ва Озарбайжонни (маркази Тибриз) улус қилиб берди.
- 4) Хуросонга эса ўша йили (1383) кенжа ўғли амирзода Шохрухни тайин қилди. Ва 8 минг кишилиқ қўшин билан Хиротга жўнатди.

Амир Темур салтанатни бошқаришда кенгаш, машварат (мааслаҳатлашиш) ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган.

Кенгаш - бу яқин ишончли одамлар билан муҳим давлат ишлари юзасидан қилинадиган маслаҳат, йиғилиш. Машварат - эса малойки, уламо, фузало, вузаро ва бошқа аркони давлатни тўплаб қилинадиган йиғилиш. «Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлсада, дейди у, - ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозим». «Давлат ишларининг 9 удумини, - дейди у, - кенгаш, тадбир ва машварат билан. қолган бир удумини қилич билан ҳал қилдим». «Тажрибамдан билдимки, кенгаш 2 турли бўлади: Бири тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилгани (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жо этардим».

Б) Алишер Навоий (1441-1501) - XV аср мутафаккири ижодида бир қатор муҳим фикрларни учратамиз. Навоий халққа нисбатан адолатсизлик ва ёвузликни қоралайди. Марказлашган кучли подшолик ҳокимиятини ёқлаб чиқади. Негаки, кучсиз шоҳ порахўр қозилар, зўравон ва таъмагир амалдорларга йўл очиб беради. Кучли шоҳ ҳокимиятида фақат муносиб баркамол шахслар ўрин олади. Зулм учун золимнинг ўзи жавоб беради, негаки, қўмир ташиганнинг қўли қорадир. Инсонлар маънавий камолотга интилишлари лозим. Бунинг асосий шарти эса, А, Навоий фикрича, ҳалол меҳнатдир.

А Навоий сиёсий ғояларини «Садди Искандарий» достонида асослаб берган. Унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. Навоий бу муаммони адолатли шоҳ - адолатли давлат - адолатли қонунлар-адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган<sup>3</sup>. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали куйлаган.

Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни Хусайн Бойқаро давридаги вазирлик фаолиятида амалга оширишга уринади. Навоийнинг бу каби илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур «Бобурнома» асарида янада бойитилди.

**3. Жади́дликда маърифатпарварлик, сиёсий қарашлар ва ғоялар. Оғоҳий (1809-1874) -** Унинг сиёсий қарашлари таржима ва асарларида баён этилди. 19 асарни форс тилидан ўзбекча таржима қилган. «Юсуф ва Зулайҳо», «Шоҳу гадо» достонларини ўгирган. 1999 йил декабрида Урганч шаҳрида Оғоҳийнинг 190 йиллиги кенг нишонланди. Оғоҳийнинг сиёсий қарашларида 2 тенденция мавжуд:

Давлатни бошқариш масаласида маърифатпарварлик, инсонпарварлик, демократик қарашлар илгари сурилади.

масалани бир томонлама ҳал қилиб топиш қийин бўлган идеал маърифатпарвар шахс роли баҳоланади.

Аҳмад Дониш (1827 - 1897) нинг сиёсий қарашлари Бухоро амирлиги давридаги сиёсий тартиблар, ҳаракатлар, давлат бошқару ва тузилиши моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. У Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий қарашлари билан Россияни таққослайди. Бу фарқ давлат бошқарувида катта эканлигини баён этади. У ўзи тузган лойиҳада давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки бутун халқ манфаатига хизмат қилиши керак. Ҳукмдор мамлакатни идора қилишда давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб иш қилиши лозим. Ҳукмдор улар гапига кулоқ солиши керак. Чунки бир киши ақлидан кўпчилик ақли устун бўлади. «Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас. . . ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ақлсиз одамлар мамлакатни идора қила олмайдилар» дейди. А. Дониш сиёсий қарашлари Бухоро амирига ёқмади, у саройдан четлаштирилди.

Бердак (1827 - 1900) - +орақалпоқ шоири ва мутафаккири. У ўз сиёсий қарашларида Хива хонлиги маъмурий сиёсий идора усулини фожия қилди. Хива хонлиги феодализмдан иборат бўлиб, давлат тепасида +ўнғирот уруғига мансуб бўлган хон туради. Хон чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, давлат бошқаруви отадан болага мерос бўлиб ўтаверади. Олий давлат бошқаруви, маъмурий лавозимлар хоннинг қариндош уруғи эди, у судлов ишларида ғонунсизликни кўрди. Аҳоли тирикчилиги ер билан, лекин ер хон қўлида, амалдорларга қарашли. Хоннинг солиқ сиёсати даҳшатли, ўлпонларнинг 25 га яқин тури бор. Ана шу ижтимоий адолатсизликни қоралади. Буларни ўзининг «Аҳмоқ подшо» достонида битди. 1998 йил декабрида +орақалпоқ мунтоз шоири Бердак таваллудининг 170 йиллиги кенг нишонланди.

Саттархон (1843-1902) хонлик тизимини ўзбошимчиликда, қонунсизлик ва порахўрликда, мамлакат фаровонлиги, илм-фан ривожига ҳақида ғамхўрлик қилмасликда айблади. Шу сабабли ҳам мамлакат қалоқ дейди. Саттархон фикрича «Жамият тараққиётининг асосини илм-фан, маърифат ташкил қилади, маърифат - жамиятнинг фаровон яшаши гаровидир».

Фурқат (1858-1909) феодализм хонлик тартибларининг мамлакат ривожига ғов эканлигини айтади. Хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низоларини, босқинчиликларини қоралади. «Хонлар - илм-фан, халқ фаровонлиги, мамлакатлари билан банд бўладилар», дейди.

Умуман, бу даврда Муқимий (1850-1908), Завқий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919) лар ҳам маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилиб, сиёсий тузумни ислоҳ қилиш тарафдорлари эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида жади́дчилик ғоялари. Туркистон ўлкасида «жади́дчилик» ҳаракати пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг халқимизнинг миллий, ижтимоий ва маданий жихатдан ўтмишида ўзига хос ўрин мавжуд. Жади́дчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг

---

<sup>3</sup> Политология. Маърузалар матни. Тошкент, 2000, 23-24-бетлар.

кўриниши бўлиб, унинг намоёндалари мамлакатни қолоқликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишнинг маърифий йўлини кўрсатдилар.

Чор Россиясининг чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда мактаб-маорифнинг янгиланиши, янги адабиётнинг вужудга келиши, миллий театр, матбуотнинг туғилиши ва йўлга қўйилиши ҳам жадидчилик ҳаракатининг самараларидир.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида бир хиллик бўлмаган: идора маршрутачилик (конституцион монархия) дан республикачилик намоёндалари қарашларида ҳам хилма-хиллик бўлган, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда, жадидизм муайян қарашлартизими сифатида шу давр эҳтиёжларини ифодалар эди.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий қарашларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик режимиға қаратилган ғоялар билан бирга иккиланишлар, мўътадиллик ғоялари уйғунлашган эди. Бунда матбуотнинг роли ўсди. Жадидчиларнинг газета ва журналлари ўлкада кенг тарқалиб мусулмон аҳолисининг сиёсий онги ўсишга таъсир эта бошлади.

1906 йилдан бошлаб Туркистон жадидлари ўзларининг «Тараққий». «Хуршид» номли газеталарни нашр қила бошлади. Унда мўътадиллик, иккиланишлар, журъатсизлик сезилиб турсада, чоризм сиёсатини кескин қораловчи мақолалар ҳам босилиб турди.

Жадидчилик оқими ташкилий жиҳатдан низом ва дастурига эга эмас эди. Сабаби у ташкилий жиҳатдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилмаганди.

Исмоилбек Гаспринский (1851-1914) - юқори аслзодалар оиласидан. +римда мусулмон диний мактабида таълим олган, асли ўзи +римнинг Бокчасаройидан эди. Туркистон жадидлари ўз сиёсий дастурини ана шу +римтатар сиёсий арбобидан олди. У Москвада кадетлар корпусида ҳарбий таълим олган. Туркия ва Францияда 2 йил яшаган. +рим ярим оролида яшаган аҳолининг 25 фоизини ташкил қилган қрим татарлари орасида турк тилини саклаб қолишини ёқлаган. 20 йил «Таржимон» журналининг нашр этди. И.Гаспарали 1893 йили Бухоро амири Абдулаҳадға янги усул мактаблари тузишни таклиф қилди, рад жавоби олди. У Туркистонга жадидчилик оқимини биринчи бўлиб яйди. 1910 йили Туркистоннинг турли жойларида 50 га яқин шундай мактаблар тузди. Тошкентда 20, +ўқонда 16 та шундай марказий жадид мактаблари очилди. И.Гаспарали ҳар бир миллатнинг маориф-маданиятини миллий заминда олиб бориб, миллий тил учун кураш ташкил қилган эди. У туркий халқлар учун ягона тил, имло масаласини ҳимоя қилиб чиқди. И.Гаспарали «Юз йилдан сўнг. 2000 сана» романини ёзди. У синфий кураш назариясига қарши эди. Маданияти йўқ миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ, ҳали синфий низоларға ҳам эрта. Бизнинг бугунги вазифамиз ҳали маданий ўсувдан, шунга йўл ҳозирловдангина иборат. У ўз романида қонсиз кечадиган инқилоб ҳақида ёзди.Энг яхши орзу ҳам, агар у зўрлик ва куч билан амалға ошадиган бўлса, зулмидар, ҳар хил кўрсатмалар, буйруқ зўровонлар бўлса, бундай «мамлакат ва жамият муқаррар равишда казарма вазиятига келиб қолади».

Маҳмудхўжа Бехбудий (1879-1919) - самарканд шаҳрида руҳоний оиласида дунёға келди. У ҳаж қилиб макка ва мадинаға борди, миср ва Туркия шаҳарларида бўлди. Петербург, Москва, +озон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлди. Бехбудий жадид кўшилиб Туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқишини ва унинг мустақил давлат сифатида ички ва ташки сиёсат олиб борилиши лозимлигини ҳимоя қилди. Жадидлар 1917 йил февраль инқилобидан сўнг ўз сиёсий ташкилотларини тузишға киришди. 1917 йил мартида «Шўрои ислом» ташкилотига асос солди. Мусулмонларни бу ташкилот атрофиға бирлаштиришға чақирди. Бехбудий озодликка олиб боришда маърифатнинг ролиға юқори баҳо берди. У «маориф бўлимида турган мусулмонларнинг бошини силангиз. Мафкураға ёрдам этнгиз. Туркистон болаларини илмсиз кўрманг, озодлик йўлини кўрсатинг деган эди.

Мунавварқори Абдурашидов (1878-1931) - Туркистонда жадидизм ҳаракати раҳбарларидан бири, педагог, зиёли оиласида туғилган. Тошкентда Юнусхон мадрасасида таълим олагн. 1908 йили жадид мактаблари очиб дарс берган. Шу мактаблар учун қўлланма, дарслик ёзган. У маҳаллий бойлар кайфиятини ифода қилган. У эски мактабларни ислох қилиб, унда дунёвий илмлар ўқитилиши тарафдори эди. У халқни маърифатға чақирди. «Шўроия Исломия» ташкилоти тузувчиларидан бири эди. Бу ташкилотға маҳаллий бойлар, руҳонийлар кирган. Ташкилотнинг талаби Туркистонда буржуа Россияси таркибида миллий-диний автономия тузим, маданият ва маориф соҳасида капитализм ривожини учун зарур бўлган баъзи ислохотлар ўтказишдан иборат эди. У 1931 йил 26 апрелда собиқ Шўро тузуми тарафдорлари томонидан қатл этилди.

Фитрат (1886-1938) - ўзбек ёзувчиси ва олими эди. У дин ва эски дунё сарқитларига қарши курашган. Самарқанд Пеҳакадемияда ишлаган. «Рўзилар» каби драматик асарлари билан феодал тузими ва динга қарши чиқди. 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ўлдирилган.

Чўлпон (1893-1987) - ўзбек шоири, таржимон, санъатшунос. У дастлаб мадрасада, сўнг рус-тузим мактабига ўқиган. 1919-20 йилларда «Турк ГОСТА» газетасида муҳаррир, «+изил байроқ», «Туркистон» каби газеталарда адабий ходим, 1924 йилдан Москва ўзбек драма студиясида, кейин Ўзбекистонда маориф ва театр соҳаларида ишлаган. 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилган.

Умуман, жаҳидлик ҳаракатининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Жаҳидчилик ҳаракатининг Туркистонда сиёсий жараёнлар ривожланишига катта ҳисса қўшди. Маърифатчилик ҳаракати сифатида бошлаган ҳаракатлари халқнинг умумий саводини ва маърифатини кўтариш ғоясини илгари сурди.

Жаҳидлар динга қарши курашган эмаслар, балки шариатга қаттиқ риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмлар бериш асосида ислоҳ қилиш зарурлиги масаласини кўтардилар.

Жаҳидчилар ҳаракати Россияда вужудга келган большевиклар партияси билан бир вақтда шаклланди. Истибод ҳукумати жаҳидларни дин пешволарига қарши қўйиб ҳаракат қилса, жаҳидлар халқни маърифат йўли билан онгини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

Хуллас, Жаҳидчилар ҳаракати XX аср бошларида Туркистонда кенг ёйилиши тасодифий ходиса эмас, балки ўлкада етилиб келган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётининг қонуний ифодаси бўлди.

**4. Мустабид тузум давридаги сиёсий қарашлар ва унинг оқибатлари.** Дунёни турлича тушунишдан қаноатланмаган, уни узгартиришга даъвогарлик қилган «марксча-ленинча» ғоялар асосида «икки бўлб қашфиёт» деб номланган «ТАРИХНИ МАТЕРИАЛИСТИК ТУШУНИШ», ва «қушимча қиймат» қонунлари ётган эди. Собик коммунистик мафкуранинг негизида турган бу қашфиётларнинг асл моҳияти ва мақсадларини аниқлашга, истиклол берган фикрлар эркинлигининг туфайли Мушарраф буганимизни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамиятлар ривож тарихи шуни исботладики, қашфиётларни айрим ижтимоий гуруҳларни манфаатини ҳимоя қилишга сафарбар этиш ва мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳаётни муайян сиёсий манфаатлар негизида узгартиришни олдиндан мақсад қилиб қўйган жамият фалсафада — «тарихни материалистик тушуниш», деб ном олган бу қашфиётнинг инсоният учун сабий жихати шундан иборат бўлди :

- «МАТЕРИАЛИЗМ» - бирдан бир тугри қараш деган нукътаи-назар ҳукмрон қарашга айланди.
- Дунёга моддият нукътаи-назарида ёндошиш мутлақ тус олди. Натижада инсон маънавий талаблар асосида яшашга эмас, қупрок моддий эҳтиёжларни қондиришга таъсирга тушиб, узиқидан беғоналашиб борди. Бунинг мутлақ сиёсийлаштирилиши эса инсонда вужуд, тана, Рух уйғунлигининг бузилишига сабаб бўлди.

Жамият ривожига моддият мафкуралаштирилди ва сиёсийлаштирилди : «Турмуш, ижтимоий борлик онгига белгилайди», деган фикр ақидага айлантирилди. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда содир булган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини фақат турмушдан ва ижтимоий борлиқдан излаш асосида инсонга нибатан иккинчи даражали ёндашув содир бўлди. Тоталитар жамият шароитида уни амлга оширишнинг мукамал тизими яратилди. Аммо ҳаётнинг табиий ривожланиш қонунияти уз таъсирини қурсатди. Зувон сиёсий ҳукмронликни сақлаб қолиш учун ҳар-хил воситалар ёрдамида ҳар қанча никобланган сиёсат олиб борилмасин, Инкироз сари илдам бордилди. Дунё цивилизациясининг, қандай тараққиёт йулидан ривожланиши қаминида муҳим бир қонуният мавжуд. Турли даврларда, турли халқлар маънавияти қанчалик қилма-қил булмасин, уланинг узаро муносабатлари ворисийлик, тадрижийлик қонунига таянади. Бу жаҳон халқлари тафаккурининг натижаси сифатида намён бўлади ва имқониятга хизмат қилади. Собик коммунистик мафкура назариятчилари бу қонуниятни инкор этган ҳолда, уни факт материализм орқали ифодалашга, синфий манфаатларга бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Большевизм туфайли у амалиётга айланди. Шу боисдан у узига бўйсундирган мамлакатлар халқларни узига ҳос ва мос тараққиёт йулидан, эркин ривожланиш йулидан маҳрум этди.

Инсон тафаккурининг топталиши тоталитар тузумда ижодий фикр тарзидан махрум булла боришда кузатилади. Бу инсон аклини заифлаштиради. Бекарорлик кучаяди. Мамлакатга, Абу Наср Фаробий таъкидлаганидек, бегона гоёлар аста кириб олиб, ахолнинг қарашларини бутунлай узгартиб юоради. Мустакиллик туфайли, ижтимоий-сиёсий ҳаётда идеал, дохий сифатида тарғиб ва ташвиқ этилган ягона тугри гоёнинг асосчилари қилиб қўрилган шахслар «мени»нинг нечоғли зиддиятли қарама-қарши эканлигини чуқурроқ англашга имконият туғилди. Улар асосланган мафкура гоёвий жихатдан пуч эканлиги ошқор бўлмоқда.

**Мустакиллик шароитида сиёсий қарашларнинг узгариши ва ривожланиши.** 20-аср инсоният тарихида жуда катта ҳодисаларни келтириб чиқаргани билан алоҳида урин эгалламоқда. 21-аср жаҳон сиёсатида Янги даврни-юксак маънавиятга таянган, ақл-идроққа суянган, энг чигал муаммоларни ҳал этишда ҳам тафаккур куч қудратни қўллади даврини бошлаб бермоқда.

Тарихий нуқтаи-назаран Қарағанда, қуни кеча мустақилликка эришган Ўзбекистон икки аср оралиғида серташвиш ва муаммоларқуршовида қолган эски дунёга янғича тафаккур, воқеа-ҳодисаларга янғича ёндошиш, аниқроқ қилиб айтганда, шарқона донишмандлик ва шарқона муносабатлар устунлигини қўллади, устунлигини намойён этмоқда.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа даврда – мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида уз урни ва уз нуфузига эга бўлди. Дунё муаммоларни ҳал этишда «Ўзбек модели» вужудга келди. *(Бу ҳақда тафсил қаранг Нарзуллаев Ж Тарих фалсафаси. 156 бет Т 1999 й)*

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисиенинг 1995 йил 23-февралда бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Президент Ислоҳ Қаримов мамлакатда демократик қараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини қаролатлаш, энг инсонпарвар. Адолатли қуқорлик жамиятини шакллантириш ҳусусида гапирар экан «Ўзбекистон ХХІ аср остонасида» дастурин ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида алоҳида тўхталган эди. Орадан қу вақт ўтмай, анна шу кенг тармоқли дастур Президентнинг уз ташаббуси билан қратилди. «Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида» деб номланган йирик илмий, назарий, таҳлилий асар Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош дастури сифатида дунёга келди.

Президент Ислоҳ Қаримов тараккиётнинг Ўзбекистон учун мақбул тамойилларин ишлаб қикар экан, аввало, мамлакатда қратилажак жамиятқандай бўлишига эътиборберади ва унинг фикрича, Ўзбекистонда барпо этилажак жамият барча «изм» лардан ҳоле ва у қандай номланишидан қатъи-назар, адолатли, ҳалқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам мамлаат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йуналишлари пировард натижада қинакам мустақил Ўзбекистонда Янги, адолатли жамият барпо этилишига қаратилади. «Республикада собитқадамлик билан ҳалқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш-бош вазиқадир,-деб ўқиради прздант. Бу борадағи фикрини давом эттириб у»Ўзбекистон келаҳағи буюқ давлат. Бу мустақил демқратик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қондаларга асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи-назар, қуқорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ҳалқ давлат ҳокимиятининг манбаидир», -деган қондани илғари суради.

Ижтимоий ҳаёт, мамлакатда содир бўлаётган жиддий узгаришлар ва инсон ҳаётининг даҳлсизлиғи бевосита янғидан-янғи муаммоларни келтириб қикаради. Одамлар эса анна шу муаммоларни ҳал этиш қараёнида уз эреки ва ҳуқуқларни ҳимя қилиб боради. Жамият тараккиётиғи моқ равишда аҳолии «тарбияланиб» шаклланиб, барқамоллашиб боради.

### **Назорат ва муҳоама учун саволлар**

1. Сиёсий қарашлар ва таълимотлар ривожини таҳлил этинг ҳамда босқичларга бўлиб қикинг.
2. +адимғи Хитой ва Хиндистондағи дастлабқи сиёсий фикрларни баён этинг.
3. Антик Юнонистон ва Римда қандай муҳим сиёсий фикрлар илғари сурилган?
4. Фаробийнинг «қозил қишилар ҳақида рисола» асарини чуқур таҳлил этинг.
5. Фаробий идеал жамият, саҳар-давлати. Ижтимоий табақаланиш ҳақидағи фикрларини изоҳлаб беринг.
6. Улуғбек ва Ибн Сино сиёсий қарашлари нималарда қўринади?
7. Амир Темур давлати ва уни бошқарув тизими ҳақида ўз фикринғизни баён этинг.
8. Алишер Навоий ва унинг асарларида қандай сиёсий фикрлар илғари сурилади?
9. Шарқ ва /арбдағи сиёсий қарашларни қиёсий таққосланг.

10. Низомуллул-Мулкнинг «Сиёсатнома» ёки Сияр ул-мулук асарида нималар хақида фикр яратилади?
11. Гандизм ва толстойчилик сиёсий фикрлари хақида нималар биласиз?
12. Жаҳидчилик оқимининг ижтимоий-сиёсий қарашлари нималарда эди?
13. XX аср сиёсий қарашларининг ўзига хос жихатлари нималарда намоён бўлади?

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон». 2001, 10-12, 19-36-бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т, 1 - Т.: Ўзбекистон, 1996, №-36-бетлар.
3. Каримов И.А, биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т, 2 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 233-242, 319-322-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т,3 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 74-85, 99-108, 160-165-бетлар.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т,4 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 331-343-бетлар.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т,5-Т.: Ўзбекистон, 1997, 145-150, 166-191-бетлар.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: Ўзбекистон, 1998, 31-161-бетлар.
8. Каримов И.А. Биз кележагимизни ўз кўлимиз билан кўраимиз. Т.7-Т.: Ўзбекистон, 1999. 84-102, 132-154, 183-208, 223-236-бетлар.
9. Каримов И.А. Ватан ривнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, Т,9 - Т.: Ўзбекистон, 2001, 122-132, 220-224-бетлар.
10. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. Тошкент: «Адолат», 1997.
11. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 12-62-бетлар.
12. Гарипов Ф. Сиёсатшунослик, Т.: Ўзбекистон, 1992, 23-58-бетлар.
13. Гарипов ф.Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланмаси. Т.: ТошДТУ, 1996, 1-китоб, 23-62-бетлар.
14. Хошимов Т., Рафиқов /., Тўраев А. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. Термиз, 1997, 11-30-бетлар.
15. Рафиқов / А., Хошимов Т.Р. Сиёсий тафаккур тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДИУ, 1999, 3-60-бетлар.
16. Рамазонов И., Мўминов З. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 21-37-бетлар.
17. Отамуродов С., Эргашев И. Ақромов И., +одиров А. Политология. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 14-40-бетлар.
18. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-2-қисм. Тошкен:М. Улуғбек ном. ЎЗМУ, 2000, 7-15-бетлар.
19. Политология. Маърузалар матни. Тошкент: ЎЗРОЙМТЗ, 2000, 15-40-б.
20. Машарипов О., Хошимов Т.Р., Рафиқов / А. Политология. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 15-29-бетлар.
21. Фалсафа.Муалифлар гуруҳи.Ўзбекитон файласуфлари миллий жамияти нашри. 2006 йил
22. Фалса ва ҳуқуқ //2007 йил №2 сон 18- 20 бетлар.

МАВЗУ. ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ХАЁТИ ВА  
СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР  
РЕЖА.

- 1.Сиёсат, сиёсий ҳаёт тушунаси.Сиёсий ҳаёт соҳалари.**
- 2.Сиёсатнинг субъектлари.**
- 3.Сиёсий жараёнлар хусусияти ва мазмуни.**
- 4.Сиёсий ҳаёт ва жараёнларнинг ранг-баранглиги.**

**1.Сиёсат, сиёсий ҳаёт тушунаси. Сиёсий ҳаёт соҳалари** Сиёсат -иҷтимоий ҳаётда кенг тарқалган тушунчалардан биридир. У кундалик турмушда ҳам, илмий адабиётларда ҳам кўп маънода ишлатилади. Кундалик ҳаётда кишилар кўпинча ҳар қандай мақсадга мувофиқ иҷтимоий фаолиятни сиёсат деб аташади. Бу муайян мақсадга бўйсундирилган партия ёки фирма раҳбарининг фаолияти ёки эркин ўз хотинига, болаларига, бутун оиласига муносабати бўлиши ҳам мумкин. Сиёсатни кишиларнинг биргаликда яшаш, имкониятини руёбга чиқариш санъати, кўп ҳолларда эса уни «зўровонлик воситаси» сифатида талқин этади. Илмий Адабиётларда сиёсатнинг турли хил таърифлари бўлиб, уларни, асосан 3 гуруҳга: 1) социологик; 2) субстанционал ва 3) фаоллик гуруҳларига бўлиш мумкин.

**1)Сиёсатнинг социологик таърифлари** социологик ёндашувга асосланади. Улар бошқа иҷтимоий ҳодисалар: иқтисодий, иҷтимоий гуруҳлар, ҳуқуқ, ахлоқ, маданият, дин орқали таърифланади. Социологик таърифларни жамиятнинг акс эттирадиган соҳаларига қараб 1) иқтисодий, 2) иҷтимоий, 3) ҳуқуқий, 4) ахлоқий (меъёрий) ва шу кабиларга бўлиш мумкин.

1) Иқтисодий таърифи - марксизм ва иқтисодий детерминизмнинг бошқа концепцияларида берилган. Иқтисодий базис устидаги усткурма, иқтисод эҳтиёжлари, манфаатларининг жамланган ифодаси сифатида тавсифланади. Ҳозирги вақтда албатта, иқтисод ва сиёсатни ижтимоий ҳаётнинг ўзаро узвий ҳаракати сифатида қарамоқ лозим. Бу тушунчаларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди, уларни тенг англамоқ керак.

2) Стратификация талқини: Бунда сиёсат муайян ижтимоий гуруҳлар: синфлар ва миллатларнинг ёки манфаатдор гуруҳларнинг рақобати сифатида талқин этилади. Синфлар ўртасидаги курашнинг марксча талқини ҳозирги вақтда ўз таъсирини йўқотди.

3) Сиёсатнинг ҳуқуқий талқини, унинг ахлоқий таърифига бевосита қўшилиб кетади. Сиёсатнинг ҳуқуқий концепциясига кўра давлатни ҳуқуқдан келиб чиқадиган ҳодиса сифатида қараёди. Ҳуқуқ сиёсатнинг маҳсули сифатида қарайдиган тушунчалар ҳам мавжуд.

4) Сиёсатнинг меъёрий талқини - бунда меъёрий ёндашув сиёсатни идеаллардан, қадриятлардан келиб чиққанлигини унутмаслик керак. Унинг қадрияти - адолат, тинчлик, эркинлик ва умумий фаровонликка хизмат қилишдир.

2. Сиёсатнинг субстанционал (объектив реаллик) таърифи: Бу тарифлар сиёсатнинг қандай биринчи асослардан, тўқималардан ташкил топганлигини очиқ беришга мўлжалланган. Бу гуруҳда ҳам сиёсатнинг бир неча таърифлари бор. Бу сиёсатни ҳокимиятга, уни эгаллаш, қўлда ушлаб туриш ва қўллашга қаратилган ҳаракатлар сифатида талқин қилинади. М Вебер: «Сиёсат, бу ҳокимиятда иштирок этишга ёки ҳокимиятнинг давлатлар ўртасида, давлат ичидаги кишилар гуруҳлари ўртасида тақсимланишига таъсир кўрсатишга интилишдир», деб ёзади.

1) Сиёсатнинг «ҳокимиятий» таърифи, унинг яратувчилик сифатини акс эттиради.

2) Муассасавий таърифи - асосий сиёсий институт - давлат орқали таърифланади. Бу таърифда сиёсат - давлат ишларида иштирок этиш, давлат фаолиятининг мазмуни, вазифалари, шакллари аниқлаш бўлиб кўринади.

3) Сиёсатнинг антропологик (оламнинг келиб чиқиши, эволюцияси) талқини унинг ихтилоф - консенсус таърифлари билан янада бойийди. Ихтилоф - бу сиёсатнинг негизида ётувчи зиддиятларга қаратилади, унинг динамикасини белгилайди. Консенсусда - низоларни тўхтатиш ва ҳал этиш.

3. Сиёсатнинг фаоллик гуруҳидаги таърифи: сиёсатнинг динамикасини очиқ беради. Улар сиёсатни бутун жамият учун мажбурий бўлган қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни сифатида таърифлайди. Бунда сиёсатнинг мақсадини аниқлаш, қарорлар қабул қилиш, ушбу мақсадларни амалга ошириш учун оммани ташкил этиш, ресурсларни сафарбар этиш, сиёсий фаолиятни тартибга солиш, уларни назорат қилиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва сиёсатнинг янги мақсадларини аниқлаш киради. Фаоллик талқини сиёсий қарорлар назариясида кенг қўлланилади.

1) Сиёсатнинг телеологик (юн. Ҳодиса-жараёнлар худо томонидан бирор мақсадга йўналтирилади) таърифи: а) фаолиятнинг жамоавий табиати ва б) онгли тури мавжуд.

2) Сиёсатнинг системали талқини - сиёсий тизим турли назарияларда асослаб берилган.

Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифалари: Сиёсатнинг ижтимоий табиати, вазифалари ҳақида жаҳон ижтимоий-сиёсий фикрида хилма хил қарашлари мавжуд:

1) Тоталитар ижтимоий-сиёсий қарашлар.

2) Анархистик ижтимоий-сиёсий қарашлар.

3) Либерал ижтимоий-сиёсий қарашлар.

4) Кейнсиан ижтимоий-сиёсий қарашлар: ХУШ-ХІХ асрларда /арбдаҳукмронлик қилган либерал қараш Д.М.Кейнс томонидан кўриб чиқилди. Бунда капитализмга ўз-ўзини тартибга солувчи жамият сифатида либерал қарамлардан воз кечиш, бутун жамият ижтимоий тизимининг, унинг барча элементларининг фаровонлиги учун масъулиятни ҳукуматнинг ўз зиммасига олиш зарурлигини асослаб беришдан иборат.

Сиёсат - жамиятнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ролига кўра иқтисодий ва маънавий соҳаларга кўп жиҳатдан ўхшашидир. Сиёсат жамиятда халқ манфаатларини ҳимоя қилади. У ҳам халққа, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. У жамиятнинг иқтисодий ва маънавий соҳаларидан тубдан фарқ қилади.

Сиёсат - жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларини ишлаб чиқарувчи соҳа эмас, балки унинг бирлиги ва яхлитлиги, хавфсизлиги ва

барқарорлиги, тинч-тотувлиги ва осойишталигини таъминловчидир. Бу соҳа хўжалик ва маънавий-маърифий ишлар билан эмас, балки ижтимоий ҳаётни бошқариш, тартибга солиш, хавфсизликни таъминлаш масалалари билан шуғулланади.

Сиёсат - жамиятнинг ижтимоий муаммоларига чуқур кириб боровчи, таъсир ўтказувчи ва уларни ҳал этувчи соҳадир. Бу соҳада барча ижтимоий гуруҳлар, қатламлар учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган, турли йўлни кўрсатиб берадиган қарорлар ишлаб чиқади ва қабул қилинади. Шу билан бирга сиёсат - улар амалда бажариладиган ижтимоий муаммолар ҳал этиладиган ва жамиятнинг бир бутунлиги, хавфсизлиги, тинч-тотувлиги ва осойишталиги таъминланадиган соҳадир. Демак, у ижтимоий соҳани, шунингдек иқтисодиётни ҳам тартибга солиб, юксалтиришга, эски хўжалик юритиш тизими ўрнига янги хўжалик юритиш тизими қарор топишига доир тадбирларни ҳам ишлаб чиқади, амалга оширади. Агар иқтисодиётдан устун турса, унинг йиғилиб қолган муаммоларини ҳал этишдан бош тортса, ўз мақсад ва вазифаларини бажара олмайди. Иқтисодиётдан доим устун турган сиёсат ҳақиқий сиёсат бўла олмайди.

Сиёсат жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий соҳасини ҳам бошқаради, тартибга солиб туради. У омманинг, ҳар бир инсон маънавий маданиятини оширишга, унинг табиат, жамият сирларини, ижтимоий ҳаётдаги ўз ўрнини билиб ва англаб олишига доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Чунки ижтимоий, иқтисодий соҳаларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг ўзи кутилган натижаларни беравермайди. Агар иқтисодиёт, маънавият - маърифатда у ёки бу масалани ушбу соҳа доирасида ҳал этилса, сиёсатда эса бутун жамиятга, барча ижтимоий гуруҳларга доир масалалар ҳал этилади. Сиёсат - бутун жамиятга далхилдор бўлган масалаларни ҳал этувчи соҳадир.

XI аср буюк мутафаккирни Юсуф Хос Ҳожиб ҳам сиёсат ҳақида шундай деган: Беклар даргоҳини сиёсат безатади,

Сиёсат билан Беклар элни тузатади,

Ёмонларга сиёсат юритиш керак,

Юрт орасидаги ярамасларни сиёсат тозалайди.

Демак кишилар жамияти пайдо бўлибдики, бу жамиятнинг ҳаёти муайян мафкура, сиёсат билан боғлиқ.

XV асрнинг алломаларидан бири Хусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Мухсиний» асарининг «Сиёсат» деган бобида айтади:

«Мамлакат тобқай сиёсатдин низом,

Гар сиёсат бўлмаса етгай ҳалал,

Тобмагай олам иши асло тузут,

Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал».

Улуғ бобимиз Амир Темур муаззам давлатини 3 тамойилга асосан олиб борган: диёнат, адолат, сиёсат - яъни дину иймон, одиллик ва кучли ирода. Иймон йўқ ерла ҳалоллик йўқ, демак, юртда барака йўқ. Адолат бўлмаса тотувлик, ҳамжихатлик ўрнини зулм ва зўрлик олади. Элда тинчлик йўқолади. Сиёсат, талабчанлик, қонун кучи бўлмаса, ўғри, муттаҳам, каллакесарларнинг ови юради.

Сиёсатнинг бош мақсади - жамиятнинг фақат иқтисодий ёки маънавий-маърифий соҳасини ривожлантириш ва моддий, маънавий бойликларни тобора кўпроқ ишлаб чиқариш эмас, балки унинг беистисно барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустаҳкам бир бутунлигини, Хавфсизлигини, барқарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигини таъминлашдан иборатдир. Бу улкан мақсадни руёбга чиқариш учун хилма-хил назарий ва амалий вазифаларни бажаради.

1. Назарий вазифаси: ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жамиятнинг хавфсизлигини, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўллари кўрсатиб берадиган, илмий асосланган оқилона дастурларни, қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишдир. Бунда пала-партишликка йўл қўймаслик керак. Шунингдек, сиёсат дастурлар, қонунлар, қарорларни ишлаб чиқиш билан бирга уларни қабул қилиш вазифасини ҳам бажаради.

2. Сиёсатнинг асосий амалий вазифаси - қабул қилинган дастурлар, қонунлар, қарорларни ҳаётда изчилик, қатъиятлилиқ билан амалга ошириш, бутун жамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалашдир. Чунки бу вазифа ижтимоий ҳаётда амалга оширилмас экан, унда жамиятнинг мустаҳкам хавфсизлигига, барқарорлигига, тинч-тотувлигига, бахт-соадатга эришиб бўлмайди.

Сиёсат ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда куйидаги услугалардан фойдаланади:

1) ишонтириш, 2) тарбиялаш, 3) куч ишлатиш, 4) мажбурлаш услубларидан кен фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда «сиёсат» тушунчаси ҳам кенг, ҳам тор маънода қўлланилади.

Кенг маънода сиёсат ижтимоий ҳаётнинг объектив манзарасини ифодалайди. У жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни акс эттиради ва уларни иқтисодий сиёсат, маданий сиёсат, социал сиёсат, ҳарбий сиёсат каби турли тушунчалар орқали ифодалайди.

Тор маънода эса сиёсат жамият ҳаётининг алоҳида бир соҳасида, яъни унинг сиёсий соҳасида рўй берадиган ўзгаришларни ифодалайди ва шу соҳанинг ўзига нисбатан қўлланилади. Жамиятдаги барча сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти сиёсатнинг тор маъноси орқали очиб берилади. Ҳалқаро ташкилотларнинг сиёсий фаолияти ҳам сиёсатнинг тор маънодаги ифодасидир. Сиёсат тор маънода давлатларнинг 1) ички ва 2) ташқи фаолияти, ҳалқаро сиёсий муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўзида акс эттиради.

Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг объектив қонуниятларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур. Объектив қонуниятлар характериға мос келмайдиган сиёсат жамият ҳаётида турли хилдаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ҳамда қўплаб нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

2Сиёсат субъектив фаолиятнинг натижасидир. Уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда сиёсатнинг хилма-хил субъектлари иштироқ этади. Сиёсат жамиятдаги бошқа ижтимоий ҳодисаларга қараганда тез ўзгариб туради. Барча даврлар учун бир хилдаги сиёсатни қўллаш мумкин бўлмагани каби ижтимоий ҳаётдаги хилма-хил муаммоларни ҳам айнан бир хилдаги сиёсатни қўллаш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Вазиятнинг ўзгариши сиёсатнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу хусусият давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатиға ҳам, ҳалқаро сиёсий муносабатларға ҳам боғлиқ. Ҳар бир давлат, ҳар бир сиёсий партия сиёсатни бир-биридан мустақил равишда ишлаб чиқади. Бир давлат ё партиянинг олиб борадиган сиёсий йўли бошқалар учун мажбурий бўлмайди. Сиёсат ўз ижтимоий моҳиятиға кўра бекиёс бир санъатдир. Сиёсат - бу ўйлаб босадиган қадам, келишувлар, ёнберишлар, сиқувлардир. Сиёсат - бу баъзида айёрлик қилиш, алдаш, баъзида ишонтириш ҳамдир.

Сиёсат ўз моҳияти ва хусусиятларига кўра 2 турға бўлинади:

- 1) адолатли ёки тараққийпарвар сиёсат
- 2) адолатсиз ёки реакцион сиёсатға бўлинади.

Сиёсат ўзининг тузилишиға кўра 2 турға: 1) ички ва 2) ташқи сиёсатға бўлинади.

1. Ички сиёсат - бу сиёсат субъектларининг мамлакат ичкарасида амалга ошириладиган фаолиятидир.

2. Ташқи сиёсат - ташқи турли давлатлар билан олиб борилади. Бу давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан ҳалқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятдир.

**2.Сиёсатнинг субъектлари.** Сиёсат инсон ҳаётий фаолиятининг энг муҳим жihatларидан бири сифатида майдонға чиқади. Шунинг учун сиёсатнинг субъектини ва объектини аниқлаш жуда муҳимдир.

Сиёсатда объект сифатида сиёсий муносабатлар, сиёсий жараёнларға тортилган сиёсий тизим узининг институтлари билан биргаликда, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларни майдонға чиқаришлари мумкин.Сиёсатда объект пассив омил булмасдан, уз яшаш ва амалиёт доирасидаги ривожланиш қонунларға эгаки, сиёсий жараёни татбиқ қилишда улар билан албатта, ҳисоблашиш лозим.

Сиёсатнинг объекти ва субъекти гарчи жамиятнинг тухтовсиз бир-бириға таъсир қилувчи унсур булса ҳам, улар икки мустақил соҳасидир. Улар уртасидаги алоқа диалектик алоқадир.

Субъект сиёсатда қуп савияли хусусиятға энгадир.Биринчи навбатда бу жамиятнинг сиёсий ташкилоти ва унинг бош элементи булган давлат бажарадиган вазифаларнинг хилма-хиллиги ва кенг қуламлилиги билан ажралиб туради.Булар : хокимият, раҳбарлик, бошқарув, тартибға солиш, назорат ва бошқалар. Бундан ташқари сиёсат сусубъекти уз ичига жамияи сиёсий ташкилотининг бошқа элементларинини қамраб олади : сиёсий ҳаракатлар ва партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, таъсир этиш гуруҳлари, маҳаллий уз-узини бошқаришнинг нодавлат органлари ва шунға ухшашлар. Сиёсат субъектининг мустақил элементи сифатида сиёсий булмаган ташкилотлар ва муассалар, қасаба уюшмалари, ижодий бирлашмалар, турли йуналишдаги ижтимоий ташкилотлар(динийю экалогик, Хотин-қизлар, ёшлар, миллий-аданий марказлар) меҳнат жамоалари ва бошқалар шунға тааллулидир.

Табийки ижтимоий институт канчалик сиёсийлашган булса, унинг сиёсатдаги урни шунчалик куп булади. Бирок бирорта институт ҳам узига етарли булган, уз кучига ишонган мутлак нарсага айланмаслиги лозим. Тоталитар ва якка хукмронликка асосланган тузумлар шароитида партияларда анна шундай холатни кузатиш мумкин.

Демократия, ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти тараккий этган шароитларда, ҳатто бевосита сиёсатдан жуда ҳам узок булган ташкилот ва муассасалар сиёсий жараёнларни такомиллаштириш ва уйғунлаштиришга уз хиссаларин кушишлари мумкин. Сиёсат объектининг узи эса фақат заиф, статик тизимгина булиб қолмасдан, балки ҳаракатчан, фаол хусусиятга эга булиб, сиёсат субъектиги таъсир утказишга қодирдир. Буни сиёсатда айланма ҳаракат деб атайдилар. Айланма алоқа канча ривожланган булса, сиёсий жараёни амалга ошириш шунчалик қурак самарии, демократик булиб, қарама-қаршилик қурак булади. Сиёсий тизимни демократлаштириш даврида бу алоҳида аҳамият қасб этади.

Сиёсат субъектларининг институтлаштирилганлиридан ташқари институтлаштирилмаганлари ҳам булади. Шундайлар қаторига сиёсий жихатдан фаол гуруҳлар қиради. *(бу ҳақда қаранг, Фалсафа. 2006 йил. 400-401 бетлар )* Демократия шароитида сиёсат субъекти сифатида бутун халқ, ҳеч булмаганда узининг сиёсий фаол қисми вақиллигида майдонга чиқади.

**3.Сиёсий жараёнлар хусусияти ва мазмуни.** Сиёсий жараёнлар – жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида руи берадиган воқеа-ҳодисалар ва узғаришлар бирлигидан иборат. Бу бирлик сиёсий муносабатлар ва уларнинг боришини ҳам узиди ифода этади. Давлатларнинг ички сиёсий ҳаёти ва халқаро муносабатларнинг қечиши ҳам сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Сиёсий жараён тушунқаси сиёсий ҳаёт тушунқасидан фарқ қиладиган асосий хусусияти – сиёсий жараёнларнинг сиёсий ҳаётда воқе булишидан иборат.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти унда сиёсий жараёнларнинг руи беришига сабаб булган. Сиёсий жараёнлар ривожлангани сари жамиятнинг сиёсий ҳаёти Янги мазмун билан бойиб боради. Сиёсий жараёнларда руи берадиган ҳар бир узғариш ва бу узғаришлар оқибатида қелиб қикқан ҳилма-ҳил муаммолар жамият сиёсий ҳаётининг мураккаблашиб боришига сабаб булган.

Сиёсий жараёнларни образли қилиб айтганда, денгиз тулкинларига қиёслаш мумкин **(Рамазонов И, муминов Э. Политология. дарслик Т. 1997 йил. 58-бет)** Денгиз тулкинлари мунтазам ҳаракатда булгани сингари сиёсий жарёнлар ҳам доимий ҳаракатда булган жамият сиёсий ҳаётини ақс эттиради.

Сиёсий жараёнлар тушунқаси жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларга нисбатан қуллаб булмади. Лекин сиёсий жараёнлар жамиятнинг ақтисодий, маданий ва ижтимоий соҳалари билан уйғун ҳолда ривожланиб боради. Сиёсий жараёнларда буладиган узғаришлар жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида руи берадиган узғаришларга у ёқи бу даражада сабаб булади.

Сиёсий жараёнлар ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида ҳамда халқаро майдонда руи берадиган узғаришларни ақс эттиради. Ҳозирги даврда дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд булган сиёсий тузумлар ва уларда фаолият қурсатаётган сиёсий қушларнинг ҳар-ҳиллиги сиёсий жараёнларнинг ҳарқбир мамлакатда узига ҳос-хусусиятлар билан намоён булаётганлигини қурсатади. Аммо бундан бир мамлаатда даваом этаётган сиёсий жараён бошқа мамлакатлардан батамом фарқ қилади, деган ҳато ҳулоса қикармаслик қерак. Масалан ҳозирги қунда Марқазий Осиё мамлакатларида демократлашиш жараёнинг давом этиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қуппартиявийлик тизимининг қарор топаётганлиги дунёнинг бошқа демократик тараккий этган мамлакатларида бундан бир неча ун йиллар аввал руи берган сиёсий узғаришларга ҳос булган умумий томонлар ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларнинг ҳар бир мамлакатда қандай боришини унинг бошқа мамлакатларнинг ички сиёсий ҳаётидаги узғаришларга ҳос умумий хусусиятлар асосида таърифлаб бериш мумкин. Буларнинг асосийлари қуйидагилар :

Дунёнинг ҳама мамлакатларида ҳам сиёсий жараёнларнинг бош манбаи ва етакчи қуш халқ оммасининг онгли фаолиятидир. Агар қишлар жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмасалар, сиёсий жараёнларнинг қечиши сушлашади, сиёсий ташкилотларнинг фаол ҳаракати узининг самарали натажасини бермади. Тоталитар сиёсий тузумлар урнатилган ва омманинг сиёмсий эркинликлари бугилган, демократияга тусик қуйилган мамлакатларда сиёсий жараёнларнинг ривожланиши бирёклама хусусият қасб этади.

Сиёсий жараёнларнинг кечишини, даражасини белгилаб берадиган етакчи куч сиёсатнинг хилма-хил субъектларидир. Сиёсат субъектлари. Бир томондан, сиёсий жараёнларнинг ифодаси сифатида намоён булса, иккинчи томондан эса, улар жамиятнинг сиёсий ривожига таъсир этувчи, унинг боришини таъминлаб турувчи сиёсий куч сифатида фаолият курсатадилар. Сиёсий жараёнларда сиёсий субъектларнинг фаолият курсатиши ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тузуми, унинг тарихий-миллий шароитларга кура шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

### Таянч тушунчалар

Сиёсат - (грек. Давлат ёки жамоат ишлари) - катта ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар соҳасидаги фаолият. Иқтисодий - халқ хўжалиги тармоқлари, бўлимлари йиғиндиси, секторлар ва давлат хўжалиги бўлимлари, ишлаб чиқариш шароитлари ва элементларини ўрганувчи фан. Стратификация - жамиятнинг тузилмаси ва алоҳида қатламларини, ижтимоий табақаланиш белгилари тизимини ифодаловчи социологик тушунча. Маданият - инсон жамияти яратган ва жамият ривожининг моддий ва маънавий маҳсулотлар, қадриятлар мажмуи. Сиёсий жараён - жамият сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб бориши. Сиёсий жараён турлари - маданият, сиёсатда устувор услублар, сиёсий тизимда мувозанатни таъминлаш: технократик, идеократик ва харизматик. Сиёсий қарорларни қабул қилиш босқичлари - тайёргарлик, қарорларни қабул қилиш, амалиёт. Сиёсий иштирок кўлами - маҳаллий, минтақавий, умумдавлат, халқаро. Сиёсий муносабатлар - ҳокимиятни қўлга олиш ва амалга ошириш соҳасида турли сиёсий ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда шахслар орасидаги алоқалар. Сиёсий ҳуқуқ - фуқароларга маълум бир давлат Конституцияси ва қонунлари асосида бериладиган ҳуқуқлар. Жараён - бирор натижага эришишга қаратилган фаолият бирлиги. Сиёсий жараён - сиёсий ҳолатлар ва ҳодисаларнинг ички боғлиқликка эга занжири.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

Сиёсат тушунчасини баён этинг.  
Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларини аниқланг.  
Сиёсатнинг услублари нималардан иборат?  
Сиёсатнинг социологик, суботанционал ва фаоллик таърифларини изохланг.  
Сиёсатнинг тоталитар концепциясини баён этинг.  
Сиёсатнинг иқтисодиёт ва маънавият билан боғлиқлиги нималарда кўринади?  
Сиёсий жараён тушунчасини Сиз қандай изохлайсиз?  
Сиёсий жараён мавжудлиги ва тартибларини гапириб беринг.  
Сиёсий жараённинг қандай турлари бор?  
Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини баён этинг.  
Сиёсий иштирокчининг ўзига хос хусусиятлари нималарда сезилади?  
Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хослигини изохлаб беринг.

### А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон». 2001, 5-6, 10-12, 15-17-бетлар.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 36-85, 104-129-бетлар.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-29-бетлар.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-55, 175-365-бетлар.
5. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6 - Т.: Ўзбекистон, 1998, 31-261, 260-255-бетлар.
6. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. ? - Т.: Ўзбекистон, 1999, 36-57, 84-102, 132-154, 298-312, 370-404-бетлар.

7. Каримов И А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8 -Т.: Ўзбекистон, 2000, 330-356, 462-474, 420-508-бетлар.
8. Каримов И А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т,9 -Т.: Ўзбекистон, 2001, 3-45, 220-224-бетлар.
9. Политология асослари. Т,: «Университет», 1992, 64-71-бетлар.
10. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Т,: Ўзбекистон, 1992, 101-205-бетлар.
11. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. 1-китоб. Т,: ТошДТУ. 1997, 82-97-бетлар.
12. Хошимов Т Р., Рафиқов / А., Тўраев А. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. Термиз. 1997, 38, 113-115-бетлар.
- Рамазонов М., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 40-57-бетлар.
- Отамуродов С., Эргашев И., Акрамов И., +одиров А. Политология. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 41-50-бетлар.
15. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-қисм. Тошкент: М. Улугбек ном. ЎЗМУ, 2000, 15-27-бетлар.
16. Политология. Маърузалар матни. Т,: ЎАКЕНТ, 2000, 41-150-бетлар.
17. Машарипов О., Хошимов Т,Р., Рафиқов / А. Политология. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 24-30-бетлар.
18. Девитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Тошкент: Ўзбекистон, 2001, 166-265-бетлар.
23. Фалсафа.Муалифлар гуруҳи.Ўзбекитон файласуфлари миллий жамияти нашри. 2006 йил
24. Фалса ва ҳуқуқ //2007 йил №2 сон 18- 20 бетлар.

#### **4-МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**

##### **РЕЖА.**

**1.Сиёсий ҳокимият тушунчаси.Жамият сиёсий ҳаётида сиёсий ҳокимиятнинг урни, мақсад ва вазифалари.**

**2. Сиёсий ҳокимият субъектлари ва уларнинг узаро муносабати.**

**3. Жамият ҳаётида сиёсий институтлар , ташкилотларнинг урни ва аҳамияти.**

**1.Сиёсий ҳокимият тушунчаси.Жамият сиёсий ҳаётида сиёсий ҳокимиятнинг урни, мақсад ва вазифалари** Сиёсий ҳокимият жамият ҳаётидаги мураккаб сиёсий ҳодисалардан бири. Уни амалга ошириш механизмлари, фаолият кўрсатиш даражаси ниҳоятда ранг-баранг бўлиши билан бирга, унда ҳокимиятнинг бошқа турлари ҳам ўз ифодасини топади, уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга.

Ҳокимият тушунчаси оддий тилда ва илмий адабиётларда жуда кўп қўлланилади. Масалан, «оила ҳокимияти», «ота-она ҳокимияти», «давлат ҳокимияти», ва х.к. Илмий манбааларда политологлар - сиёсий ҳокимият тўғрисида, иқтисодчилар хўжалик ҳокимияти ҳақида, социологлар - социал ҳокимият, юристлар - давлат ҳокимияти, диндорлар - илоҳий ҳокимият тўғрисида сўз юритиб, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларини ўрганишда ҳокимият тушунчасидан фойдаланиладилар. Демак, ҳокимият тушунчаси кенг ва хилма-хилдир. Ҳокимиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

«Хокимият - бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, халқ-атворига, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир».

Хокимиятнинг моҳиятини раҳбарлик, ҳукмронлик ва бўйсундириш муносабатлари ташкил этади. Хокимиятнинг алоҳида тури, бу сиёсий хокимиятдир ва унга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Сиёсий хокимият - бу сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида шаклидир».<sup>2</sup> Шунингдек, «сиёсий хокимият» қуйидаги ҳолатлар билан ҳам белгиланади:

Хокимият - бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир.

Хокимият - бу кишилар ўртасидаги сиёсий ҳукмронликдир.

Хокимият - бу давлат ташкилоти тизимидир.

Хокимият - бу маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идорадир.

А+Ш да 3 даражадаги хокимият бор:

Маҳаллий хокимият.

Штат хокимияти.

Федерал (умумдавлат) хокимияти.

Сиёсий хокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат хокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади. Бу ҳақда кейинги мавзуларда кенгроқ фикр юритамиз. Аввало хокимият тушунчаси, унинг тузилиши, кўринишлари, хокимиятнинг легитимлиги ва турлари ҳақида фикр билдирмоқ жоиздир. Чунки хокимият масаласига турли ёндашувлар мавжуд.

Хокимият тушунчасига оид энг муҳим ёндашувлар қуйидагилардан иборат:

Хокимиятнинг кенг тарқалган таърифларидан бири - позитив-социологик талқинидир (немис социологи М. Вебер). Бу талқинда хокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўзининг иродасини ўтказиш қобилияти сифатида тушунилади. Хокимият муносабатларининг асосини ўзаро таъсир доирасига киритиш муносабатлари ташкил этади. Бундай муносабатлар хокимият субъекти ва объекти ўртасида қарор топади.

Хокимиятнинг телеологик талқини (Б. Рассел). Бунда хокимият - бу кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдан иборат. Бу атроф-муҳит, табиат билан қамраб олинади.

Бихевиористик (ингл. Инсон онгини эмас, балки хулқини ўрганиш) талқини (Америкалик олим XX асрда психолог Г. Лассуэл таклиф этган). Хокимиятни тушунишни реал шахсларнинг ўзаро ҳаракатидан иборатлиги ётади. Инсон хокимият орқали бойлик, обрў орттиришдир, хокимият - бу уни эгаллаш билан ҳузурланишга имкон берадиган мақсад ҳамдир, дейилади.

Хокимиятнинг психологик талқини (З. Фрейд, К. Густав, Юнг, Ж.К. Хорни). Бунда хокимиятни реал индивидларнинг хулқ-атвори сифатида бихевиористик тушунишдан келиб чиқади. Хокимият идораларининг «Ихтиёрий қўшилишга» тайёргарлиги сифатида вужудга келади.

Хокимиятнинг тизимли талқини. Бу талқин хокимиятнинг бихевиористик ва психологик таърифларидан фарқ қилади. Бунда хокимиятни индивидуал муносабатлардан эмас, балки социал тизимдан ҳосил бўлишини баён этади.

Хокимиятнинг тузилмавий-функционал талқини (америкалик социолог Т. Порсонс). Бу талқин хокимиятни кенг бўлмаган субъектларнинг муносабати, социал ташкилотнинг хусусияти сифатида, инсонлар бирлигининг ўзини-ўзи ташкил этиш, уюштириш, сафарбар қилиш услублари сифатида олиб қаралади. Хокимият - бу ресурсларни, таъсир кўрсатиш воситаларини сафарбар қилишга имкон берувчи социал макондир, ролларнинг хусусиятидан иборатдир. Бошқача айтганда, хокимият - раҳбар лавозимларни эгаллаш ва муайян функцияларни бажариш билан боғлиқ фаолиятидир.<sup>3</sup>

Реляцион (фран. Муносабат) таъриф. Бу таъриф хокимиятни икки шерик ўртасидаги муносабат сифатида олиб қарайди. Бунда улардан бири иккинчисига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу ҳолда хокимият унинг субъекти ва объектининг ўзаро ҳаракати сифатида намоён бўлади, субъект муайян воситалар ёрдамида объектни назорат қилади.

<sup>2</sup> Т. Рамазонов И., Мыминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 92-98-бетлар.

<sup>3</sup> Политология. Тошкент: ЎИА+БНТ, 2000. Маърузалар матни. 81-91-бетлар.

**2.Сиёсий ҳокимият субъектлари ва уларнинг узаро муносабати.** Ҳокимият - яхлит ва бир бутун ижтимоий ходисадир. Бу эса унинг муайян таркибий қисмлардан ташкил топганлигини инкор этмайди. Ҳокимият-бир қатор тузилмалардан иборат бўлган ижтимоий ходисадир. Унинг таркибига субъект, объект ва ресурслар киради. Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири - субъектдир. У ҳокимиятнинг бевосита тушунчасидир.

Субъект-ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи қисмидир. У алоҳида инсон, социал гуруҳ, кишиларнинг бирлиги, масалан, халқ ёки жаҳон ҳамжамияти, давлат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай инсон ҳокимиятининг субъекти бўлавермайди. У ҳокимият субъекти бўлиши учун қатор сифатларга эга бўлишлиги зарур. Ҳокимиятга эгалик қилиш бойлик орттириш эмас, балки ҳокимиятни бошқарув санъати сифатида қарамоқ керак. Ҳокимият субъекти раҳбарлик қилишга ҳоҳиш-истак ва масъулиятини ўз бўйнига олишдан ташқари у билимдон бўлиши, ишнинг маъно-мазмунини, қўл остидагиларнинг ҳолати, кайфиятини билиши, ресурслардан фойдалана олиши даркор. Ҳокимиятда уюшқоқлик жуда муҳим ҳисобланади. Алббата булар нисбий ҳолат, уни тўла таъминлаш имкон бўлмайди. Ҳокимиятнинг субъектлари хилма-хил. Унинг бошланғич акторлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар, иккинчилари - сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражадагиси субъектлари - сиёсий элиталар, етақчилардир. Ҳокимият субъекти объект билан ўзаро муносабатларда биринчи даражали роль ўйнайди.

Объект - ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементидир. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчисидир. Объект ҳам худди субъект сингари ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу элементсиз ҳокимиятни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳокимиятнинг объектини қуйидагилар ташкил этади: индивид, социал гуруҳ, синф, жамият. Ҳокимият объектнинг сифати, фаоллиги жамиятнинг сиёсий маданияти билан белгиланади.

Ресурслар - ҳокимиятнинг асосини ресурслар ташкил этади. Ресурслар кишиларни рағбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қўлланилиши мумкин. Ҳокимиятресурслари хилма-хил. Илмий адабиётларда бир неча турларга бўлинади: утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурсларга бўлинади.

Утилитар ресурслар - бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рағбатлантириш учун ҳам, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

Мажбурловчи ресурслар - бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Утилитар ресурслар ва бермай қолса, ундан фойдаланилади. Бунга иктисодий санкциялардан хайиқмайдиганларни суд орқали таъсир кўрсатиш мумкин.

Меъёрий ресурсларга - инсоннинг ички дунёси, кадриятлар ва ҳуқ-атворига таъсир кўрсатувчи воситалар киради.

Ҳокимиятнинг ресурсларини инсон ва жамият фаолиятининг муҳим соҳалари: сиёсий-ҳуқуқий, иктисодий, социал, маданий-ахборот, куч ишлатувчи соҳаларга биноан туркумлаштириш ҳам кенг тарқалган:

Сиёсий-ҳуқуқий ресурслар - бу ижтимоий тартибни, хавфсизликни, барқарорликни, фуқаролар тинчлигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бутунлигини таъминловчи воситалардир. Бу воситаларга: дастурий ҳужжатлар. Конституция, қонунлар ва уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар киради.

**4. Иктисодий ресурслар** - бу ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пуллар, техника, унумдор ерлар, ерости қазилма бойликлари ва ҳаказолар киради.

**5. Социал ресурслар** - социал стратификациядаги социал мақом ёки ранг, ўриннинг амалга оширилиши ёки пасайиши қобилиятидир.

**6. Маданий-ахборот ресурслари** - билим ва ахборот ҳамда уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалардир.

**7. Куч ишлатувчи ресурслар** - бу қурол-яроқ, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун махсус тайёрланган кишилардир. Улар ўзагини армия, полиция, хавфсизлик хизмати ташкил этади.

**8. Демографик ресурслар** - ҳокимиятнинг махсус ресурсларидир. Бу бошқа ресурсларни ишлаб чиқарувчи универсал, кўп функцияли ресурсдир. Инсон - моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар ва партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчисидир.

Ҳокимият хилма-хил шаклларда, даражаларда кўринадиган ижтимоий ҳодисадир. Бу шакл-кўринишлар илмий адабиётларда ресурсларга асосланишига кўра 1) сиёсий, 2) иқтисодий, 3) социал, 4) маданий-ахборот, 5) мажбурловчи ҳокимиятларга ажратилади.

Сиёсий ҳокимият шакли, кўриниши. У жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутadi. Сиёсий ҳокимият жамият ва давлат ҳаётини бир бутунлигича ва яхлитлигича қамраб олади, уни йўналтиради ва тартибга солади, ҳокимиятнинг бошқа барча кўринишларини бирлаштиради, уларни халқ манфаатларига бўйсундиради. Сиёсий ҳокимиятсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий ҳокимиятнинг асосий мақсади - ижтимоий ва давлат ҳаётини тартибга солиш, бошқаришдир.

Сиёсий ҳокимият воситалари: обрў, ҳуқуқ, зўрлик ёрдамида амалга оширилади. Сиёсий ҳокимиятнинг кўйидаги хусусиятлари мавжуд:

- а) легитимлиги, яъни давлат миқёсида куч ишлатилдан фойдаланишнинг легаллиги.
- б) қарорларнинг мажбурийлиги (бошқа ташкилотлар учун).
- в) оммавийлиги, умумийлиги ва шахсизлиги.
- г) бир марказлиги, ягона марказнинг мавжудлиги.
- д) ресурсларнинг хилма-хиллиги.

Сиёсий ҳокимият шакллари жамиятда ҳокимиятнинг бошқа кўринишлари билан бирга ҳаракат қилади.

Иқтисодий ҳокимият - ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан бири ҳисобланади. У сиёсий ҳокимиятдан фарқ қилади. Иқтисодий ҳокимият ресурслар устидан назорат қилиш, моддий бойликларга эгалик қилишни англатади.

Социал ҳокимият - ҳокимиятнинг мустаил кўринишларидан бири, у иқтисодий ҳокимият билан узвий боғлиқ. Агар иқтисодий ҳокимият моддий бойликларни тақсимлаш қобилиятини англатса, социал ҳокимият эса социал зинапоядаги ўринларни: мақомлар, лавозимлар, имтиёзларни тақсимлаш қобилиятини билдиради.

Маданий - ахборот ҳокимияти - бу илмий билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатувчи воситалар орқали кишилар маънавий дунёси устидан назоратидир. Баъзи манбааларда уни ОАВ сифатида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида қарашади.

Мажбурловчи ҳокимият - мажбурловчи ресурсларга таянадиган ва жисмоний куч ишлатишни қўллаш ёки куч ишлатишдан фойдаланиб назорат қилишдир. Масалан, жиноий гуруҳларни тугатиш, ташқаридан бўладиган босқинчилик ҳаракатларини бартараф этишда ишлатилади.

Ҳокимиятнинг легитимлиги (қонунийлиги) ва турлари: Ҳокимият легитимлиги (фран. қонунийлиги) одатда унинг қонунийлиги ва адолатлини, фуқаролар томонидан ижобий баҳоланишни ва ихтиёрий тан олинишини англатади.

Легитимлик ва легаллик бир хил тушунчалар эмас. Агар легаллик ҳокимиятининг ҳуқуқий асосланишини, унинг ҳуқуқий меъёрларга мос келишини англатса, легитимлик - бу ишонч, ҳокимиятни оқлаш ва қўллаб-қувватлашдир. +онун чиқарадиган ҳар қандай ҳокимият, уларнинг бажарилишини таъминлаганда ҳам легалдир. Бу билан бирга нолеgitим бўлиши халқ томонидан қабул қилинмаслиги ҳам мумкин.

Ҳокимиятнинг легитимлиги бир хил эмас, унинг мазмун-моҳиятига кўра хилма-хил турлари бор. М. Вебер ҳокимият легитимлигининг 3 турини ажратиб кўрсатган. Булар:

Анъанавий легитимлик. У авалдан ўрнатилган тартибларнинг бузилмаслиги, муқаддаслигига бўлган ишончга, урф-одатларга биноан қарор топади. Унинг негизини сиёсий анъаналар, урф-одатларга ишонч ташкил этади.

Анъанавий легитимлик монархи яга хос хусусиятдир.

2. Харизматик легитимлик (юнон, «харизма» - худо томонидан инъом этилган илоҳий қобилият). Бу легитимлик раҳбарнинг хаддан ташқари илоҳий қобилиятига, фавқулотда истеъдодига, яъни харизмага ишонишга асосланади. Унинг негизда тарихий анъаналар эмас, балки шахсга халқнинг чексиз ишончи ташкил этади.

3. Оқилона - ҳуқуқий легитимлик - легитимликнинг мустақил туридир. У легитимликнинг анъанавий, харизматик турларидан фарқ қилади. Бу легитимлик фуқароларнинг алоҳида шахсларга эмас, балки давлат тузилишига бўлган ишончига асосланади. Унинг манбаини оқилона англаган манфаат ташкил этади. Оқилона-ҳуқуқий легитимлик илғор, демократик давлатларга хос хусусиятдир.

**3. Жамият ҳаётида сиёсий институтлар , ташкилотларнинг урни ва аҳамияти.**Сиёсий ҳокимиятда ташкилотлар 3 хил бўлади:

1) Асосий сиёсий ташкилотлар (парламент, давлат ва унинг органлари, сиёсий партиялар) сиёсий ҳокимиятни бевосита амалга оширади, ҳокимият учун кураш бош мақсад бўлади.

2) Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотларга: касаба уюшмалари, кооперация, ёшлар ташкилотлари, ижтимоий ҳаётнинг ўзаро таъсирида одамлар муносабати, ҳаракатини кўрсатиш мумкин.

3) Сиёсий бўлмаган ташкилотлар (театр, спорт, ДОСАФ ва ҳ.к.) сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда қатнашмайди. Бироқ кейинги вақтларда жамоатчилик бирлашмалари ҳам маълум даражада сиёсатлашиб бормоқда. Айниқса спорт ва ҳ.к.

Давлат - ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандаё жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олами ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари - давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўровонлик билан иш олиб борса - реакция давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда «мамлакатимиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзларни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари - фуқаролар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди.<sup>4</sup>

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндашув мавжуд: ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий.

Давлат моҳиятини тушунишдаги 1-ёндашувга кўра, давлат - умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. 2-ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади. 3-ёндашувнинг асоси: кўйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.<sup>2</sup> Албатта учала ёндашувда ҳам муайян асос бор. Янгиланув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштирганда бошланади. Демак.

Давлат - суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари ( қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-худудий ташкилотидир.

Давлат - бутун мамлакат микёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат - жамият сиёсий тизимнинг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, шамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир.

Давлат - ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари бир-бирига жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар кўйидагилардан иборат:

1. Теологик назария («бутун ҳокимият худоники» деган қоидага асос.)

2. Патриархат назария (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиқан.

<sup>4</sup>1. +аранг: Конституциявий шү=у=. Изошчи лу'ат. Т.: «Академия» 2001, 27-бет.

<sup>2</sup>1. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва шү=у= асослари. Т.: ЫзР ИИВ Академияси, 1999, 9-10-бетлар.

3. Шартнома назарияси (ХУ11-ХУ111 асрларда ёйилган, давлат -онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).
4. Зўрлик назарияси (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).
5. Ирригация назарияси (Шарқда улкан ирригация иншоотларини кўриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).
6. Синфий назария К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин -фикрича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиш туфайли келиб чиққан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, унинг ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н.Макиавеллидан бошланган.

Давлат ҳокимияти - (давлат аппарати) - бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти - халқ ҳокимиятининг махсус тузилма - давлат орқали амалга оширилиши. Давлат ўзининг органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўплагандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида ва таъсир чораларини қўллайди. Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 4 та бўлиниш принципи мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг халқ ҳокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент), 2) ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимияти. 4) Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимиятдир (Бу дунёдаги ривожланган мамлакатларда). 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис 8-сессиясида «Референдум, яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинди.

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидаги ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. +онун чиқарувчи ҳокимият /арбда: Парламент, Сейм Конгресс ва ҳ.к. деб юритилса Шарқда: Олий мажлис, Кенгаш, Халқ қурали ва ҳ.к. деб аталади.

Парламент (фран. Парле - гапирмоқ сўздан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади) - давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламент биринчи марта Х111 асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан тўғри парламент деб аталади. А+Ш ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литвада, Латвия, Польшада Сейи деб аталади. Парламентни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади. Дунёда 130 давлатда парламент бошқаруви мавжуд.

Олий Мажлис - Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий Давлат органидир.<sup>1</sup> Халқ вакиллари депутатларидан иборат бўлган унинг таркибида 1990-1994 йилларда 150 депутат, 1995-2004 йилларда эса 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан 1) умумий, 2) тенг, 3) тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, 4) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари 5 йил муддатга сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишли муддатларда ўтказиладиган сессияларда амалга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 16-20-бетлар.

оширади, сессиялар бир йилда камида 2 марта чақирилиши белгиланган. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузалди. Олий Мажлисининг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган. 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинади. 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги қонун қабул қилинди.

Дунё мамлакатларининг баъзиларидаги парламентларида депутатлар сони қўйидагича:

- 1) А+Ш Конгрессига 535 депутат сайланади.
- 2) Россия Федерал Мажлисига 626 депутат сайланади.
- 3) Мисрда Халқ Ассамблеясига 454 депутат сайланади.
- 4) Исроил Кнессетига 120 депутат сайланади.
- 5) Финляндия, Эдускутига 200 депутат сайланади.
- 6) Исландия Альтингига 63 депутат сайланади ва ҳ.к.

Парламентаризм тажрибаси кўрсатадики, парламент 1 палатали ёки 2 палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида 2 палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида 2 палатали парламентлар сони 45 тадан 70 га кўпайди. Ҳозирги замонда 2 палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. 2000 йилнинг 14 мартда Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида парламентнинг 2 палатали бўлиши мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнайди, деган хулосага келинди. Мустақил Ўзбекистонда парламент қачон тузилди? Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган пайтда мамлакатда 1990 йил февралда сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи - Олий Кенгаш фаолият кўрсатмоқда эди. Олий Кенгаш 1994 йил декабригача 200 га яқин қонун ва 500 дан ортиқ қарорлар тайёрлади ва қабул қилди. 1992 йил декабрда қабул қилинган Конституцияга биноан янги парламент - Олий мажлис вужудга келди. 1994 йил декабрь ойида 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига депутатлар сайланди. Республика парламенти - Олий Мажлис 1995-1999 йилларда 10 кодекс, 2 миллий дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда 1999 йилда сайланган 2-чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси фаолият юритмоқда. 1994 йили Ўзбекистонда Олий Мажлис 1 палатали парламент кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланиб 250 нафар депутат қилиб белгиланган эди. 2004 йилда парламентда 2 палатали, яъни юқори палата сенат ва қуйи қонун ишлаб чиқарувчи палата депутатлари, сони ошиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2000 йил 25 май куни 2 чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида 2 палатали парламентни тузиш ғоясини илгари сурди.<sup>1</sup> 2-чақириқ Олий мажлис 2000-2004 йилларда фаолият кўрсатмоқда. Олий Мажлисининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон республикаси референдумини ўтқизиш тўғрисидаги қарорига кўра 2002 йил 27 январда референдум ўтқизилиб овоз бериш бюллетенига қўйидаги мазмундаги саволлар киритилди:

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз? (93,65 фоиз сайловчилар «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари, қарши овоз 6,35 фоиз.

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз? (умумий сайловчиларнинг 91,78 фоизи «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган 11.117.841 нафардан 91,78 фоизи, қарши 8,22 фоиз.

3. Ижро қилувчи ҳокимият давлатнинг турли хилдаги идаралари ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар қонунларда ифодаланган тадбирларни ҳаётга жорий этади. Ижро этувчи ҳокимият - ҳокимиятнинг алоҳида тури, у қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан холи, мустақил равишда иш олиб боради. Республика ижро этувчи ҳокимиятга Президент бошчилик қилади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга ҳоким бошчилик қилади. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширади. Ижро органлари - ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон республикасида Олий ижро органи - Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳукумат ҳам ҳисобланади ва коллегиял, умумий ваколатли органдир. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқалар, улар яқкабошчилик асосида иш олиб боради.

---

<sup>1</sup> «Хал» сызи». 2006 йил . 16 май.

Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради.<sup>2</sup> Ҳозирги замон конституциялари ижроия ҳокимият ваколатларини давлат бошлиқларига (парламентар монархиялар ва республикаларда, президентлик республикаларида) ёки ҳукуматга (аралаш типдаги республикаларда беради. Бирок парламентар монархиялар ва республикалар ишида бутун ижроия ҳокимият ҳукуматга, дуалистик монархияларда - монарх ва ҳукуматга тегишлидир, аралаш типдаги республикаларда ҳукумат томонидан ижроия ҳокимиятни амалга ошириш қоида тариқасида давлат бошлиғи (Президент)-нинг бевосита раҳбарлиги ёки остида юз беради. Минтақавий ва маҳаллий даражада ижроия ҳокимият маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарувнинг турли органлари (губернаторлар, мэrlар, префентлар, оқсоқоллар ва уларга бўйсунувчи аппарати) томонидан амалга оширилади.

3. Суд ҳокимияти қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилган қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат идоралари муассасаларидан ташкил топади.<sup>2</sup>

#### Таянч тушунчалар

Сиёсий тизим - жамият ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шаклланишининг ўзига хос тузилиши. Жамиятда мавжуд давлат, сиёсий партиялар, жамоат ва диний ташкилотлар шаклланишининг конституцион-ҳуқуқий асосдаги ташкилий тизими. Тор маънода давлат ва унинг органлари, жамоатчилик ташкилотларининг қонун асосида ташкил этилган ўзаро муносабатлари орқали давлат ҳокимиятини амалга ошириш тушунилади. Сиёсий тизим субъектлари - ҳокимият, давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, шахс, сиёсий лидер ташкил этади. Сиёсий тизим типологияси - марксистик, /арб, анъанавий ва модернизациялашган, янги замонвий турларидир. Сиёсий тизим тузилиши- сиёсий ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий маданият, сиёсатнинг субъекти. Сиёсий ҳокимият ташкилотлари- асосий, асосий бўлмаган ва сиёсий бўлмаган ташкилотлар. Сиёсий тизим функцияси - қонун асосида ташкил этилган ўзаро муносабатлар орқали давлат ҳокимиятини амалга ошириш. Сиёсий тузум гуруҳлари - демократик, тоталитар, авторитар, либерал гуруҳлари. Вакиллик демократияси - демократиянинг бир шакли бўлиб, давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида фуқароларнинг вакиллари орқали иштирок этишидир. Бевосита демократия - демократиянинг бир шакли бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита, шахсан иштирок этишидир. Демократиянинг замонвий моделлари - либерал, идентитар, плюралистик моделлари, репрезентатив, партиципаторлик демократия. Шарқона демократия - халқаро тамойиллар билан бирга, табиий, тадрижий ўсиши, жамоатчилик, маънавий, диний, миллий қадриятлар бебаҳо бойлик эканлиги. Ҳокимият - кишилар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар фаолиятига, ҳуқ-атвориға, ҳаракатларига иқтисодий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилятлари билан таъсир этувчи фаолият шаклидир. Сиёсий ҳокимият - сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида шаклидир. Бихевиористик тушуниш - инсон онгини эмас, балки ҳулкини ўрганиш. Реляцион таъриф - муносабат таъриф. Субъект - ҳокимиятининг фаол, йўналтирувчи қисми. Объект - ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементи. Легитимлик - қонунийлик. Ҳаризматик легитимлик - худо томонидан инъом этилган илоҳия қонунийлик.

#### Мустақил иш учун топшириқлар.

1. Сиёсий тизим нима?
2. Сиёсий тизим субъектларини баён этинг.
3. Сиёсий тизим қандай таркибий тузилишлардан ташкил топган?
4. Сиёсий тизим типологияларини изоҳлаб беринг.

<sup>2</sup> Азизхыжаев А. ва бош. Конституциявий шу=у=. Т.: «Академия», 2001, 44-45-бетлар.

<sup>2</sup> Рамазанов И., Мыминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 104-бет.

5. Сиёсий тизимнинг асосий вазифалари нималардан иборат деб биласиз?
6. Сиёсий ҳокимиятдаги 3 хил ташкилотларни тўлиқ баён этинг.
7. +андай тузумга мустабид тузум дейилади?
8. Ҳозирги замон сиёсий тузумларининг асосий гуруҳларини келтиринг?
9. Либерал сиёсий тузум билан тоталитар сиёсий тузумнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Вакиллик ва бевосита демократияга таъриф беринг.
11. Либерал, идентитар, плюралистик демократиянинг замонавий моделларини шарҳлаб беринг?
12. Ўзбекистон демократиянинг қайси йўлларида бормокда?
13. Ҳокимият ва сиёсий ҳокимият масалаларига тўлиқ таъриф беринг?
14. Ҳокимият тушунчасига оид энг муҳим ёндашувларни баён этинг?
15. Ҳокимиятнинг тузилиши ва кўринишларидаги субъект, объект, ресурслар каби тушунчаларига тўлиқ таъриф бериб ўтинг?
16. Сиёсий ҳокимиятнинг сиёсий, иқтисодий, социал, маданий-ахборот, мжбурловчи каби ҳокимият шалларини сиз қандай тушунасиз?
17. Ҳокимиятнинг легитимлик турларини келтиринг.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон». 2001, 5-9, 19-37 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон% миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: Ўзбекистон, 1996, 104-170-бетлар.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2 - Т: Ўзбекистон, 1996, 3-28-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватан саждогоҳ каби муқадасдир. Т.3 - Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-69-бетлар.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5 - Т.: Ўзбекистон, 1997, 305-310-бетлар.
6. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 - Т.: Ўзбекистон, 31-261-бетлар.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кўрамыз. Т.7 - Т.: Ўзбекистон, 1999, 84-102, 132-154, 248-257, 370-404-бетлар.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8-Т.: Ўзбекистон, 2000, 330-351, 462-508-бетлар.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9-Т.: Ўзбекистон, 2001, 132-150, 386-390-бетлар.
10. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 64-91-бетлар.
11. Каримов И.А. Сиёсатшунослик. Т.: Ўзбекистон, 1992, 206-267-бетлар.
12. Раифков / А. Хошимов Т.Р, Тўраев А. Сиёсатшунослик асослари. Термиз, 1997, 37-47-бетлар.
13. Рамазонов И, Мўминов Р. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 58-125-бетлар.
14. Отамуродов С, Эргашев И, Ақромов И, +одиров А. Политология. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 51-64-бетлар.
15. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-қисм. Тошкент: М, Улуғбек ном. ЎЗМУ, 2000, 46-54-бетлар.
16. Политология. Маърузалар матни. Тошкент: ЎЗАКБНТ, 2000, 51-62-бетлар.
17. Машарипов О, Хошимов Т.Р, Рафиков / А. Политология. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 30-37-бетлар.
18. Мамадалиев Ш. Сиёсий тизимимиз: реаллик ва такомил. Тафаккур. 1999, №3, 4-9-бетлар.
19. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т.: «Маънавият», 1999, 133-184-бетлар.
- Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 79-100

## **5-МАВЗУ. Жамият сиёсий ҳаётида партиялар, жамоат ташкилотлари ва ОАВнинг роли. РЕЖА.**

**1.Сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг урни.Ўзбекистонда сиёсий партиялар тизими.**

**2.Сиёсий ҳаётнинг демократлашувида сиёсий партиялар мавқеининг ошиб бориши.**

**3.ОАВ»туртинчи ҳокимияи» сифатида.Ахборот омилининг сиёсий жараёнларга таъсири.**

**4.Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилатларининг урни ва аҳамияти.**

1.Сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг урни.Ўзбекистонда сиёсий партиялар тизими.

Жамият ҳаётида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жихатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. қайси мамлакатда миёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайди, бу ҳол жамият ривожига Ўзбекистон таъсирини кўрсатади. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар бошлаган.

Кишилар ҳаётида турли туман муаммолар мавжуддир. Ана шу муаммолардан айримини инсон боласи бир ўзи, бошқалар эса фақатгина ўзгалар билан уюшиб, башарти, масалан, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни: тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилиш, кредит олиш, солиққа тортиш, ташқи бозорга кириш масалаларини ҳал қилиш мумкин. Тадбиркорлар уюшмаси ҳам айнан шу мақсадларда тузилади. Шунингдек, бошқа гуруҳлар: пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, ўқитувчилар, шифокорлар ва ҳоказолар ҳам муаммоларни ҳал қилиш учун уюшадилар.

«Партия» сўзининг ўзи латинча «парз» - қисм, бўлак сўзларидан келиб чихқан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Сиёсий партия – ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ва Ўзбекистон фаолиятида ифода этувчи уларнинг муайян мақсад-манфаатларини, орзу-умидларини ҳимоя қилиш учун курашда уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотдир.

Бошқача айтганда, сиёсий партия – жамият муайян қисми, манфаатларини ифодаловчи ва давлат органлари фаолиятида иштирок этишни ўзига мақсад қилиб қўювчи маслақдошларнинг уюшган гуруҳидир.

Сиёсий партиялар – жамиятнинг муайян ижтимоий табақалари фаол намоёндаларини бирлаштирувчи, сиёсий ҳаётда бевосита иштирок этишорқали Ўзбекистон манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилот. Ёки бошқача изоҳлаганда, сиёсий партиялар - қараш ва мақсадлари бир бўлган турли табақа ва гуруҳлардаги фуқароларнинг сиёсий мақсадини кўзлаб тузган бирлашмалари-ташкилотларидир.

Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга Ўзбекистон вакилларини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Шу билан бирга сиёсий партиялар замонавий жамият тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши сиёсий ҳокимиятни йўлга киритиш учун мурасасиз кураш олиб бориш зарурияти билан узвий боғлиқдир. Сиёсий партияга ўхшаш институтлар /арб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган<sup>1</sup>. тарихдан маълумки сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни Ўзбекистон сафларида бирлаштирган. Улар таркиби жихатдан жуда тор доирада уюшган сиёсий ташкилотлар бўлган. Улар асосан жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий оқимлар манфаатларини ифода этган. Афинада гетерийлар, Рим оптимат ва популярлари антик даврида сиёсий партия вазифаларини бажаришган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам сиёсий партиялар ўзларининг моҳияти жихатидан бир оз фарқ қилган. Фақат мустабидлик ёки мутлақ ҳукмронлик тузумларида сиёсий партиялар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила олмаган.

Саноатлаштириш даврига қадар сиёсий партияларнинг универсал шакли кланлар ва махфий ташкилотлар эди. Кланлар асосан қариндошлик алоқалари билан боғланган кишилардан иборат

эди. Ўрта асрлар Англиясида Йорклар ва Ланкастерлар, Арабистонда (урта асрда) эса алавийлар («Али партияси»), Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам қариндошлик ва юртдошлик принципларнинг сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида ҳамияти катта.

XVIII-XIX асрларга келиб, сиёсий партиялар белгиланган тарзда тасдиқланган дастур, низоми ва доимий аъзолиги билан замонавий демократик институтлар шаклланиши даврида пайда бўлган. Агар партия муҳолифат хусусиятига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади. Европада масонлар ташкилотлари, Ислон дунёсида Исмоилийлар ташкилотлари. Айрим пайтларда бу сиёсий партиялар махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ҳозирги шароитда амал қилаётган сиёсий партиялар Ўзбекистон ижтимоий аъзоси, таркиби ва сиёсий ҳаракат дастурининг қандай мақсадларга йўналтирилганига қараб 3 гуруҳни ташкил этади:

1. Феодал муносабатлари ва тартибларнинг сақланиб қолишини ифода этувчи сиёсий партиялар. Бу гуруҳга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги феодал муносабатлари сақланиб қолаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар киради. Мақсади: феодал тузум тартибларини ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон мавқеини йўқотиб бораётган подшолик(монархистик), диний, миллатчилик, консерватив, озодлик партиялари номлари остида иш юритади.

Буржуа синфи манфаатини ифода этувчи партиялар бўлиб, подшоликни тан олади, баъзан социалдемократик кўринишидаги партиялардир.

3. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ҳунарманд-қосиблар манфаатини сиёсий фаолиятларида ва ҳаракат дастурларида акс эттирадиган сиёсий партиялардир<sup>1</sup>.

Аввал бошда капиталистик жамиятда сиёсий партиялар XIX асрда буржуазиянинг турли гуруҳлари томонидан тузилган. Америка қитъасида: А+Ш Демократик партия (1828), Гондурас миллий партияси (1854), Колумбия консервати впартияси (1848), Колумбия либерал партияси(1849), Аргентина таражданлар радикал иттифоқ партияси (1891), Гондурас либерал партияси (1891), Гондурас миллий партияси (1891) ташкил топди. Европада: Белгия католик партияси (1891), Италия республикачилар партияси (1832), Буюк Британия либерал партияси (1867), Буюк Британия консерватив партияси(1867) ташкил топди. Осиёда: Ҳиндистон миллий конгресси партияси (1885). Африкада: (асосан XX аср бошларида) Жанубий Африкаликлар миллий конгресси партияси (1912), ЖАР миллатчилар партияси (1918). Австралия ва Океания қитъасида: Австралия лейбористлар партияси (1891), Миллий (собик аграр) партия (1916), Лейбористлар партияси (1916), Австралия либерал партияси (1944) ва бошқа партиялар юзага кела бошлади. Сиёсий партиялар фаолияти Ўрта Осиёда асосан XX аср бошларига келиб ташкил топди. Бу аввало Ўрта Осиёда мустанлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган<sup>2</sup>. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати туфайли «Турон», «Иттиҳоди тараққий», «Бирлик», «Шарқ бирлиги», «Ёш бухорорликлар», «Ёш хиваликлар», «Мифтах ул-маориф» ва бошқа кўплаб ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Аммо собик шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида барча миллий сиёсий партиялар фаолияти таъқибга олинди ва батамом тугатилди. Фақат истиқлол туфайлигина Ўзбекистон сиёсий партиялар том маънодаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига айланди.

Партия тизими – сиёсий институт тушунчаси, жамиятнинг сиёсий тузилиши ва жамият аъзоларини давлат ва жамият ҳаётида иштирок этишнинг қабул қилинган ҳамда эътироф этилган қоидаси.

Партиявий тизим – жамият ичида ижтимоий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Сиёсий институтлар бир томондан сиёсий партиялар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бошқа томондан – партиялар сиёсий тизимнинг ижтимоий элементлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлари ифодаси. Партия тизими маълум бир жамият ёки давлатлар томонидан қабул қилинмаган. Иасалан, Бутан, Омон, +увайт, Саудия Аравистони қабилар. Шу билан бирга, бир партияли ёки кўп партияли тизимлар ҳаммавжуд.

Сиёсий партиялар партиявий тизим жихатдан классификацияси, турлари: демак, дунё давлатларида партиявий тизим классификацияси, турлари қуйидагилар бўлиб келган:

1. Кўп партиявийлик тизими. Бу тизимда фуқароларга турли партиялардан номзодларни танлаб олишга ва жамиятни давлатлаштиришда у ёки бу дастурга афзаллик беришга имкон яратади. Кўп партиявийлик тизими Ўзбекистон навбатиди:

1) Кўп партиявийлик тизимида хукмрон пратияларга бўлинади. Масалан А+Ш демократик партияси (1828), А+Ш республикачилар партияси (1854), Австралия қатъасида лейбористлар партияси (1916), Альянс партияси (1966), Ўзбекистонда ФМДП (1998), ХДП (1991) ва ҳоказо.

2) Кўп партиявийлик тизимида хукмронсиз партиялар. Масалан, А+Ш Компартияси(1919), А+Ш социал-демократик партияси, А+Ш социалистик партияси, Ўзбекистонда бизнинг тахминимизча, «Адолат» партияси (1995), Миллий тикланиш партияси (1995) ва ҳоказо.

3) Иттифок (блок) партиялари. Масалан, Германия социал-демократикпартия (1869), Христиан социал иттифқи (1945), Эркин демократик партия (1848), Христиан демократик иттифоқи (1950), «Кўкатпарварлар» партияси (1980) ва ҳоказо.

2. Икки партиявийлик тизим. А+Шда 2 партиявийли тизим таркиб топган бўлиб ҳокимият тепасига Республикачилар (ҳозирги президент Ж.Буш) ва Демократик партияси келиб туради.

3. Бир партиявийлик тизими. Тарихнинг бориши якка партиявийлик тизими давлатда диктатура ўрнатилишига олиб келишини тасдиқлади.

Сиёсатшунослик таълимотида политологлар сиёсий партиялар тузилишига доир турли Ўзбекистон фикр-мулоҳазаларни Ёлдирганлар.

Сиёсий партияларнинг тузумга кўра турлари:

1. Буржуа-демократик партиялар.
2. Авторитар партиялар.
3. Социалистик партиялар.

Сиёсий партиялар фаолиятидаги устунлик хусусиятига қараб, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Авнгард типидagi партиялар.
2. Парламент типидagi партиялар.
3. Сайлов кампаниясида иштирок этиш учун таъминланадиган партия (кўпроқ ривожланган мамлакатларда).
4. Муносабат партияси, клуб партияси (маърифатпарварлик характеридаги, Москва ишчилар клуби ва ҳоказо.

Сиёсий партиялар синфий белгиларига кўра: пролетар, деҳқон, майда буржуа, буржуа, помещик партиялари мавжуд бўлган.

Сиёсий партиялар мафкуравий белгиларига кўра: коммунистик, социалистик, социал-демократик, халқ, либерал, консерватив, диний ва миллий партияларга бўлинган.

Сиёсий партиялар мавжуд тузумга кўра бўлинган: инқилобий, ислохотчи, консерватив ва реакцион партиялар бўлган.

Сиёсий партиялар таркиб топиши, фаолият усулларига кўра: демократик, авторитар, тоталитар партияларга бўлинган.

Сиёсий партиялар таркибига кўра: оммавий партиялар, ходимлар партияси, оқ суяклар партияси бўлган.

Сиёсий партиялар йўналишига кўра бўлинган: сўл, марказ, ўнг партиялар мавжуд бўлган.

Сиёсий партиялар фаолиятига кўра бўлинган: босиқ, радикал, экстремистик партиялар учрайди.

Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бўлган кўппартиявийлик мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив жараёнига айланди. Партия жамият ҳаётини демократлаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилашда ва амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади, ҳамда муайян функцияларни бажаради. Биринчидан, жамоатчилик фикрини шакллантиради. Иккинчидан, сиёсий фаолиятда иштирок этади. Учинчидан, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришвазифаларини ўтайди. Тўртинчидан, сиёсий маданиятни оширади. Бешинчидан, парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатади. Олтинчидан, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этади.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлиб, улар 2 турга бўлинади.

1. Ички функциясига: 1)жипслаштирувчи; 2)мувофиқлаштирувчи; 3)рағбатлантирувчи; 4)етақчиликка интилиш; 5)Ўзбекистон мавқеига мослиги.

2. Ташқи функциясига: 1)тарғибот ва тадқиқот; 2)маълум сиёсий йўналишга мослаштириш; 3)сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифалар киради<sup>1</sup>. (Политология маърузалар матни. Т. 2000, 95-бет.)

Сиёсий партиялар фаолияти куйидаги асосий йўналишларда олиб орилади:

1. Ўзбекистон фаолиятининг мақсадларини аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадий қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш.

2. Жамият аъзоларининг турли манфаатларини Ўзбекистон фаолияти ва ҳужжатларида мумкин қадар кенг қамраб олиб, уларнинг энг маъқуллаган партиясига айланишга интилиш.

3. Турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда нихоятда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг мумкин қадар кенг доирасининг овозини Ўзбекистон фойдасига ола билиш.

4. Сиёсий партия қаторига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи ва билагонлар табақасини шакллантириш.

5. Партия дастурида кўрсатилган вазифалар ваваъдаларни қонун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш. (Мустақиллик. Изоҳли илмий оммабоп луғат. Т.: «Шарқ», 1998, 193-195 бетлар.)

Демак сиёсий партиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этадилар.

2. Олий Мажлис сайловларида иштирок этадилар.

3. Маҳаллий вакиллик органларини тузишда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республика Конституциясининг бир қанча моддалари партиялар фаолияти учун конституциявий асос бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партиялар ташкил этиш ҳуқуқи Конституциянинг 34-моддасида мустаҳкамланган. Конституциянинг сиёсий партияларга уюшиш, сиёсий партиялар оммавий ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликни ташкил этувчи муҳолифатни сиёсий партиялардаги ҳуқуқлари туғрисида сўз юритилган «Жамоат бирлашмалари» бобида (8-боб) сиёсий партия рўйхатдан ўтказилиши зарурлиги қайд этилади. Конституцияда, шунингдек, сиёсий партияларнинг Конституцияга қарши хатти-ҳаракатлари таъқиқланади (57-модда). Сиёсий партияларга нисбатан давлатнинг ҳуқуқлари (58-модда), партияга аъзо бўлиш ихтиёрийлиги (59-м.), демократик фаолиятни тўхтатиш ёки чеклашда умумий судларнинг ваколатлари туғрисида ҳам сўз юритилади. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлари куппартиявийлик асосда сайланишлари таъкидланади. 1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Сиёсий партиялар туғрисида» қонун қабул қилди. (Унгача сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонун асосида иш олиб борди.) Янги «сиёсий партиялар туғрисидаги қонун» 17 моддадан иборат. Президентлик ваколатларини бажариш вақтида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиш шарт. қўйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция хавфсизлик хизматиходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия тузиш камида 8 та ҳудудий субъект (вилоят), шу жумладан +орақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади (олдин, 1996 йилгача 5 та вилоятдан 3 минг имзо тўплаганда эди). Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиши, партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис съезди ё конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб 7 кунлик муддатда, кечиктирмпасдан Республика Адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиши мумкин. Съезд ё конференция чақириши лозим. Таъсис съезд ё конференцияда: партия устави ва дастурини қабул қилади, органини тузади. Устав қабул қилинган 1 ой муддатда ЎзР Адлия вазирлигига: партия органининг камида 3 аъзоси имзоланган ариза, устав, дастур, таъсис съезди ё конференция баёни рўйхатдан ўтказиш йиғими – банк ҳужжати ва бошқалар топширилиши керак. Адлия вазирлиги 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши керак. Сиёсий партия ҳар йили барчанинг эътибори учун Ўзбекистон бюджетларини эълон қиладилар ва Ўзбекистон фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари туғрисида Олий Мажлис ё ваколат ё ваколат берувчи органга ҳисобот тақдим этади. (Маърифат. 1997 йил 8 январь.)

Сиёсий партиялар тегишли тартибда рўйхатга олинган, фаолиятини амалга оширади. Улар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва махсус қарорлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар (улар 5 та):

1. «Фидокорлар» миллий демократик партияси (ФМДП) – (1998 йил 28 декабрь). 2000 йил 14 апрелда янгидан ФМДП ташкил топди, яъни «Ватан тараққиёти» (1992й. 24май) ва «Фидокорлар» МДПси битта партияга бирлашди. Бош котиби Эркин Норбўтаев – Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги стратегик ва миллатлараро тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари. Ҳозир ФМДПси Мкнинг 1-чи котиби Аҳтам Турсуновдир. Партия аъзолари тахминан 50 мингдан ошди. Партия олий органи +урултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чақирилади. Партия аъзоларининг кўпчилиги ёшлардир. Партия дастурида «Кураш ҳам қуқуқдир. Ҳақиқат йўлида курашмоқ ва фидокорлик демакдир» шиор мавжуд. Шунингдек, Президентнинг «Кучли давлатдан кучли жамият сари» дастурий ғоясини илгари суради. Олий Мажлисида Ўзбекистон фракциясига эга бўлиб, парламент типидagi партиядир. 1999-2004 й.да Олий Мажлисида 52 депутати бўлиб, парламент фракциясида 1-ўринни эгаллайди. Партия ҳокимиятга эришиш учун Президент, парламент, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайловларда қатнашади. Сиёсатни ушбу идораларда қонуний йўл билан халқ томонидан сайланган вакиллар орқали амалга оширади. 2000 йил 9 январда президент сайловига Илом Каримов номзоди ана шу партия орқали биринчи бўлиб кўрсатилди. ФМДПсининг асосий мақсади: фуқаролар фаоллигини ошириш ва мустақиллик мафқурасини шакллантириш. Ёки ФМДПси 3 устувор масалани ечишни мақсад қилиб қўйган:

1. Эркин бозор иқтисодиётига суянган очиқ, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш.

2. Эл-юрт, ҳаёт даражасини тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш.

3. Жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрнини эгаллаб олиш.

Шунингдек, демократик жамият тараққиётини жадаллаштириш, зиёлилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш, хусусий мулкчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш. Ўзбекистон фаолиятида ҳамisha амалий тажриба ва соғлом ақл-идроққа таяниб иш кўриш.

ФМДПсининг матбуот органи: «Фидокор» газетаси. Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол тарғибот ишларини юритиб келмоқда.

2. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ХДП) – (1991й. 1ноябрь). Биринчи котиби: 1991-1994 йилларда М.Расулов, 1994 й. 1 ноябрдан Абдулҳофиз Жалолов. Партия аъзолари 557.168 мингдан кўпроқ (Халқ сўзи, 5 май). Аъзоларнинг салоҳиятининг қисми 200 мингга 30 ёш атрофидагилар ташкил этади. 14.173 та бошлагичлаб чиқариш ташкилоти бор. ХДП Ўзбекистон сафларида кенг оммани: зиёлилар, хизматчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийларни, 80 га яқин миллат ва элатларни бирлаштирган. 1995-1999 йилларда Олий Мажлисида 69 депутат (27%), 1999-2004 йилларда 50 депутатдан иборат партия фракциясига эга<sup>1</sup>. Бу жихатдан парламент фракциялари орасида 2-ўринда туради. 2000 й. 9 январда бўлган мамлакат Президентлигига номзод қилиб А.Жалолов номзоди кўрсатилди ва сайловда 4,17% овозга эга бўлди.

ХДПнинг олий орган иқурултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чақирилади. Партия шиори: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». 1993 й. декабрида ХДПнинг Миллий истиқлол мафқураси қабул қилинган. 1999 й. Октябрида 3-қурултой қабул қилинган янги таҳрирдаги дастурига «Ёшлар – Ватан келажаги» номли махсус бобни киритди. ХДПнинг мақсади: ижтимоий адолат, мамлакат атраққийти ва маънавий янгиланишни таъминлаш. Ёки бошқача айтганда Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари:

1. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш.

2. Туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш орқали раванқ топган қудратли, демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятни бунёд этиш.

3. Кишиларнинг миллат, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъий назар, муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятларни яратиш.

4. Фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари, тинч ҳаёт кечиришини қафолатлаш.

Матбуот органи: «Ўзбекистон Овози», «Голос Узбекистана» газеталари, ойлик «Мулоқот» журнаliga эга. Журналистоари аккредитация қилинган.

3. «Адолат» социал демократик партияси (1995й. 18 февраль).

Партия раиси Турғунпўлот Даминов. Партия аъзолари 30 минг кишидан зиёд. 147 шаҳар ва туманларда мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари бор. Кенг омм атабақасини ўзида бириктирган. Парламентда Ўзбекистон фракциясига эга бўлиб, Олий Мажлисида 1995-1999 йилларда 44 депутати (17%), 1999-2004 йилларда эса 9 депутати бор. Президент сайловида (2000й. 9 январь) И.А.Каримов номзодини кўрсатди. Партия шиори: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш»

керак». Партиянинг мақсади: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий адолат ўрнатиш. Ёки бошқача айтганда «Адолат» СДПси Ўзбекистон олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:

1. Ҳуқуқий демократик давлат куриш.

2. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш.

3. Ватанга содиқ хизмат қилиш.

4. Адолат фуқаровий жамият куриш.

5. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий талабларига ҳамда мамлакатимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароит юзага келтиришга ҳисса қўшиш.

Матбуот органи: «Адолат» ҳафталик газетаис чоп этилмоқда.

4. «Миллий тикланиш партияси» (1995й. 3 июнь).

Партиянинг биринчи котиби дастлаб Азиз +аюмов эди, хозир (2002) Иброҳим /аффуров. Партия аъзолари 10 минг кишидан кўпроқ. Ўзбекистон фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Ижтимоий қатлам сифатида ўрта табақани, яъни ўқитувчи, врач, инженер ва бошқа касб эгаларини Ўзбекистон сафларида бириктирган. Партия Ўзбекистон атрофида илм-фан, маданият ва маорифга хизмат қиоётган йирик олимларни уюштирган. Парламентда 1995-1999 йилларда бу партиянинг 7 нафар аъзоси бор эди. 1999-2004 йилларда Олий Мажлисида 12 депутатдан иборат партия фракцияси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йил президент сайловида И. Каримов номзодини қўллаб қувватлади. Партия шиори: «Миллат, инсон ва ватан манфаати муқаддасдир» деб билади. Партиянинг мақсади: давлатнинг умуминсоний қадриятлар асосида миллий тикланиш. Ёки бошқача айтганда партиянинг олий мақсади:

1. Миллатнинг маънавий бирлиги.

2. Ватан (Туркистон) – ягона оила.

3. Кучли демократик давлат.

4. Миллий қадриятлар.

5. Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция.

6. Замон кишиси.

7. Миллий истиқбол.

МТПнинг матбуот органи: «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси чоп этилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЛДП) 2003 йил 15 ноябрда тошкентда булиб утган таъсис курултойида тузилган. Курултойда дастури ва низоми қабул қилиниб, Адлия вазирлиги томоғидан 2003-йил 3-декабрда руйхатдан утган.ЛДП мамлакатимизда давлат ва жамият тизими ривож ва янгиланишида, ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилишида фаол иштирок этадиган куч сифатида майдонга чиқди.

УзЛиДеПнингасосий вазифаси мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳамда жамиятимиз тараққиётининг бошқа соҳаларини эркинлаштириш, давлат ва жамиятни демократик асосда янгилаш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишга йуналтирилган дастурни ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Партиянинг «XXI аср» номли ижтимоий-сиёсий нашои мавжуд.

Умуман, кўппартиявийлик тизими ташкил қилиш жараёни кетяпти. 5 та сиёсий партия ва қатор жамоат бирлашмаларининг вакиллари кўрсатилган. Ҳар бир фуқаро Ўзбекистон фикрига унинг манфаатларини ифодалайдиган, мамлакат тараққиётига имкон яратиб берадиган партияни танлаб олиш учун демократик ҳуқуқий давлатда камида 2 партия бўлиши керак. Хозирги кунда кўппартиявийлик тизими шаклланиш жараёни мамлакатимизда ҳам ривож топмоқда.

Сиёсий партия фракцияси – Олий Мажлис фракциялари сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмасидир. Улар тегишли вакиллик органлари ва сиёсий партиялар манфаатини кўзлайди, масалаларни муҳокама этишда иштирок этиб, умумий фикрга эришишга ҳаракат қилади

(Азизхўжаев А. ва бошқалар. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 109-бет).

Ҳозирги пайтда Олий Мажлисида «Фидокорлар» МДПси фракцияси – 52, ХДП фракцияси – 50, «Адолат» СДПси – 9, «Миллий тикланиш» партияси-фракцияси – 12 депутатлардан иборат. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 94 нафар депутатлар блоки ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган 15 нафар депутатлар гуруҳи парламент ишида қатнашмоқда. Сиёсий партия фракцияси Олий Мажлис кенгаши таркибига киради. Партия аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса ҳали аксарият бу ҳақиқатни ё тушунмайди, ёки тан олгиси келмайди, ё ундан кўркади. Хarakterли бир мисол, Германияда агар сиёсий партия таъсис этилганидан кейин 6 йил давомида бундестаг ёки ладтагга бўладиган сайловлар учун ўзи ишлаб чиққан таклифларни киритмаса, Ўзбекистон ҳуқуқий мақомини йўқотади.

Бундан бошқа мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда рўйхатдан ўтмаган муҳолифатдаги қуйидаги сиёсий партиялар бор эди:

1. «Эрк» демократик партияси (1992). Раиси: Муҳаммад Солиҳ. Аъзолари 54 минг эди, тарқалиб кетди. /айриқонуний иш юритганлиги учун рўйхатга олинмади.
2. «Адолат» сиёсий партияси (1992). Раиси: Ш.Мирсаидов.
3. «Истиқлол» партияси (1993).
4. «Яшиллар халқ партияси» (1992й. 29май). Лидери: П. Шермухаммедов эди.

Умумий сиёсий партиялар ва ҳаракатлар қуйидаги принциплар асосида бирикиши лозим:

- 1) Конструктив (тузилиш асос қилиб, амалий) таклиф асосида.
- 2) Компромизм (муроса-мадора) йўли билан.
- 3) Реаллик.

## **2.Сиёсий ҳаётнинг демократлашувида сиёсий партиялар мавқеининг ошиб бориши.**

Жамият сиёсий тизимида ва унинг ривожига сиёсий партиялар муҳим урин тутати. Партия жамиятнинг муайян бир булагига, айрим шахслар. Ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларига таянган ҳолда уларнинг қарашлари, мақсадлари, манфаатларини узида акс эттирувчи куч сифатида, уларни уз атрофида бириктиради, муайян гоя, мақсад, ҳамда уни амлга ошириш йул йуриқлари билан қуроллантиради.

Турли жамиятлар сиёсий тизими бир партиялик, икки партиялик ва куп партиялик билан характерланади ва улар уртасида муайян ҳуқуқий асослар, нормалар мавжуд.

Жаҳон давлатчилиги тажрибасидан маълумки, сиёсий партиялар бошқа жамоат бириктириларида фарқли равишда парламентда, ҳукуматда иштирок этиш очикчасига ва қонуний асосларда ҳаракат қилади.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳама вақт жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизимини таркибий қисмини ташкил этган, унга давлат ва жамиятнинг, ҳокимият билан халқни боғлаб турувчи бугин сифатида қараб қилишган.Сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий ривожланиши турли хил сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар хилмаҳиллигига асосланган шароитдагина эркин, демократик жамият қурилишининг муҳим ажралмас қисмига айлани мумкин.Шунда сиёсий партиялар тугрисида мавжуд қарашлар узгарад ва фуқороларда куп партиявийликни жамиятдаги беқарорлик, сиёсий ихтилофлар ҳамда узаро қелишмовчиликлар манбаи сифатида эмас, аксинча демократик адолатли, фуқоралик жамияти қурилишининг муҳим шарти сифатида қараш қарор топиб боради.Сиёсий партиялар ва уларнинг лидерлари ҳам муайян ижтимоий қучларга таянади, аммо синфийлик унинг фаолиятининг асосий тамайили бўлмаслиги керак.Сиёсий партиялар жамиятдаги аҳолининг нисбатан қенгрок қатламига таяниши, турли хил ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларининг қарашлари, манфаатларни узида ифодалаши билан бирга у, асосан, реал инсон мақсадлари ва манфаатлари, умуминсоний тамойилларга бўйсундарилган бўлиши лозим.

Жамиятнинг демократлашганлик даражаси сиёсий партияларнинг микдори ёки унинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланмайди. Ҳақиқий демократик жамият шу фуқороларнинг жинси, Ирки, миллати, дини, шахси ва ижтимоий қелиб қикишидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни, фаолиятни бир хил таъминлаб берганлиги, унинг қафолатланганлик даражаси билан, жамиятдаги ҳамжихатлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тинчлик мустақиллик қабии тамойиллар билан белгиланади.

Жахондаги ривожлагган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни курсатмоқдаки, партиялар уз вазифасини Тула бажариши, малакат тарккиётиг Тула хисса кушиши учун уларга дастлабки тенг имкониятлар яратилиб берилиши керак. Бу айниқса, куппартиявийлик шаклланаётган ва уз йулини белгилаётган Узбекистоннинг хозирги утиш даврида жуда муҳимдир.

### **3. ОАВ»туртинчи ҳокимияи» сифатида. Ахборот омилининг сиёсий жараёнларга таъсири.**

Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принципларини, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда<sup>1</sup>. ЎзР Конституциясига ва «Оммавий ахборот воситаларитўғрисида» ги (1997й. 26 декабрь) +онунга мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуотда, телевидениеда ва бошқа ОАВларда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини баён этиш ҳуқуқи ҳавола этилади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асоси шартларидан бири – иатбуот ва ахборот эркинлигидир. Аммо сўз ва матбуот эркинлиги мутлақ бўла олмайди. Чунки телевизор экранидан янграган, газетада эълон қилинган ахборотни миллионлаб одамлар эшитадилар, ўқийдилар. Агар қандайдир бир одам, корхона, ишлаб чиқариш тармоғи ҳақида янгилиш маълумотлар айтилса, бу билан уларнинг нуфузига путур етказилади, ҳуқуқлари бузилади. Конституциянинг 67-моддасида қад этилганидек, улар «ахбороти тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардир». Демак, ОАВ ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. «Ахборотлашган жамият» тўғрисидаги қарашларнинг негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётгани билан боғлиқ. XX1 аср «ахборот асри»га айланмоқда. ОАВ жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби миллий ғоя ва мафкура билан суғорилган ғоя ва мақсадларни халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончини шакллантиришда ҳамда халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.А.Каримов) уйғотишда ва қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди. ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлайди. Шунда «ахборотни холис», «ишончли», «аниқ» бўлиши мумкин. ОАВларни тўртинчи ҳокимиятга айлантириш жараёни кечмоқда, лекин бу жараён мураккаб ҳолларда кечмоқда. Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Ҳозирги вақтда ахборот «чегара» билмайдиган омилга айланиб қолди.

Ўзбекистонда жамият ҳаётида ОАВ ролини фаоллаштириш қуйидагича тасаввур этилмоқда:

1) ОАВ имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш;

2) ОАВ мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлча қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва муҳими, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВларини таёрлаш жараёнини кўриб чиқиш. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришга уларга ёрдам бериш.

3) ОАВ фаоллигини ва уларнинг самарали ишлашга ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Матбуот тўғрисида, журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Матбуот эркинлиги муҳим ўринда туради. Усиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этади. Ахборот сиёсатни, мамлакат сиёсий режими, характери билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар «ахборот»ни буғиш, «сир» сақлашдан унга «ҳукмронлик» қилишдан кўпроқ манфаатдор. Демократик жамият эса эркин алмашиш, унинг хилма-хиллиги таъминлашдан манфаатдор, бу жамиятларни яшовчанлигини таъминлайди.

«Тўртинчи ҳокимият» инсонлар онги, қалби, дунёқарашига, хоҳишқиродасига таъсир этишнинг муҳим омилдир. XX1 асрда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда денё 2 қутбидан кўп қутбли оламга айланди. Бундай шароитда «...қаердаки, мафкуравий бўшлиқ

вужудга келса, уша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин»лигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда. Ахборот майдонида ҳам турли сиёсий кучлар, мамлакатлар, халқлар, социал гуруҳлар билан боғлиқ «манфаатлар», «қарашлар» бир-бири билан дуч келади. Ахборот ҳолислиги таъминланмаса, у «хавф-хатар», «беқарорлик» омилга айланиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш вазифалари эркин ва мустақил ОАВ ҳар томонлама ривож топишини тақозо этади. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор. Мустақиллик йилларида нашрлар сони кўпаймоқда. «Хозир мамлакатимизда 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган»<sup>1</sup>. Радио ва кўрсатувларнинг ҳажми кўпайди. Улар жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида тутган ўрни ортиб бормоқда.

#### **4. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг урни ва аҳамияти.**

Жамият ҳаётида кўп сонли ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади, улар бевосита сиёсатнинг субъектларидир. Ижтимоий жихатдан зарур бўлган мақсадларни амалга ошириш учун ўқаролар томонидан ихтиёрий тарзда тузилган уюшмалар ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари деб аталади. Ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари Ўзбекистон мақсад ва вазифаларига кўра ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатда бевосита қатнашади. Бу ташкилотларнинг шаклланиши узоқ тарихий тараққиёт натижасидир. Масалан, қадимги кулдорлик давлатларида кулдорлар синфининг юқори қатламларига мансуб бўлмаган озод фуқаролар, озод ишлаб чиқарувчилар ўз манфаатларини ифода этувчи, уларни ҳимоя қилувчи ижтимоий жамоат ташкилотларини тузиб, жамият сиёсий тизимининг амал қилиши жараёнида у ёки бу даражада иштирок этганлар.

Ижтимоий ташкилотлар билан оммавий жамоат ташкилотлари айнан бир хилдаги ташкилотлар эмас. Ижтимоий ташкилотлар оммавий ташкилотлардан ўзининг жамият сиёсий тизимида тутган мавқеи, олиб орадиган ишларининг кўлами, мақсади-вазифалари, жамият сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги иштироки билан оммавий жамоат ташкилотларидан фарқ қилади. Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий ташкилотларга нисбатан жуда кўп сонли бўлиб, улар жамиятнинг барча соҳаларида иш олиб бораётган фуқароларнинг нисбатан кичикроқ уюшмаларини ўз ичига олади. Ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг турлари қуйидагилардан иборат: Аввало бу ташкилотлар жамият сиёсий тизимида давлат ва сиёсий партиялардан кейин муҳим ўринни эгаллайди. Улар:

1. Касаба уюшмаси ташкилотлари. Бу ижтимоий ташкилот бўлиб, ўз сафларида 7,5 млн дан ортиқ аҳолини бирлаштирган (1997). 53 мингдан кўп бошланғишлаб чиқариш ташкилоти мавжуд бўлиб, унинг таркибида 21та тармоқ уюшмалари бор. Мустақиллик йилларида 1-март «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатланганлиги» тўғрисида қонун қабул қилинди. ЎзКУТлари тизимида 450дан кўпроқ маданият саройи ва уйи, клублар, 338 та киноқурилма мавжуд, 2 млн дан ошди китоб жамғармасига эга бўлган 400 дан зиёд клубхона фаолият кўрсатмоқда. Мингдан ошди тўғарак ва бадий хаваскорлик жамоаларида 30 дан зиёд хаваскор иштирок этмоқда. ЎзКУТлари:

- 1) Ҳукумат тармоқларининг раҳбарлари, мулкчиликнинг барча шакллари билан раҳбарлари ва тадбиркорлар билан йирик битим ва жамоат шартномалари тузади.
- 2) Ижтимоий суғурта маблағларининг бир қисmini тасарруф этади.

Касаба уюшмалари ташкилий-сиёсий курашга уюшқоқлик асосида етакчилик қилади ва кўп ҳолларда ўз олдида қўйган мақсадларига эришади. Жамият тараққиётида шундай воқеалар ҳам содир бўлганки, касаба уюшмалари мустабид тузумга қарши демократик сиёсий тузумни ўрганганлар ва давлат бошқарувини қўлга киритганлар. Масалан, 1974 йилда Германиядаги «+ора полковниклар» диктатурасининг қулашига ва демократик сиёсий тузум ўрнатилишига касаба уюшмалари уюштирган ва бошқарган иш ташлашлар сабаб бўлган. Польша Халқ Республикасида «Бирдамлик» касаба уюшмаси узоқ йиллар давомида олиб орган курашиши натижасида сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олган эди.

2. Ёшлар ташкилотлари ҳаракати. «Камолот» ижтимоий ҳаракати. 2000 йилгача ЎзР ёшларининг «Камолот» жамғармаси номи билан фаолият кўрсатиши мустақиллик йилларида кўп ишларни амалга оширсада у ўзини оқламади. (1996й. ЎзР президентининг «ЎзР ёшларнинг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармони ҳам бор эди). Натижада 200 й. 24 январда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишида президентимиз И.Каримов ««Камолот» ёшларнинг чинаккам суянчи ва таянчи бўлсин» нутқида «Камолот» номини сақлаб қолишни, шу ном билан аталадиган янги ташкилотни... (Асарлар, 9-том, 197-бет) тузишни таклиф этди. Натижада 2000 йил апрелда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

ташкilotининг 2001 й. 1 октябрча 14 та вилоят, 211 та туман, шаҳар бўлимлари ва 13 минглан ортиқ бошланғич ташкilotи ташкilot этилди. Аъзолари сони 2.6 млн нафардан ошди (Туркмстон. 2001й. 22 сентябрь).

3. Хотин-қизлар ташкilotлари. Мамлакатими аҳолисининг 52% дан ортигини хотин-қизлар ташкilot қилади. Мустақиллик йилларида Республикамиз хотин-қизларининг 1) тунги сменаларда ишлашдан халос этиш; 2) эртароқ пенсияга чиқариш; 3) соғлигини мустаҳкамлаш бўйича анча ишларни олиб борди.

Умуман, хотин-қизлар ташкilotларининг асосий мақсади хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни жамоат ишларига сафарбар қилиш ва шу асосда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолликларини ошириб боришдан ҳам иборатдир. 1945 йилда «Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси» ташкilotига асос солинди...

4. Диний ташкilotлар – диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси. Жамият сиёсий ҳаётида бошқа жамоат ташкilotлари билан бир қаторда диний ташкilotлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Дунёдаги мусулмон мамлакатларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) ислом мамлакатлари; 2) ислом давлат дини мамлакатлари; 3) ҳуқуқий демократик мусулмон давлатлари (дин давлатдан ажратилган, Ўзбекистон ана шу давлат турига киради). 2002 й.га келиб республикамизда 15 та диний конфессияга мансуб 1900 тадан зиёд диний ташкilotлар фаолият кўрсатмоқда. Бухородаги Мирараб мадрасаси, Ислон университет, Тошкентда олий маъҳад, 14 та мадраса, 400га яқин диний мусулмон ўқув муассасалари ва бошқа динларга тегишли 19 ўқув юртлари муассасаларида 4200 дан ортиқ ёшлар дин асосларини, дунёвий билимларни ўрганмоқда<sup>1</sup>.

Оммавий жамоат ташкilotлари. Жамият сиёсий тизимида ижтимоий ташкilotлар билан бир қаторда оммавий жамоат ташкilotлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Оммавий жамоат ташкilotлари ижтимоий сиёсий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар барча мамлакатларда амал қилади. Аввала демократик жамиятни барпо этишда БМТ ҳужжати (меморандуми)да кўрсатилганидек 3 та (соҳа) секторнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳмият касб этади. Булар: 1) давлат; 2) бозор (иқтисодиёти); 3) жамоат ташкilotлари. Учинчи сектор ҳақида гап кетганда улар таркибига: касаба уюшмалари (аввало буни ижтимоий ташкilotларнинг асоси сифатида ҳам қаралади), жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассоциациялар, клублар, академик институтлар ва бошқалар киради.

Учинчи сектор субъектлари турли мамлакатларда турлича номланади. Масалан, Буюк Британияда хайрия муассасалари, А+Шда ноҳукумат ёки нотижорат ташкilotлари, айрим мамлакатларда эса улар кўнгилли жамиятлар деб юритилади. Лекин кўпинча мутахассислар, олимлар ўртасида ҳам ноҳукумат, нодавлат атамаларига шубҳа билан қараш мумкин. Бу ҳақда БМТ тизимининг маълумотномасида шунлай дейилади: «Ноҳукумат ташкilotлари атамаси унга қарама-қарши бўлган давлат ташкilotлари атамасининг айни тесқари маъносига эга. БМТ тизимида ҳукумат ташкilotлари давлатлараро битимлар асосида юзага келиб, унга аъзо бўлган ҳукуматлардан ташкilot топади. Нодавлат ташкilotлари эса давлатлараро битимлар асосида тузилмайди ва унга кирувчи ҳукуматлардан иборат эмас. Нодавлат ташкilotлари миллий ва халқаро, умумий ва юқори ихтисослашган бўлиб, унга БМТ таркибига кирувчи тузилмалар билан маслаҳат ҳамда оператив ваколатлар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш мумкин». Жамоат ташкilotлари тузиш ва фаолият принциплари: 1) ихтиёрийлик; 2) тенг ҳуқуқлилик; 3) ўзини-ўзи бошқариш; 4) ошқоралик; 5) қонунийликка асосланади. Жамоат ташкilotларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Кўнгиллилик – уларнинг мутлақо ихтиёрий асосда тузилганлиги. Унда аъзоликнинг ва фаолият кўрсатишнинг ҳар бир фуқаронинг хохиши ҳамда розилиги билан амалга оширилади.

2. Мустақиллик – мавжуд қонунлар ва ўз низом қоидаларига кўра фаолият кўрсатиш. Бирор бир ўзга ташкilotнинг қонунсиз аралашувидан холи бўлиш<sup>1</sup>.

3. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш. Низом мақсадларини амалга ошириш учун қонунчилик талабларига мувофиқ тадбиркорлик, ишлаб чиқариш – хўжалик ва бошқа ман қилинмаган фаолият билан шуғулланиш.

4. Ўз номидан келиб чиқиб, жамоатчилик, яъни кўпчилик учун хизмат қилиш. Ўзига тегишли маълум қатлам ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

2002 й.га келиб мамлакатимизда республика ва халқаро аҳамиятга молик 220 дан ошди жамоат ташкilotлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан 4 та сиёсий партия, 2 та ҳаракат, 46 та жамият, 5 та қўмита, 24 та ассоциация, 18 та тармоқ касаба уюшмалари, 25 та жамғарма, 15 та уюшма, 32 та федерация, 31 та бошқа ташкilotлар мавжуд. Шунингдек, ресаубликамизда ҳисоб

рўйхатига олинган 1500 та вилоят, 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг жамоат ташкилотлари ҳам бор (Маърифат. 1998й. 14 ноябрь). Ўзбекистонда 1286 та жамоат бирлашмаларидан 292 таси рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг XIII бобида, «фуқаролик кодексининг» 73-75 моддаларида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг асослари ҳақида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996)ги қонунларда ноҳуқумат ташкилотларининг фаолиятини таъминлашга қаратилган қоида ва меъёрлар ўз аксини топган бўлса, президент қарорларида ва ВМнинг қарорларида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёзли солиқ тўловларини белгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш шарт-шароитлари яратиб берилмоқда. 1992 й. Олий Кенгаш XI сессиясида президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради» (Асарлар, 1-том, 126-бет).

Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон XX1 асрга интилоқда» асарида «Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бормоқда,-деган эди. Сўнгги 5 йил ичида жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 1500тага кўпайиб, бугун (1999) уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда» (Асарлар, 7-том, 384-бет).

Мамлакатимизда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган ва кўнгилли, ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Ўзбекистондаги барча нодавлат ва жамоат бирлашмаларини 8 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Аҳоли муайян йирик тоифаларнинг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳуқуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бу ташкилотлар жумласига:

- 1) «Маҳалла» жамғармаси.
- 2) ЎЗР хотин-қизлар қўмитаси.
- 3) Ногиронлар уюшмаси.
- 4) «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати.
- 5) «Нуронийлар» фахзийлар жамғармаси

қиради.

2. Ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар:

- 1) «Эқосан»
- 2) «Соғлом авлод учун» жамғармаси.
- 3) «Умид» жамғармаси.
- 4) Амир Темур маданий-тарихий жамғарма.
- 5) Матбуотни демократлаштириш ва журналларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси.
- 6) Оролни қутқариш жамғармаси.
- 7) Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани.

3. Ҳуқуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар:

- 1) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси.
- 2) Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази.
- 3) Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти.

4. Ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари, бунда:

- 1) Ёзувчилар
- 2) Артистлар
- 3) Рассомлар
- 4) Бастакорлар
- 5) Архитекторлар

- 6) Киноматографчилар
- 7) Судьялар
- 8) Адвокатлар

жамоат ташкилотлари киради.

5. Миллий маданият марказлари (100дан зиёд): Ўзбекистонда яшовчи миллий (озодликни ташкил этувчи) жамоат вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирган.

6. Умумий хайрия жамиятлари, жамғармалари:

- 1) Болалар жамғармалари.
- 2) Болалар уйи тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари.
- 3) Республика талабалар жамғармаси.

7. Ижтимоий аҳамиятли ва ижодий изланишлар билан боғлиқ, асосан экологик масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар:

- 1) Сайёҳлик ва бадиий ҳаваскорлик клублари.
- 2) Ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари.

8. Жамоат муассасалари:

- 1) «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази.
- 2) Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази.
- 3) «Сабр» ишонч маркази – Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи каби ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий муассасалар.

Шунингдек, жамоат ташкилотларига дунёдаги бир қатор:

- 1) «Халқаро қизил салб ва қизил ярим ой ташкилоти.
- 2) «Чет мамлакатлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти».
- 3) Ёзувчилар, театр ходимлари, рассомлар, журналистлар уюшмалари.
- 4) Маҳалла кенгашлари ҳам киради.

#### Таянч тушунчалар

«Партия» сўзининг ўзи латинча «парз» - қисм, бўлак сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади. Сиёсий партия – ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ва Ўзбекистон фаолиятида ифода этувчи ва давлат органлари фаолиятида иштирок этишни ўзига мақсад қилиб қўувчи маслақдошларнинг уюшган гуруҳидир. Сиёсий партияларнинг классификацияси – турлари, хилма-хиллиги, хусусан, бир, икки ва кўппартиявийлик тизимидир. Сиёсий партияларнинг функциялари – ҳокимият учун кураш, фуқаролар сиёсий фаоллигини юзага келтириш, ғоявий тарбия. Партиявий тизим – жамият ичида сиёсий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Бир партиявийлик – сиёсий партия гегемон мафкура воситасига айланиши, давлатда диктатура ўрнатилишига олиб келадиган жараён. Кўппартиявийлик – умуммақсад йўлида фаолият юритиб, ижтимоий гуруҳ, қатламларни уюштириш олиб, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш сиёсий воситаси. «Фидокорлар» МДПсининг мақсади – фуқаролар фаоллигини ошириш ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш. ХДПнинг мақсади – ижтимоий адолат, мамлакат тараққиёти ва маънавий янгиланишни таъминлаш. «Адолат» СДПсининг мақсади – ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий адолатни ўрнатиш. «Миллий тикланиш» партиясининг мақсади – давлатнинг умуминсоний қадриятлар асосида миллий тикланиши. Сиёсий партия фракцияси – Олий Мажлис фракциялари сиёсий

партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга уларга мансублигини қараб уюшган депутатларлар бирлашмасидар. Сиёсий ҳаракатлар – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларда маълум бир мақсад йўлида уюшган ҳаракатларидар. Консерватив – халқ озодлиги ва прогрессив ғояларига қарши чиқувчи оқим. Реформистик ҳаракат – фароғат жамиятига ислохотлар йўли билан олиб оришни қўллаб-қувватловчи оқимдир<sup>1</sup>. Терроризм – жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят, конституцион тузум асосларига ва давлат хавфсизлигига қарши қаратилган, давлат ёки жамоат арбоблари ҳаётига суиқасд қилиш билан боғлиқ бўлган ёвузлик жинояти. Ноҳукумат ташкилотлар – унга қарама-қарши бўлган давлат ташкилотлари атамасининг айни тескари маъносидир. Нодавлат ташкилотлари – давлатлараро битимлар асосида тузилмайдиган ва унга кирувчи ҳукуматлардан иборат бўлмаган ташкилот. Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принципларини, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи, ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. «Тўртинчи ҳокимият» - бу оммавий ахборот воситалари бўлиб, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларидан кейин турувчи «ҳокимият»дир.

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Кишилар қандай мақсадларда сиёсий партияларга ва ҳаракатларга уюшадилар?
2. Кўппартиявийликнинг мавжудлиги мамлакатда демократия ривожланишига қандай ижобий таъсир ўтказади?
3. Давлат конституцияси ва қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қандай партиялар тузилиши таъқиқланган?
4. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни изоҳлаб беринг?
5. Сиёсий партиялар классификациясида қандай партиялар турлари мавжуд?
6. +айси партия Ўзбекистон президентлигига И.Каримовни кўрсатди ва қанча овоз ёки % овоз олди?
7. Ўзбекистондаги ХДП ва «Фидокорлар» МДПсининг мақсад ва вазифаларини баён этинг?
8. Сиёсий партия фракцияси деганда сиз нимани назарда тутасиз?
9. Сиёсий ҳаракатлар ҳақида нимани биласиз ва уни изоҳланг?
10. Жамоат бирлашмаларининг давлат органларидан асосий фарқларини баён этинг.
11. Ўзбекистон Республикасида мавжуд жамоат бирлашмалари турлари номларини сананг ва изоҳлаб беринг.
12. Жамоат бирлашмалари қайси принципларда тузилади ва фаолият кўрсатади?
13. Давлат ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро алоқалари қай тарзда амалга оширилади?
14. Ўзбекистонда қандай партиялар ва жамоат бирлашмалари ташкил этиш тақиқланган?
15. Сўз ва матбуот эркинлиги қай тарзда жамията салбий таъсир этиши мумкин?
16. +андай ахборот воситаларини мустақил деб ҳисоблаш мумкин?
17. Ижтимоий ташкилотлар билан оммавий ташкилотлар бир-бирларидан қандай фарқ қилади ва уларни изоҳлаб беринг?
18. «Сиёсий партиялар» тўғрисидаги қонунга кўра қандай ҳолларда сиёсий партияларни тузиш мумкин?
19. Нима сабабдан ЎзР ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ёшлар ижтимоий ҳаракатига ўзгартирилди?

---

<sup>1</sup> 1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ыз =ылимиз билан =ураимиз. Т.7 –Т.: Ўзбекистон, 1999, 391-бет.

20. Ўзбекистонда қандай диний ташкилотлар бор ва уларнинг бугунги фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 15-17, 19-24 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Т.: Ўзбекистон, 1999, 36-85, 104-133, 227-239 бетлар.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2 –Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-28 бетлар.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 –Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-54 бетлар.
5. Каримов И.А. хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 –Т.:Ўзбекистон , 1998, 31-261 бетлар.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамаиз. Т.7 –Т.:Ўзбекистон, 1999, 84-102, 109-132, 170-404 бетлар.
7. Каримов И.А. Озод ва ободВатан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мпқсадимиз. Т.8 –Т.: Ўзбекистон, 2000, 3-17, 330-351, 462-464, 489-508 бетлар.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 –Т.:Ўзбекистон, 2001, 3-45, 133-150, 186-219, 270 бетлар.
9. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 91-96 бетлар.
10. Шарипов «Сиёсатшунослик». Т.:Ўзбекистон, 1992, 247-294 бетлар.
11. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Т.: «Адолат».
12. Отамурадов С., Эргашев И., Ақромов Ш., +одиров А. Политология. Т.: Ўзбекистон, 1999, 73-84 бетлар.
13. Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Т.: УзМУ, 2000, 23-29 бетлар.
14. Политология. Маърузалар матни. Т.:ЎАЖБНТ, 2000, 92-101 бетлар.
15. Машарипов О., Хошимов Т., Рафиқов /. Политология. Т.:ТошДИУ, 2000, 58-70 бетлар.
16. Конституцион ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001.
17. Юридик энциклонеция. Т.: «Шарк»,
18. Жамия ва бошқарув.// 2007 йил, 1-сон 9-10 бетлар

## **6-МАВЗУ. СИЁСІЙ ОНГ.**

### **РЕЖА.**

- 1.Сиёсий онг : мохияти ва мазмуни.**
- 2.Жамият сиёсий онгининг роли ва унинг юксалтириш муаммолари.**
- 3.Сиёсий онгнинг шаклланиш омиллари. Сиёсий қарашлар сиёсий онгнинг баҳолаш омили.**
- 4.Сиёсий онгга оммвий ахборот воситаларининг таъсири.**

**1.Сиёсий онг : мохияти ва мазмуни.** Сиёсий онг нима? У қандай функцияларни бажаради? Сиёсий онг-сиёсий фан категорияларидан бири ҳисобланади. У ўзининг мохияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний онгдан фарқ қилади.

Сиёсий онг-сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқеилик билан қаноатлантириб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеиликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади. Сиёсий онг - бу кишиларнинг сиёсий билимлар, тасаввурлар, масликлар, эътиқотлар ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндисидан иборатдир.

Сиёсий онг - сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеиликни қандай бўлса, шундай, ҳолисона тарзда, бўямасдан, бўрттирмасдан, мутлақлаштирмасдан акс эттиради. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеиликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс эттирмайди. У сиёсий воқеиликнинг сир-асрорига «кириб» боровчи, ундан илгарилаб кетувчи, ижтимоий сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини башорат қилувчи акс этишдир. Сиёсий онг - жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган ижтимоий ходисалардир. Бундан ташқари, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий-сиёсий бирлашмаларининг ҳам ҳуқ-атвори ва фаолиятларини характери кўп жихатдан сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиш даражаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида, ҳам жамиятнинг, ҳам уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Бу ўринда ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий мувозанатни сақлаб туришга имкон берадиган, давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини тўла ифода этадиган сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга интилишлари зарур бўлади.

Сиёсий онг кўпинча сиёсий тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади. Сиёсат дунёси маънавий соҳасининг ўзи тасаввурлардан ташкил топади. Онгсиз, тасаввурларсиз кишилиқ жамияти бўлмаганидек, сиёсий онгсиз, тасаввурларсиз ҳеч қандай сиёсий соҳанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сиёсий онг - бу гуруҳий характерга эга бўлган онгдир. Ҳар бир киши маълум ижтимоий гуруҳ, табақанинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Мана шу мансублик кишилар сиёсий онгининг мазмунини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий онг кишилар томонидан ўзларининг бирон-бир гуруҳига мансуб эканликларини англаш асосида шаклланади. Гуруҳга мансублик эса ўз навбатида кишиларда муайян сиёсий позицияга эгалик ҳиссини туғдиради.

Сиёсий онг нафақат гуруҳий, балки индивидуал характерга ҳам эгадир. У аниқ тарихий шарт-шароитининг, муайян омиллар таъсирининг махсулидир.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига қуйидаги манбаалар асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи манба - инсоннинг оилавий муҳитидир. Сиёсий ғоялар ва ҳиссиётлар унга оиладаги тарбия орқали берилади. Бунга тўғри келувчи ижтимоий-руҳий қарашлар - сиёсий онгнинг пойдеворини барпо этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади.

Иккинчи манба - бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсонга ҳам муомала орқали, ҳам оммавий ахборот воситалари (телевидения, радио, матбуот) орқали «кириб» боради.

Учинчи манба - бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Бу шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди. Бироқ у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муҳим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дунёсини таҳлил этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишга имкон берувчи билимларнинг йиғиндисини ташкил этади. Бунда оилада олинган билимлар турли авлодлар томонидан тўпланган тажриба сифатида ҳам бўлиши мумкин, аммо шу билан бирга хурофотлар материали ҳам бўлиши мумкин. Ахборот ҳақиқий ҳам, ёки ёлғон ҳам бўлиши мумкин. Инсоннинг ҳаётий тажрибаси ҳам унинг бошидан кечирилган бойлиги бўлатуриб типик бўла олмаслиги ва сиёсий воқеликни акс эттира олмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг ўзи бу омилларни кўпроқ ёки озроқ даражада равшан бўлган ва маънавий жихатдан тузилган сиёсий тизим ўзгартиради. Кўп кишиларда бу жараён стихияли тарзда, тасодифан ва мавҳум равишда содир бўлади. Бундан ташқари кўп кишилар уларга ўргатган, ёки бошқа ташқи манбалардан бўлган сиёсий мўлжалга қаратилган фикр мулохазаларни қайтаришга мойил бўладилар.

Кишиларнинг сиёсий муаммоларни англаши, сиёсат дунёси ҳақидаги тасаввурлари, қизиқишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, оғир аҳволда қолган корхона ишчиси ишдан бўшатишни кўзда тутмайдиган қарорларини - вазиятни тўғрилаш бўйича яхши қарорлардир, деб ҳисоблайди. Бошқараётган партиянинг фаоли, агар ҳокимиятга муҳолифат келса, мамлакатда иқтисодий вазият ёмонлашади, деб ўйлайди. Агар бирор сиёсий арбоб коррупцияда айбланса, уни ўзининг сиёсий мавқеига боғланган ҳолда айбдор, деб ҳисоблайди.

Демак. Воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилиниши кишиларнинг аввалги эътиқотлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг якка ҳолда эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимотлар, ҳуқуқий назариялар ва меъёрлар, ахлоқий қонуниятлар, эстетик кадриятлар билан ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилади.

Кўп сиёсий таълимотлар ва кадриятлар сиёсий онгнинг махсули бўлатуриб, ҳозирги жамиятда ғоявий аҳамиятга эгадир. Улар фақат кишиларнинг сиёсий маданиятини такомиллаштириш учунгина эмас, балки инсониятнинг маънавий, маърифий, маданий тараққиёти учун ҳам жуда муҳимдир.

Шу билан бирга, айрим давлатлар ва улардаги бирлашмалар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, партияларнинг сиёсий фаолияти жараёнида сиёсий онгнинг у ёки бу позицияси тўғри келмай қолиши муросасизликка ўсиб ўтмаслиги, унинг тинч, маданий характерда бўлиши ўта муҳимдир.

Энди сиёсий онгнинг функциларини кўриб чиқамиз. У ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради.

Билиш-ахборот бериш. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳлайдими ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсида дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни ҳоҳламасаларда сиёсат улар билан барибир «шуғулланади» У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида «кириб» боради.

Ҳозирги ҳаётнинг механизмлари шундайки, кишилар доим бирор йўлни, шу жумладан сиёсий йўлни танлаб олишга мажбурдирлар. Бу уларни сиёсат дунёсини билишга, сиёсий ахборотларни эгаллашга ундайди.

Сиёсий онг бу томондан қараганда кишиларга сиёсий билимлар ва ахборотларни ўзлаштиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнини белгилашга ва унда тўғри мўлжални олишга ёрдам беришга чақирилгандир.

2. Баҳолаш Сиёсий онг социал - сиёсий воқеликни нафақат билади, изоҳлайди, балки уни баҳолайди. Кишилар у ёки бу сиёсий ходисалар ва воқеаларни англаш жараёнида, уларга ўз муносабатларини билдирадилар, ўзлари учун муайян хулосаларни чиқарадилар. Айнан сиёсий воқеликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини, эътиқотларини, позицияларини, қизиқишларини шакллантирадилар.

3. Йўналтириш Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян ҳуқуқлар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эканликларини англашга ёрдам беради. Ўз навбатида фуқаролик ўзини-ўзи идрок этиш кишиларни социал воқеликни бўш, бир томонлама англашдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга ундайди. Бу билан сиёсий онг ўзининг Йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларнинг аниқ сиёсий хулқ-атворини, ўзларининг социал сиёсий

манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотлари ва бошқа сиёсий уюшмаларга ўзларининг ҳам фикрлари билан бирлашишлари зарурлигини уйғотади.

4. Тартибга солиш Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида, ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқотлар негизида кишиларнинг ижтимоий ҳуқ-атворларини тартибга солади.

Сиёсий онгнинг тартибга солиш функциясига эҳтиёж жамият тараққиётининг кескин бурилиш босқичларида, инқирози даврларида мислсиз ортади. Айнан сиёсий тизимнинг самарадорлиги, воқеаларнинг ривожланиш йўли, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг йўналтирилганлиги жамият кенг қатламларининг сиёсий онгига, «юқоридагилар» нинг сиёсий кўрсатмаларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсат онг - социал субъектлар (индивидлар, гуруҳлар, синфлар, ижтимоий бирликлар) нинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳақидаги билимлари, тасаввурлари ва баҳолашларининг йиғиндисидан иборатдир. У бир қатор функцияларни билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият ҳаётида муҳим рол ўйнайди, уни ҳаракатга келтиради, ўзгартиради.

Сиёсий онг - бу ғавкулотда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У турли - туман даражалар ва шаклларда, аввало, махсус ва оммавий сиёсий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Махсус сиёсий онг - бу қоида бўйича, мафкуравий жихатдан бир хил бўлган онгдир. Дастлаб у кам сонли кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг ташувчилари - сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар ва бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш бўйича оммавий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият зарурлигини белгилайди.

Махсус сиёсий онгни бош масала - ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг оддий вакиллари онгини муайян кўрсатмаларни, қоидаларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва жорий этишдир.

Оммавий сиёсий онг жамият эҳтиёжларининг даражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий воқелик ҳақидаги жамият билимларининг характери ҳам акс эттирилади. Бундай билимлар, бир томондан, турли мафкуралар томонидан ишлаб чиқилади ва сиёсий маданиятда мустаҳкамланади. Иккинчи томондан эса ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фаолияти томонидан кўзга киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгарувчан характерга эгадир. У тез-тез кўтарилиш ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечирилади. Унда кўплаб омиллар: у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-стратегик фаолияти, турли ижтимоий алғов-далғовлар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқалар таъсир ўтказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг ўзаро чамбарчас боғлангандир. Реал ҳаётда улар ўртасидаги алоқаларнинг турли вариантлари бўлиши мумкин.

Айрим вақтларда муайян сиёсий партия томонидан назарий ва амалий воз кечилган ва бартараф этилган қоидалар, урф-одатлар жамиятнинг сиёсий онгида узоқ вақтгача асорат сифатида сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолни кўплаб сиёсий арбоблар, донишмандлар таъкидлаган эдилар.

Тескари вазият ҳам бўлиши мумкин: оммавий сиёсий онгда у ёки бу сиёсий ҳаракатнинг, қандайдир сиёсий қаторни қабул қилишнинг зарурлиги эътироф этилади, махсус онг эса бунга тайёр эмас. Масалан, мамлакатда кўп партиявийликнинг зарурлиги ҳақидаги ғоя жамиятда олдиндан ўз тасдиғини топган бўлса ҳам, керак бўлган ташаббус ҳукмрон партия, давлат томонидан анча кечикиб қилиниши мумкин.

Ўз-ўзидан яққол кўриниб турибдики, жамиятнинг конструктив ва барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун махсус ва оммавий сиёсий онгнинг ўзаро ҳаракати жуда муҳимдир. Уларнинг кишилар ва жамиятнинг, уни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳларнинг ички дунёсидаги, кайфиятидаги ўзгартиришларга биргаликдаги аниқ ва ўз вақтидаги реакцияси, жавоби бундан ҳам муҳимроқдир.

Сиёсий онг назарий ва эмперик даража ва шаклларга ажралади:

Назарий сиёсий онг - бу сиёсий характерга эга бўлган турли турдаги ғоялар, концепциялар, қарашлардир. Унинг белгилари:

- яхлитлик;
- системалашганлик;
- башорат қилишга қобилятлилик.

Мазкур онг фан ва у ёки бу ижтимоий қатламларнинг қарашлари билан чамбарчас боғлангандир.

Сиёсий назариялар ва таълимотларда қуйидаги муаммоларни тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилади:

- а) сиёсатнинг маъно-мазмунли кўринишлари;
- б) қонуний сиёсий тенденциялар ва жараёнлар.
- В) уларни келтириб чиқарадиган сабаблар;
- г) сиёсий позициянинг реал йўли;
- д) қонунчилик, маъмурий ва суд органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳақиқий ва келажакда содир бўладиган оқибатлари.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти - унинг иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакли сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Амалиётда жорий этиладиган ушбу дастурлар, декларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустахкамланиб қўядилар. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий институтлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг характери ўз навбатида бу элементга боғлиқдир.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни англаш қуйидагиларни:

- а) унинг муҳим мақсадлари ва ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни қўйиш ва ҳал этишга;
- б) уларга эришишнинг воситалари ва усуллари аниқлашга;
- в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишнинг йўналишлари ва йўллари аниқлаб олишга;
- г) сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан социал назоратга концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишга;
- д) амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар киритишга имкон беради.

Эмперик сиёсий онг - бу бевосита амалиётга, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг жонли иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмперик сиёсий онг - сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У биринчидан, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади;

Иккинчидан, жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг «ижтимоий сиёсий онг» ва оддий (кундалик) онг даража ва шаклига ҳам ажралади.

Ижтимоий сиёсий онг - бу расмий сиёсат ишлаб чиқариладиган асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари-давлат институтларидир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли қонун лойиҳалари, дастурлар, қарорлар, конституциялар ва уларнинг моддаларига тузатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ҳаётда тадбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Бу онг даражасининг энг муҳим белгиси - турли сиёсий кучларнинг умумий манфаатларини ифода этишга интилишидир. Бу даражада мавжуд сиёсий тартиблар ва бошқариш принциплари изчиллик, қатъиятчилик билан ҳимоя қилинади, жамоатчилик фикрининг давлат институтлари олиб бораётган сиёсатга мослаштирилиши содир бўлади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона - прагматик услубда идрок этиш - ҳокимиятни эгаллаш, қўлда ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерли хусусиятидир.

Оддий сиёсий онг - бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларининг кундалик ҳаётидан бевосита пайдо бўладиган ғоялар ва қарашлар ёйиндисидир. У мазмунига кўра кўп жиҳатдан эмперик онгга ўхшашдир. Лекин, оддий онг эмперик онгдан фарқ қилади. У муайян мафкуравий ва назарий элементларга эгадир.

Оддий онгга равшан кўзга ташланадиган социал-рухий белгилари: зиддиятчилик, ўзгарувчанлик, тизимга кирмаганлик, ҳиссиёт, кайфият, эхтирослар ҳосдир. Бу унга ўзига хос динамикилик (тез ўзгарувчанлик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ хис этишни бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик ва эмоционалликнинг, жонли ҳаёт тажрибаси ва анъаналарининг, дақиқалик кайфият ва барқарор стереотипларнинг ўзаро

боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у беқарор, хиссиёт ва бевосита тажриданнинг ўзгаришга боғлиқ тебранишларга маҳкум этилгандир.

Шундай қилиб, сиёсий онг ғавқулотда мураккаб ва кўп қиррали ходисадир. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни ижод қилади, ўзгартиради.

### **3.Сиёсий онгнинг шаклланиш омиллари. Сиёсий қарашлар сиёсий онгнинг баҳолаш омили.**

Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмас экан, инсонда сиёсий онг шаклланимайди. У сиёсатнинг объектлигича қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши - мураккаб жараёндир. Бу жараён аввало, ижтимоий-сиёсий тартиботнинг мавжудлигига боғлиқдир. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустахкамланиб бориlmаса инсонда сиёсий онг шаклланимайди. Жамиятда мавжуд бўлган авторитар, маъмурий-буйруқбозлик сиёсий тизими эса инсон сиёсий онгнинг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча, бу тизим инсонни қулликка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, бақиклик, бефарқликни туғдиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоклаштиради.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустахкамланиб бориши - инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи шартидир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон шунчалик сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланиб қолмайди. У жамият иқтисодиётининг тараққий этиб бориши даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик хизматининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Нтишмовчилик, қашшоқлик шароитида демократия негизида самарали бошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касб тайёргарлигининг юқори даражасига оммавий микёсда эришиш қийин. Бундай шароитда кадрларни шакллантиришда, улардан фойдаланишда билимдонлик ва касбга бўлган талаблар бошқа тамойиллар: қон-қардошлик, юртдошлик, ошно-оғайнигарчилик, бошлиққа содиқлик ва бошқалар билан алмаштирилади. Давлат хизмати, сиёсий фаолиятга тезда бой бўлиб кетиш мақсадида шахсий манфаатларини қондиришнинг воситаси сифатида қараш бошқариш тизими учун оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонлигига эришуви - сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, у идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик очик бўлади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сабаби, маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция-фирибгарликнинг объекти бўлиб қолаверади. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият англаган халқаро сиёсатдан ташқарида бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон ва сиёсий йўналтирилган бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, ҳатти-ҳаракатларга мойил бўлади. Хусусан, мукаммал таълим инсоннинг сиёсий дунёқарабини кенгайтиради, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишга ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқадор бўлишдан сақлайди, сайлов компаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлни танлаш қобилиятини оширади. Юқори маълумотга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий хабарларни чуқур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса-да унинг сиёсий баҳс-мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурват эмас, балки ҳукуматга таъсир кўрсатишга қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар ё инсон сиёсий

фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсат субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради ёки бу жараёнларни қийинлаштиради ва эски сиёсий тизим негизини сақлаб қолади.

#### **4.Сиёсий онгга оммавий ахбарот воситаларининг таъсири.**

Ахбарот тушунаси бугуеги кунда глобал мохият касб этмокда. Уинсон тафаккурига турли томондан таъсир утказувчи, яхлит инсрн ҳаётини ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи гоҳ салбий, гоҳ ижобий мохият касб этувчи қудратли воситага айланди.Жамоатчилик фикрини шаллантврш, уни ижтимоий ва сиёсий жараёнлрда фаол иштирокини таъминлашда омавий ахбарот воситаларидан фойдаланиш зарур.

Демкратия муҳим сиёсий азму қарорлар қабул қилинишида фуқороларнинг фаол ва онгли қатнашувини такозо этади, бундай фаол қатнашув факат Суз эркинлиги орқали амлга ошиши мумкин. Онгли ва тугри қарорлар факат Кузи очик, хама нарсадан хабардор, ҳаққаний маълумотларга эга булган фуқоролар томонидан қабул қилинади. Айнан эркин оммавий ахбарот воситалари фуқороларга ҳокимиятдаги узлари сайлаган ваакилларида хисоб сураш имконини яратади, ҳокимиятнинг ҳаракатларини шаффофлаштиради, суистеъмолчиликнинг олдини олади.Ижтимоий тараққиёт қарама-қаршилиқлар ва қелишмовчиликларсиз булмайди, аммо айнан Суз эркинлиги, барқарорлик ва ислохотлар уртасидаги мувозанат механизми уларок, муаммоларни, қарама-қаршилиқларни жамоат тартибини вайрон этишгача олиб бормасдан ҳал этиш имконини яратади.

Оммавий ахбарот воситаларининг «ҳаққий фаотияти» ва уорқали Суз эркинлигининг мавжудлиги шахс ижодқорлиги намоён булишига,инсон қобилиятларнинг очилиши ва ривожланишига шароит яратади.Уз фикрини очик айтиш, узлигини намоён этиш шароитларисиз шахс узининг жамият олдидаги вазифаларини тулик адо эта олмайди.Айнин узлигини таниш индивидни шахсга айлантиради.»Эл нетиб топқай мениким мен узимни топмасам.. » деган Мир Алишер Навоий.

Жамиятда оммавий ахбарот воситаларининг эркин фаолият юритиши барча учун , шужумладан ҳокимият учун ҳам ҳалосқордир. Чунки ҳокимият, ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳаммани бошқара олмайди, айнан оммавийахбарот воситалари – улар воситасида – Суз эркинлиги ва ҳаққоний демократия ҳар бир инсонда уз-узини идора қила олиш қобилиятини ривожлантиради ҳамда ҳокимиятнинг юқини енгиллаштиради.

#### **Таянч тушунчалари**

Сиёсий онг - сиёсий борлиқнинг идрок қилиниши, субъектив акс этиши, гуруҳ ҳарактерига эга бўлган онг. Сиёсий онгнинг функциялари - билиш, ахборот бериш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш. Сиёсий онг даражалари ва шакллари - махсус, оммавий, назарий, эмперик, ижтимоий, оддий сиёсий онг. Махсус сиёсий онг - мафқуравий жиҳатдан бир хил бўлган онг. Оммавий сиёсий онг - жамият эҳтиёж даражаси, мазмунини бевосита ифода этади. Назарий сиёсий онг- сиёсий ҳарактердаги турли ғоя, қарашлар. Эмпирик сиёсий онг - бевосита амалиётдаги сиёсий жараёнда алоҳида қишилар, майда ва йирик социал бирликларнинг жонли иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси, шакли. Ижтимоий сиёсий онг - расмий сиёсат ишлаб чиқариладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг даражаси. Оддий сиёсий онг - бу ижтимоий қатлам ёки қишилар гуруҳининг қундалиқ ҳаётдан бевосита пайдо бўладиган ғоялар, қарашлар йиғиндиси. Сиёсий онг шаклланишининг омиллари - демократик сиёсий тизим, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт даражасига, фаровон турмуш шароитида, маънавий-маърифий ривожланишга боғлиқ.

#### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

Сиёсий онг қандай функцияларни бажаради?

Сиёсий онгнинг субъектив, сиёсий воқелигини баён этинг.

Сиёсий онгнинг гуруҳ, индивидуал ҳарактерларини изохланг.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қандай манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади?

Сиёсий онгнинг функцияларини баён этиб беринг.

Сиёсий онг даражалари ва шакллари муфассал ёритинг.

Сиёсий назариялар ва таълимотлар қандай муаммоларни тадқиқ этади?

Эмпирик ва ижтимоий сиёсий онг даражаларини сиз қандай тушунасиз?

Сиёсий онгнинг шаклланиши қандай жараёнларга боғлиқ бўлади?  
 Бугунги кунда нима учун сиёсий онгнинг шаклланиш жараёнига эътибор берилмоқда, унинг сабабларини сиз қандай тушунасиз?  
 Президент Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деганларида нималарни назарда тутган эди?  
 Ислом Каримовнинг «Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман» («Фидокор», 2000 йил 8 июнь) деганларида қандай ғояни илгари сурди?  
 Сиёсий онг мазмунига кўра қанақа турларга бўлинади? Бу турлар қандай омиллар билан белгиланади? Жавобингизни асослаб беринг.  
 Янги сиёсий онгнинг шаклланиш жараёнида сиёсий билимларнинг ўрни ва ролини сиз қандай тушунасиз ва уни изохлаб беринг.

#### АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т,: «Ўзбекистон», 2001, 10-12-бетлар.  
 Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 -Т,: «Ўзбекистон», 1996, 36-85, 274-359-бетлар.  
 Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т, 2. -Т,: Ўзбекистон, 1996, 249-264, 314-318, 374-бетлар.  
 Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т, 3 -Т,: Ўзбекистон, 1996, 1-54, 160, 175-бетлар.  
 Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т, 4 -Т,: Ўзбекистон, 1996, 39-55, 85, 298-бетлар.  
 Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т, 5 -Т,: Ўзбекистон, 1997, 104-131, 145, 207-217, 360-бетлар.  
 Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т, 6 -Т,: Ўзбекистон, 1998, 5-18, 25, 31, 268, 324-бетлар.  
 Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т, 7 -Т,: Ўзбекистон, 1999, 84, 132-154, 370-бетлар.  
 Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т, 8 -Т,: Ўзбекистон, 2000, 18, 330-351, 462-474, 489-508-бетлар.  
 Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т, 9 -Т,: Ўзбекистон, 2001, 186-224-бетлар.  
 Политология асослари. Т,: «Университет», 1992, 131-137-бетлар.  
 Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Т,: «Ўзбекистон», 1992, 295-314-бетлар.  
 Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Т,: «Адолат», 1997, 199-208-бетлар.  
 Отамуродов С. Эргашев И. Ақромов Ш. +одиров А. Политология. Т,: «Ўзбекистон», 1999, 145-164-бетлар.  
 Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Т,: ЎЗМУ, 2000, 39-41-бетлар.  
 Политология. Маърузалар матни. Т,: ЎЗРОЎМТВ, 2000, 212-136-бетлар.  
 Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т,: «Ўзбекистон», 2001, 166-231-бетлар.

### 7-МАВЗУ. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ,

#### РЕЖА.

#### 1.СИЁСИЙ МАДАНИЯТ МОХИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.

#### 2.СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТИПЛАРИ.

#### 3.ФУКОРОЛИК СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ. ШАХСНИНГ СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ.

#### 1.СИЁСИЙ МАДАНИЯТ МОХИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.

Сиёсий маданият ижтимоий воқелик сифатида синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Шу билан бирга сиёсий ҳаёт маданияти синфларнинг юзага келишидан аввал қадимги Шарқда антик Греция ва Римда шаклланган. Сиёсат, давлат, сиёсий ҳуққ-атвор, сиёсий ҳаётни бошқариш санъати ҳақидаги билимларнинг пайдо бўлиши ва улардан жамият ҳаёти амалиётида фойдаланишга сиёсий маданиятнинг юзага келганлиги сифатида қараш керак. Афлотун, Арастуларнинг озошлик ва давлат ҳақидаги фикрлар, Н.Макиавелли, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссоларнинг турли мазмундаги ижтимоий ғоялари сиёсий маданиятнинг шаклланишига асосий туртки бўлган.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англашга унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқалигина эришилади. Фақат шу орқалигина сиёсий тизимнинг манбаи характери ва ўзига хос хусусиятлари, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги сиёсий жараёнларнинг йўналиши ва ҳаракати ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин.

Сиёсий маданият одамларнинг ҳуққ-атворига ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ҳодисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо беришга мезон ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва руёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўлларини очиб беради.

Сиёсий маданият муаммоси мажмуи ўта мураккаб ва кўп қирралидир. Сиёсий маданият масаласида адабиётларда турлича фикрлар мавжуд. Сиёсий маданият ва маънавий маданиятлар билан бир қаторда ўзига хос мустақил маданият туридир. У фаолият соҳасининг алоҳидалиги (сиёсат соҳаси, сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиши) ва ушбу маданият соҳасини характерловчи элементларнинг (Сиёсий тасаввур ва қадриятлар, сиёсий кўрсатма ва ҳуққ-атвор) ўзига хослиги билан белгиланади. Сиёсий маданиятни жамият сиёсий ҳаёти билан ҳамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олиш унинг ўзига хос характери ва чегарасини аниқлашга ёрдам беради.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий маданиятга шундай таъриф бериш мумкин: Сиёсий маданият мавжуд ижтимоий бирликка хос бўлган сиёсий онг ва ҳуққ-атвор мажмуидир. Аммо бундай таъриф сиёсий маданиятнинг мазмунини тўла очиб бера олмайди. Бунинг учун сиёсий маданиятнинг асосий таркибий қисмларига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларига сиёсий онг, сиёсий қадриятлар, сиёсий кўрсатма, сиёсий ҳуққ-атвор, сиёсий белгилар, рамзларни киритиш мумкин.

Сиёсий онг элементи жамиятда ҳукмрон бўлган ёки бирорта ижтимоий гуруҳга хос бўлган, жамият сиёсий ҳаётининг турли жаҳатларига сингиб кетган қарашлар ҳисобланади. (Масалан, сиёсий тартибот, қарорларни қабул қилиш, сиёсий ҳаётдаги билимдонлик). Сиёсий қадриятларнинг мазмуни сиёсий воқеликдаги шахс, гуруҳ, жамият қадриятлари тузилмаси билан ҳамбарчас боғлиқ.

Сиёсий кўрсатма – бу субъектнинг сиёсий воқеликка муносабатларидир. Бу сиёсий билимни қабул қилишга интилиш, сиёсий фаолиятга бўлган фаол ва суст эътибор, сиёсий фаолиятнинг турли жиҳатларига бўлган муносабат.

Сиёсий ҳуққ-атворни шакллантиришда сиёсий анъаналар муҳим роль ўйнайди. Анъаналарда жамият мақсадлари ва манфаатларига жавоб берадиган ўтмиш сиёсий тажрибалари жамланган бўлади.

Сиёсий белгилар, рамзлар (символ) ўзида жўшқинликни акс эттирган ҳолда, кишини ўзига жалб этиш хусусиятига эга бўлади. (Масалан, Тейлор сиёсий белгилардан усталик билан фойдаланган, Англияда муҳим сиёсий белги монархия ва ҳ.к.)

Юқорида баён қилинган фикрларга асосланган ҳолда, сиёсий маданиятнинг кенг маънодаги таърифини келтириш мумкин: Сиёсий маданият ўз мазмуни ва моҳиятига кўра одамлар ҳаёт фаолиятининг синфий, ижтимоий ҳосиласи, уларнинг сиёсий бунёдкорлиги, фаолияти ҳисобланиб, синфлар, қатламлар ва миллий тузилмалар, гуруҳлар ва бирликлар томонидан ўзлаштириш жараёнини акс эттиради.

Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча **муҳим вазифаларни бажаради**. **Биринчидан**, сиёсий маданият жамиятда ва миллий манфаатларни руёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу вазифанинг мазмуни ижтимоий-сиёсий формациянинг ривожланиши, жамият тараққиёти даражасига қараб ўзгаради. **Иккинчидан**, сиёсий маданият синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллий ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва қайта ўзлаштириш вазифасини бажаради. Бу вазифани амалда тадбиқ этиш билимларни ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фикрлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа сиёсий кучларнинг фаолиятини чуқур англаб етиш билан боғлиқ. **Учинчидан**, сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини ўтайди. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлимини таъминлайди. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. **Тўртинчидан**, сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксак, мақсадлар, кадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни фуқаролик маъсулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларни шакллантиради. **Бешинчидан**, сиёсий маданият алоқа вазифасини амалга оширади. Бунда, у фуқаронинг сиёсий тизим ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаси шакли сифатида намоён бўлади. Бу вазифани амалга оширишда таълим, тарбия тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. **Олтинчидан**, сиёсий маданият олдиндан айтиб беришлик вазифасини бажаради.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий маданият ҳақида гап кетганда **жамият сиёсий маданияти** деган тушунчаларга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Жамият сиёсий маданияти, турмуш маданияти, жамият барча тузилмалари ҳаёт фаолиятининг кўзгуси бўлиб, ижтимоий ривожланиш субъектидаги ҳамма сиёсий маданиятларнинг умумлашмаси ҳисобланади. У ўзида барча илғор ва инқирозли ҳодисаларни (масалан, давлатчилик, миллатчилик, бой-феодалларча психология) меърос қилиб олишимумкин. Шахснинг сиёсий маданияти сиёсий онг, анъаналар, принциплар, сиёсий фаолият заминиди, шахсий ва фуқаролик хатти-ҳаракатлар, синфлар, ижтимоий қатлам ва гуруҳлар, миллатлар ва миллий тузилмалар даражасида намоён бўлади.

Жамиятнинг янгиланиш жараёнида сиёсий маданиятга қўйиладиган талабалар ҳам ошиб боради. Сиёсий маданият инсоннинг умумий билим даражаси, дунёқараши, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқ. Сиёсий маданият жамиятдан ташқарида ёки умуммаданиятдан узилган ҳолда амал қилмайди. Сиёсий маданият кишилар ва жамоалар, синфлар ва сиёсий фуқароларнинг аниқ мақсадга онгли интилиши, шу мақсад ва меҳнатни чуқур тушуниши, эҳтиросга берилмай олға интилишни таъминловчи муҳим омилдир. Сиёсий маданиятга хос талабларга қуйидагилар киради:

-жамиятдаги воқеа, ҳодисаларга босиқлик билан муносабатда бўлиш.

-Воқеа, ҳодисаларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилиш.

-Воқеа, ҳодисаларга нисбатдан объектив ва адолатли муносабатда бўлиш.

-Шахсий фикрни давлат, бошқа сиёсий ташкилотлар фикридан устун қўймаслик.

-Давлат сиёсати, давлат тили, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига ҳурмат билан қараш.

Сиёсий маданият юқори онглилик, маънавий бойлик маҳсулидир. Сиёсий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият даражаси ҳам юқори бўлади.

Демак сиёсий маданият: - Кенг маънода: фуқароларнинг сиёсий билимлари, мўлжал – баҳолари, сиёсий хатти – ҳаракатларининг даражаси ва табиатини англашиб, сиёсий муносабатларни йўналтириб туриш жараёнларининг ижтимоий – сиёсий кадриятлари мазмуни ва сифатини, анъаналари ва қонун - қоидаларини ўз ичига олади. **Тор маънода**: эса сиёсий маданият – сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифат даражасини белгилаб берадиган ўзаро мулоқот тарзини белгилайди.

Сиёсий маданият элементлари:

Сиёсий хиссиёт, кўникмалар, билимлар, қарашларнинг мазмуни, характери, системаси ва даражасини кўринади.

1. Сиёсий хулқ - атвор ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қатнашувида билинади.
2. Сиёсий анъаналар. Одатлар, нормалар, сиёсий ҳаётнинг бир хил типи ва кўрсатмаларида мавжуд бўлади.
3. Сиёсий муносабатлар, сиёсий ҳаётнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг актив қисмидир. Аслида ижтимоий онгнинг 3 тури мавжуд:

А) ижтимоий онгнинг паст свияси типи.

Б) сиёсий фаолиятда иштирок этмайдиган типи.

В) ижтимоий табақаларни белгилаш, сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этади.

Сиёсий маданият синфий жамият ташкил топгандан кейингина шакллана бошлайди. Сиёсий маданият аслида узоқ ўтмишдан тортиб то ҳозирги кунгача инсоният тараққиёти натижасида жамланган оламшумул тарихий тажрибанинг моҳияти, мағзи, жавҳаридир.

Сиёсий маданиятнинг билимлар ва қўникмалар, рухий кайфият ва амалий хатти – ҳаракатлар вазжлари, инсон хулқ - атвори қоидалари, маънавий – ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ва миллий анъаналар ҳамда урф – одатлар мажмуи сифатида таҳлил қилинишининг ўзи унинг жуда мураккаб хилма – хил таркибий қисмлардан иборат эканлигини эътироф этмоқ керак.

Демак, сиёсий маданият шундай шароитда шаклланади:

- 1) Демократик ижтимоий тузум шароитида.
- 2) Миллий қадриятлар ривожидида
- 3) Давлатнинг маънавий, сиёсий соҳадаги сиёсати туфайли
- 4) Илмий асосланган билимлар заминида
- 5) Ҳуқуқий давлат (қонун устуворлиги) шароитида.

Шунингдек. Сиёсий маданият ривожланишининг 6 асосий манбаси мавжуд:

- 1) Инсонпарварлик
- 2) Демократия
- 3) Ошкоралик
- 4) Кўшпартиявийлик
- 5) Тарихий ворисийлик шароитида (шахс, тўда, гуруҳ, табақа, миллат, элат, жамият, инсоний мезонлар асосида).
- 6) Ижтимоий-сиёсий тузумга мос равишда.  
«Агар иқтисодий ўсиш, аҳамиятимиз танаси бўлса, маънавият – маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва қонидир», деган эди Президентимиз Ислам Каримов.

Сиёсий маданиятнинг 2 тури мавжуд:

А) Анъанавий сиёсий маданият (диний жихатдан асосланган) ёки ёпиқ маданият типи ҳам дейилади.

Б) Юқори табақа сиёсий маданияти, ёки очик маданият типи. Бу ўзгарувчан – прогматик бўлади.

## **2.СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТИПЛАРИ**

1. **Ибтидоий:** - (бошланғич) тури ибтидоий жамоадан қулдорчилик тузумига ўтиш даврида шаклланган бўлиб, тарихий ворисийлик ақидалари сифатида ҳозирги сиёсий маданият таркибида ҳам ўрин эгаллайди. Инсон табиат олдида ожизроқ эди. Шу сабаб улар тўда, гуруҳ, табақа, элат, миллат, жамият бирикмаларида уюшиб яшади, бу сиёсий ҳаёт ҳозир ҳам бор (бу фикрларларни сиёсатшунос ва социолог олимлар Г.Алмонд ва С.Вербалар таъкидлайди).
2. **Фуқаролик:** - Бу тур энг оммавий, кенг тарқалган, ҳар бир ижтимоий сиёсий тузум доирасида амал қиладиган асосий тури бўлиб, расмий сиёсий муносабатлар жараёнини қамраб олади. Фуқаролик сиёсий маданияти умумжамият ва умуминсоний сиёсий маданиятнинг таркибий қисмидир. Шахс билан гуруҳ манфаатлари, эзгулик билан худбинлик ва ҳ.к.

3. Фаоллик тури: - Фаол сиёсий маданиятнинг туб моҳияти жамият истиқболини олдиндан кўра билиш, уни илмий – методологик таҳлил қила билишдир. Келажак сиёсий ҳаёт йўналишларини оқилона ҳисобга олган ҳолда, содир бўлаётган сиёсий жараёнлар оқимини объектив ва чуқур илмий назарий таҳлил қилиш асосида ривожлантириш билан бирга истиқбол мақсадларини аниқ ифодалаш юксак даражада амал қиладиган сиёсий маданиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. (Бирор сиёсий партияга аъзо бўлиши билан ҳам характерланади, сиёсий мафкураси, сиёсий руҳий ҳолати ва ҳ.к.)
4. Гуруҳий шакли: - Гуруҳий сиёсий маданият бир ижтимоий гуруҳ туб мақсад – манфаатлари, талаб – эҳтиёжларининг аниқ ифодаси сифатида намоён бўлади ва амал қилади. Сиёсий партиялар ва ижтимоий – жамоат ташкилотлари сиёсий хатти – ҳаракатларининг мазмуни, кўлами, даражаси билан ҳам белгиланади.
5. Оммавий шакли: - Сиёсий маданиятнинг оммавий шакли гуруҳий сиёсий маданиятнинг намоён бўлишига нисбатан камроқ, олдиндан режалаштирилмаган ҳолда, жамият сиёсий ҳаётнинг кескин паллаларида намоён бўлади ва амал қилади. Сиёсий фаолият кескин ўзгарган пайтларда, масалан, нарх – наво оширилиши, сиёсий арбобларнинг қувғин қилиниши туфайли омма норозиликларида оммавий сиёсий маданият амал қилишига олиб келиши мумкин.
6. Алоҳида – якка кўриниши: -Сиёсий маданиятнинг алоҳида, якка шаклда намоён бўлиши у ёки жамият муайян сиёсий мақом ва мавқега эга бўлган айрим шахслар фаолиятларида ўз ифодасини топади. Ҳар бир шахс ўзининг қайси сиёсий партия сафига кириб ёки унинг амалий дастурига қўшилиб, жамият сиёсий ҳаётида қандай тарзда қатнашиш мумкинлиги имкониятлари, усул ва воситаларини аввало ўзи белгилайди ўзи танлайди. Бунга унинг сиёсий рнги даражаси, сиёсий мафкурасининг мақсад йўналишлари ўз ифодасини топади.
7. Демократик: - сиёсий маданият тури.
8. Авторитар: - сиёсий маданият тури.
9. Тоталитар: - сиёсий маданият тури.
- 10.

### **3.ФУКОРОЛИК СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ. ШАХСНИНГ СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ.**

Фукоролик жамияти фукоролик мураса ва мақомига эга ҳамда давлатнинг сиёсий экспанциясига қарши тура оладиган, унга мувозанат булла оладиган, жамият таракқиётини таъминлаб берувчи тизимдан узини таъминловчи тизмга айлантирувчи монополияга булган иштиёкни тухтата оладиган, ижтимоий институтларнинг йигиндисини шаллантирадиган турли хил дунёқарашларнинг шарт-шароитлари етилган жойда вужудга келади. Демак. фукоролик жамияти – бу, биринчи уринда , бошлангич нуктаси ва птровард мақсади инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобланадиган ижтимоий муаммодир.

Фукоролик жамияти фаолиятининг махсули булиб конун оркали фукоролик жамияти, унинг институтлари, прициплари ва кадриятларининг яшаши ва ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган ҳукукий демократик давлат ҳисобланади. Ҳукукий давлат ҳокимиятнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига булган интилишини чеклаб турувчи шаклидир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг чекланишини таъминлаб беришга қаратилган давлат ҳокимиятининг кучига нисбатан муҳим мувозанат ҳисобланади. ҳукукий давлатнинг мақсади шахс эркинлигининг чегарасини белгилаш, ҳуқуқ томонидан белгилаб берилган эркинлик доирасини бузишга йул қуймаслик ҳамда ҳуқуқ томонидан асосланмаган зуравонликларни тақиклаш ҳисобланади. Амалиёт курсатмокдаки, жиддий тарихий танлов босқичини бошидан кечираётган давлат учун барчаси булмаса ҳам, аммо юқорида курсатилган элементларнинг муайян қисмининг мавжудлиги, нафакат демократиянинг мустаҳкамлиги ва инсон ҳуқуқларининг қафолатланганлиги, балки давлатнинг узининг барқарорлиги масаласи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари фукоролик жамияти ва ҳукукий давлат ривожланишининг муҳим омилли ҳисобланади. Улар давлат амал қилиши лозим булган асосий белги ва оий кадриятдир. Шунинг учун ҳам барча демократик ҳукукий тизимлар бош универсал гоя инсоннинг маълум фаровонликка вак унинг етарли ҳаётий фаолиятга (эркинлик, яшаш ҳуқуқи, шахс дахлсизлиги ва бошқалар ) булган асосий сайъ – ҳаракатлари акс этган инсон инсон ҳуқуқларин таъминлаш гояси атрофида бирлашади. *(батафсил маълумот чун Фукоролик жамияти журналининг 2006 йил №3 сон 8-9 бетларига қаралсин)*

Фукоролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва химоя қилиш манфаатларида факатгина, ачонки, фукоронинг узи тараккий этган ҳуқуқий онга эга булган пайтдагина ишлаши мумкин. Шунинг учун ҳуқуқи демократик давлат ва фукоролик жамиятининг шаклланиши ва ишлашининг муҳим элементи фукороларга инсон ҳуқуқлари рҳида таълим бериш ва тарбиялашдир, чунки, абадий яшамайдиган ва ууз ҳаётида муносиб яшашга интилувчи аммо узининг ҳуқуқлари ва уларни химоя қилиш усуллари тугрисида тасаввурга эга булмаган инсон содир булаётган узгаришлар ичида адашиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатлар содир булмаслиги учун эса, инсон ҳуқуқларни ташвиқот қилиш (шу асосда инсон ҳуқуқларини англаниши) ва уларни химоя қилиш соҳасида доимий ва катъийли ишларни олиб бориш лозим.

Сиёсий ижтимоийлашув шахс, гуруҳ, миллат ёки халқнинг жамият ва давлатни бошқаришда, ижтимоий-сиёсий жараёнларни рационаллаштиришда тарихий-маданий тажрибаларга таянган ҳолда узининг интелетуал салоҳиятини, маънавий в сиёсий онг ҳамда тафақурини намоён қилишга қаратилган фаолиятдир.

Сиёсий ижтимоийлашув субъектнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда катнашишини, уз урнига эга булишини шарт қилиб қўяди. Узининг сиёсий ҳуқуқларини англаш, уларни ижтимоий ҳаётда рўёбга чиқаришга булган мойиллик субъектга сиёсий узлигини англаш имконини беради. Демак. Инсон фаолиятининг ижтимоий-сиёсий йуналтилганлиги сиёсий узликни англашнинг асосиё хусусиятларидандир.

Сиёсий ижтимоийлашув субъектнинг ижтимоий – сиёсий манфаатларини англашдан бошланади. «Манфаат ва кизиқишлар кишиларни ҳаракатга келтирувчи куч»(Гегел) сифатида ижтимоий – сиёсий фаолиятнинг негизини ташкил этади.

Сиёсий ижтимоийлашув жараёнида алоҳида олнган субъект узининг хусусий манфаатларни умумий, ижтимоий-сиёсий манфаатлар билан уйғунлаштириш, хатто зарур ҳолатларда жамият манфаатлари усивор аҳамиятга эга булиши лозим (*бу ҳақда батафсил қаранг. жамият ва бошқарув//2007й. №1с, 61-63 б* ). Ушбу фидойиликсиз сиёсий фаолият ижтимоий характер қасб этмайди. Ижтимоий – сиёсий воқеликка қутарила олмай бир томонлама эгоизм, худбинлик пағонасида қолиб кетади.

Шахс сиёсий жихатдан ижтимоийлашуви жараёнида узининг сиёсий мақсадларига мувофиқ сиёсий кадрларни ҳам яратишга, улрни қарор топтиришга интилади.

#### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Сиёсий маданиятнинг моҳиятини тушуниринг.
2. Сиёсий маданият, сиёсат ва сиёсий барқарорлик тушунчалари ўртасидаги ички боғлиқлиқни аниқланг?
3. Жамият сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнида сиёсий маданиятнинг ўрни ва аҳамияти қай тарзда намоён бўлишини қиёсий-сиёсий таҳлил этинг.
4. Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг бошқа турлари билан қандай боғлиқликка эга?
5. Сиёсий маданият ва сиёсий онг, уларнинг таркибларини аниқланг?
6. Собиқ Иттифоқ даврида кадрлар сиёсатида йўл қўйилган қамчилик ва ҳатолар нималарда нимоён бўлди?

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2001, 5, 12, 15- 17-бетлар.
2. Қаримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т.: Ўзбекистон, 1996, 36-85, 140-159-бетлар.
3. Қаримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2 – Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-28-бетлар.
4. Қаримов И.А. Ватан саждох қаби муқаддасдир. Т.3-Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-54-бетлар.
5. Қаримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида. Т.6-Т.: Ўзбекистон, 1998, 31-261, 324-346-бетлар.
6. Қаримов И.А. Биз кележагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7-Т.: Ўзбекистон, 1999, 84-102, 132-154, 223-235, 370-405-бетлар.
7. Қаримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8-Т.: Ўзбекистон 2000, 330-351, 462-474, 489-508-бетлар.

8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9-Т.: Ўзбекистон, 2001, 3-45, 133-150, 220-224-бетлар.
9. Каримов И.А. миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият. Т.: ЎзРИИВА, 1999.
10. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 123-131-бетлар.
11. Шарипов Ф. «Сиёсатшунослик» Т.: Ўзбекистон, 1992, 295-367-бетлар.
12. Ҳошимов Т.Р., рафиқов /А., Тураев А. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. Термез, 1997, 161-171-бетлар.
13. Рамазанов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 218-235-бетлар.
14. Отамуратов С., Эргашев И., Акрамов Ш., +одиров А. Политология. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 85-94-бетлар.
15. Ролитология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Тошкент: М.Улуғбек ном. ЎЗМУ, 2000, 30-36-бетлар.
16. Политология. Маърузалар матни. ЎЗР ОЎМТВ. Тошкент: ЎАЖБНТ, 2000, 137-149-бетлар.
17. Машарипов О., Ҳошимов Т.Р., Рафиқов /А. Политология. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 84-92-бетлар.
18. Жамият ва бошқарув.// 2007 йил.№1 сон.
19. Фуқоролик жамияти.//2006 йил.№3 сон.

## **1 – Мавзу . Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курсининг предмети, муаммолари ва вазифалари.**

### **Режа:**

1. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” курси, унинг объекти, мақсад ва вазифаси
2. “ЎзДЖН ва амалиёти” нинг тушунчалари ва методологик хусусияти.
3. “ЎзДЖН ва амалиёти” курсининг ижтимоий фанлар билан алоқаси
4. “ЎзДЖН ва амалиёти” курсини ўрганиш зарурияти ва аҳамияти

### **Таянч иборалар.**

Курснинг назарияси, амалиёти, мақсади, вазифаси, умуминсоний ғоялар, манбалари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асослари, демократия, халқ ҳокимияти, истиклол, дунёқараш.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини фаол излади, бу давр Ватанни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёр айлантиришга интилиш даври бўлди. Жаҳон ҳамжамиятига кириш, давлатаро кўпқиррали алоқаларнинг энг мақбул йўллари изланди. Буларнинг барчаси жамият жамиятнинг янгиланиши Ўзбекистонга хос йўлни келтириб чиқарди. Бу йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодтиётини шакллантиришга жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш тарзини, анъаналарини, урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган, конституцион асосга эга бўлган Республика аҳолисининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт жараёнидир.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш ... мамлакат ҳаётида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ қонуниятларни билиш ва ўрганишда... демократик тараққиёт йўлида “Ўзбек модели” ни татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу демократиянинг миллий ва умумбашарий тамойилларини аниқ тасаввур этиш... ижтимоий ҳаётни у билан боғлаб олиб боришга ўргатади. Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиб бориши Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлишига... ёшларда демократик онг ва тафаккурни шакллантириш... миллий маънавий меросни қадрлаш... ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Мамлакатда эркин демократик фуқаролик жамиятини қуриш назарияси ҳамда амалиёти билан чуқурроқ таништиради. Шу мақсадни амалга оширишда хизмат қилади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишнинг ўзига хос зарурат ва сабаблари мавжуд.

Биринчидан... бугун дунёда демократия... демократик жамият тўғрисида муайян мўътадиллашган илмий концепциялар ишлаб чиқилган. Уларда демократик жамиятнинг қиёфаси... асослари... яшаш ва ривожланишининг умумэътироф этилган қонуниятлари ҳамда унинг ҳар бир давлат... халқнинг

миллий – маънавий хусусиятлари билан боглиқ жиҳатлари тобора кенг миқёсда ўз ифодасини топомқда.

Бугунги кунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий қадрият сифатида қарор топгани эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб... демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб этаётганлиги демократияни фан сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан... Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият – унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш... ўрганиш зарурияти ҳам шу қонуният билан боглиқдир. Ижтимоий – гуманитар ва ижтимоий – сиёсий фанлар қаторида унинг махсус сифатида ўқитилиши дунёдаги демократик ўзгаришлар билан боглиқ умумий қонуний асосларга эга бўлгани боис уни ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир мустақил мамлакат... ўзининг тараққиёт йўлини ва қураётган жамиятини билишга... унинг қонуниятларини аниқлаб олишга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан... ҳозирги пайтгача ижтимоий – сиёсий фанлартизимида ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга бевосита тааллуқли бўлган масалаларни илмий жиҳатдан аниқ бир воқелик сифатида... яхлитлигича ўрганувчи фан вужудга келмаган. Фикримизча, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани айнан шу жараёни тўлиқ қамраб олиш имкониятга эга. Негаки, бу фан энг аввало жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келб чиқиб, адолатли демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат назарий масалаларини, балки унинг амалий жиҳатларни яхлит тарзда ўрганади. Бу фанни яна шунинг учун ҳам ўрганиш зарурки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда тарихда бринчи бор умумэътироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда. Жамиятимиздаги бу жараёни атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқелигимиз билан чамбарчас ўрганиш, таҳлил этиш зарур. Бу зарурат мамлакатимиз президенти И.А.Каримовнинг “Пировард мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳукукий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир”<sup>5</sup> деб таъкидлаган умумстратегик вазифани амалга ошириш билан боглиқ. Бу вазифа Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишнинг зарур қилиб қўйган учинчи асосий сабаблардан бири дейиш мумкин. Маълумки, ўтган XX асрнинг сўнгги йиллиги дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги билан характерланади. “Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди”<sup>11</sup> Ана шундай мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатлар турли минтакаларда

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тардид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

<sup>11</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тардид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

жойлашган бўлиб, улар Марказий Европанинг (5 та), Болтиқбўйи давлатларининг (3 та), Болгария ва Руминия, Фарбий-Шарқий Европа мамлакатларининг (5 та), мустақил ҳамжамиятдаги давлатларнинг гарбий қисмида (4 та), Кавказорти давлатларида (3 та) ва Марказий Осиё давлатларидан (5 та)ни ўз ичига олади.<sup>6</sup> Ана шу мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган, тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонида ўзига хос нуфузли ўринга эга бўлишга ҳаракат қилаётган давлатлардан бири Ўзбекистон Республикасидир.

“Мустақиллик, Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.”<sup>7</sup>

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мамлакатнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан, И.А.Каримов шундай дейди: “Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий кадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини; инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак”<sup>8</sup>. Бу ерда у ёки бу мамлакатга хос бўлган демократия кўринишидан андоза олиш тўғрисида кетмаётганлигини ҳисобга олиш муҳим. Асосий мақсад - Ўзбекистонда ўзига хос ва мос бўлган демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш асосида демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатларини ҳамда умумий томонларини аниқлашга қаратилган.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани мустақиллик туфайли вужудга келган ижтимоий-сиёсий фанлар тизимидан ўзига яраша ўрин олаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Бу зарурат мустақил давлатимиз мисолида демократик жамият қуриш жарёнида қўлга киритилган ютуқлар, айрим ҳаётий сабоқларнинг илмий таҳлил қилинишини тақазо қилмоқда. Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг моҳиятини билиш, унга ижодий ёндашиш учун демократиянинг миллий ва умуминсоний кадрият сифатида шаклланиш босқичларини чуқур ўрганиш зарур. Бу стратегик вазифани фақатгина ушбу фан бажаради.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани ўз олдида бир неча вазифаларни қўйган. Булар кўпроқ мамлакатда демократик фуқаролик жамияти қуришнинг ўзига хос ва умумэътироф этилган қонунларини билиш, назарий ҳулосалар ва умумлашмалар чиқаришдан иборатдир. Хусусан, фуқароларда демократик жамият талабларига жавоб берадиган дунёқараш, фикрлар хилма-хиллиги, эркинликни қадрлаш, инсон қадр-қиммати, шаъни ва орномусини ҳурмат қилиш билан боғлиқ кадриятларни шакллантириш асосий вазифалардандир. Бу вазифалар фуқароларимизни мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, демократик кадриятларни ҳурмат қилиш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда яққол намоён бўлади. У фан

<sup>6</sup> ЮНИСЕФ. Ижтимоий мониторинг. 2003 йил, 2-бет

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992, 35-бет.

<sup>8</sup> Ўша жойда.

сифатида ана шундан улуг ва бунёдкорлик ишларига хизмат қилади. Бунинг учун у турли хил услублардан фойдаланади. Булар дунё фанлари фойдаланиб келаётган тажриба, қиёсий таҳлил, эмпирик-социологик ва илм-фаннинг бошқа замонавий услубларидир.

Демак, жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларни таҳлил этш, уларни мантиқий асослаш, ёшлар онгига дунёвий давлат тамойилларини сингдириш каби вазифалар уни ўқитилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети мамлакатда демократик жамиятнинг шаклланиши, фуқаролик жамияти қурилиши, қарор топиши ва амал қилишининг дунёда эътироф этилган умумбашарий принциплари ҳамда миллий тамойилларга асосланади. Айни пайтда, унинг мамлакатимизга хос ва мос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганиш, бу фаннинг предмети ва объектини ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари фаннинг объектидир. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти бир томондан, демократик жамият тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги тарихий мероси билан боглик мутафаккирларнинг гояларини ҳисобга олса, иккинчидан, мустақиллик йилларида демократик жамият қурилиши тўғрисидаги муҳим концептуал гоялар ва қарашларнинг ишлаб чиқирилиши, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли хусусиятларига таянади. Учинчидан, бу соҳада мустақиллик йилларида эришилаётган зафарларни демократик жамият қуриш тажрибаси ютуқларига таяниб ўрганади. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш қонуниятларини билиш ҳам муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда демократик жамият қурилиши ижтимоий ҳаётимизнинг бирон-бир соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки унинг барча жабҳаларидаги ўзгаришларнинг негизларини ўз ичига олади ва ўрганади. Бунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти демократиялашувининг ва сиёсий ҳаётининг эркинлаштирилиши, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, унинг манбаи, фуқаро – жамият – давлат муносабатлари асосий негиз ҳисобланади.

“Демократия” юнонча сўз бўлиб, таржимада “халқ ҳокимияти” (демос – халқ, кротос – ҳокимият) маъносини билдиради. Демократия деб олий ҳокимият бевосита халққа тегишли бўлган ва халқнинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошадиган давлат ва жамиятга айтилади. Албатта “демократия” атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир. “Бинобарин, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - биз ўз истагимиздаги демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир ёки ҳеч нарсани англатмайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади”<sup>1</sup>. Демократиянинг вазифа – фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган жамиятни қуришдан иборат. Лекин

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 180-бет.

ҳозиргача ҳеч қайси давлат бунга мукаммал эришмаган, фақат унга ҳаракат қилиб келмоқда. Демократик бошқарув жараёнида сиёсий ҳаётда иштирок этиш нафақат фуқароларнинг муҳим сиёсий фаоллик белгиси бўлибгина қолмасдан, бу уларнинг ҳуқуқлари, балки бурчлари эканлигини ҳам англаш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Демак, биринчидан, демократик жамият давлатчилик соҳасида ҳар бир мамлакат ва халқнинг демократияда умумэътироф этилган қадриятлари ва тамойиллари ҳисобга олинган, миллий – маданий мероси хусусиятларига таянилади, фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинган ва ҳимоя қилинган бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этадиган жамиятдир.

Иккинчидан, умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади.

Учинчидан, уни батафсил таҳлил қилганда эса демократия халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар-у шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли эканлиги ҳам аён бўлади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани билан боглиқ тушунчалар мавжуд. Унинг шаклланиши қадимги дунёга бориб тақалади. Демократия гоёси жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида асосий ва етакчи тамойилга айлангунча ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида мураккаб, зиддиятли, баъзан эса фожеали ўзгаришларга учраган. Бугунги кунда демократик қадриятларнинг асосий тушунчаларини тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Уларни ўрганишда қуйидаги учта жиҳатни алоҳида ҳисобга олиш лозим: ижтимоий-гуманитар фанларда ишлатиладиган умумий тушунчалар. Масалан; жамият, цивилизация, эркинлик, ҳуқуқ, қонун, маданият, тараққиёт, демократия: Ижтимоий-сиёсий фанларда ишлатиладиган тушунчалар билан яқин бўлган тушунчалар: ҳуқуқий давлат, хусусий мулк, фуқаролик жамияти, сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тизим, сиёсий режим, сиёсий плюрализм, сиёсий онг, сиёсий маданият ва в.б.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти фани ўрганадиган таянч тушунчалар:

“Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли”, эркинлик, мустақиллик, демократия, қонун устиворлиги, “Демократик давлатчилик”, “Демократик жамият”, “Демократия”, “Демократик жамият тўғрисидаги қарашлар”, “Демократик жамиятнинг миллий - маънавий негизлари”, “Миллий-маънавий қадриятлар”. Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг эркин демократиялашуви, ижтимоий ҳаёт ва демократия, сиёсий ҳаётнинг демократик тамойиллари, “Демократик қадриятлар”, “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”, “Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти”, “Миллий давлатчилик ва демократия” ва бошқалар.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш жараёнида яна қуйидаги тушунчалар: “либерал демократия”, “демократия ва бозор

иқтисодиёти”, “демократия шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги”, “демократия ва миллатлараро муносабатлар”, “давлатни демократик бошқариш”, “демократияни асосий унсурлари” кўпроқ ишлатилиши табиий. Бу тушунчаларнинг ҳар бирининг ўзига хос маъноси ва мазмуни бор.

Фан амал қиладиган қонуниятлар: Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти фанида амал қиладиган қонуниятларни билишга қуйидаги жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиш керак. Биринчидан, Ўзбекистонда демократик жамият қўриш назарияси ва амалиёти фани дунёда эътироф этилган умумий қонуниятларни ҳисобга олади..

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари билан боглиқ хусусий, алоҳида қонуниятларига таянади.

Масалан: “Ўзбекистон демократик жамият қурилишининг ўзига хос ва мос ривожланиши қонуни” ёки “Демократик жамият қурилишида миллий менталитет хусусиятларини ҳисобга олиш қонуни”, “Демократик жамият қурилишининг миллий-маънавий қадриятлар билан боглиқлик қонунлари”, “Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятларининг Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, миллий-маданий мероси, иқтисод, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан алоқадорлиги қонуни” ва бошқалар.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда икки муҳим жиҳатга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Унинг биринчиси, демократик жамият қуришнинг дунёда эътироф этилган тамойилларини тан олиш.:

Иккинчиси, демократиянинг миллий – маданий мерос билан боглиқ миллий хусусиятларига таянишдан иборат. Бу икки йўналиш бир-бири билан узвий боглиқ, ҳақиқий демократик жамият қуришни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди ҳам. Амалий ҳаётда бу муҳим қонуниятнинг бузилиш ҳоллари турли халқаро турмуш тарзи ва уларнинг миллий манфаатларига зид бўлган, ижтимоий – сиёсий, маънавий оқибатларни келтириб чиқарган. Эътироф этилган тамойилларга таянмаслик, бу мамлакатни дунёвий, демократик жамият қуришдан йироқлаштирган бўлса, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олмасдан демократик жамият қуриш йўли эса ҳақиқий демократия талабларига зид ҳолатдир. Бу ўзига хос ва мос ривожланиш йўли демократик жамият қуриш қонуниятга тўғри келмайди.

Мустақиллик йилларида республикада демократик жамият қурилишини институтлашиб бораётганлигини, яъни:

1. мамлакатда демократик институтларнинг шаклланиши:
2. кўппартиявийликка ўтилиши:
3. ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги:
4. жамоатчилик назоратининг ошиб бориши демократик жамиятга хос жиҳатлар эканлиги алоҳида таъкидлаш лозим.

Умуман, жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар:

\_ халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги:

\_ ҳукумат қарорларининг халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши.

- оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши билан боглиқ.

Ўзбекистондаги демократик жараёнларни ана шу мезонлар асосида таҳлил қилиш лозим. Унга кўра бугунги кунда 100 та жамоат уюшмалари: 5 та сиёсий партия: 2 та ижтимоий ҳаракат: 3000 та нодавлат нотижорат ташкилотлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қасаба уюшмалари тизими томонидан 28 та йўналиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти кўзда тутилган

Ҳозирги замонда “миллий демократик давлат”, “миллий давлатчилик ва демократик жамият” тушунчалари кўпроқ ишлатилмоқда. Унга хос бўлган жиҳатлар қуйидагиларда ўзининг аниқ ифодасини топади:

\_ демократик нормаларга таянадиган ҳуқуқий давлат:

\_ демократияга зид бўлмаган ҳолда тарихий анъаналар ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларидаги миллий хусусиятларнинг сақланиши:

\_ барча фуқароларнинг тенглигига асосланган миллий сиёсат олиб бориш:

\_ унинг геосиёсий мавқеи иқтисодий, маънавий ва ҳарбий техник имкониятига, салоҳиятига мос бўлиш:

\_ фуқаролар ижтимоий онгига демократик тафаккурга амал қилиниши:

\_ мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш:

\_ ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаш ва амалга ошириш:

\_ ўз қобилигида яшаш мумкин эмаслиги қондасига таяниш, очиқ демократик давлат ҳисобланади. Бу миллий давлатчиликни демократик жамиятга зид эмаслигини кўрсатади.

XX асрнинг сўнгги чораги бутун дунё бўйича демократиянинг голибона тарқалиш даври бўлди. 1998 йилда мавжуд бўлган 191 мамлакатдан 117 таси ёки 61,3% да эркин, яширин, умумий тенг ва нисбатан адолатли сайловлар ўтказилди. 1974 йилдан кейин 89 та автократия мамлакатларида демократик тартибга ўтилди<sup>1</sup>. Бу миллий давлатчилик негизларини демократия билан боғлаган ҳолда амалга оширилган пайтдагина қутилган самарани беради, дейиш мумкин. Бу демократия соҳасида улар бир хил босқичда турибди, деган маънони бермайди. Айни пайтда муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этмайди. В.Маркель асарларида нолиберал демократия сифатида (нуқсонли, камчиликларга эга демократия) кўрсатилади.<sup>2</sup> Сайлов режими воситаси билан ҳокимиятга эга бўлишни қонунийлаштириш тизими ҳам тушунилади.

Ҳуқуқий, демократик давлатда: 1) фуқаролар ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади: 2) давлат органлари ва мансабдор шахслар қонунга итоат этади: 3) шахс эркинлигининг қонун асосида кафолатланиши ва ҳимояланиши амалга ошириб борилади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Фуқароларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик жамият қуришнинг мақсадлари, унинг шаклланиши ва ривожланишининг миллий- маънавий негизлари, демократик жамият тўғрисидаги

<sup>1</sup> Социология. Маърузалар матни . – Т.: 2000й... 125 бет.

<sup>2</sup> Маркель В.Формальные и неформальные институты в дефектных демократиях\Полис... 2002г2 С.7

гоялар, қарашлар билан таништиради. Демократияни фуқароларнинг онг ва тафаккурига сингдирилишида, ишонч ва эътиқодларига кўчишида муҳим ўрин тутди. Демократик жамият қуришнинг қонуниятларини билишда, унинг жаҳонда эътироф этилган тамойилларини ҳар бир мамлакат ва халқнинг миллий, маънавий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш зарурлигини ҳис этиш ва унга амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Ҳақиқий демократия билан сохта демократиянинг фарқини кўришда, уни баҳолаб, муносабат билдиришда, фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш орқали эркин, демократик, фуқаролик жамияти қурилишининг назарий асосларини дунёда демократик жамият қуриш билан боғлиқ умумий қонуниятларни билиш билан бирга, демократиянинг ўзига хос миллий кўринишлари, “миллий моделлари”нинг маъно-мазмунини тўғри тушуниб олишга муваффақ бўлиш мумкин.

## **2-Мавзу: Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели”.**

### **Режа:**

1. Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар.
2. Демократия ва тарққиётнинг “Ўзбек модели”.
3. “Ўзбек модели” нинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда намоён бўлиши.

### **Таянч иборалар.**

Жамиятни янгилаш, демократлаштириш, эволюцион, тадрижийлик, классик анъанавий, тарққиёт, тоталитаризм, ўтиш даври, ўзбек модели, капитализм, бозор иқтисодиёти, мулк, мулкдорлар синфи, хусусий мулк, жамоа мулки, акционерлик жамияти.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан сўнг, келажакда қандай йўлдан бориши масаласи кун тартибига қўйилган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Унинг объектив сабабларидан бири жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча давлатларга мос келадиган бирон-бир тайёр андозасининг йўқлиги бўлиши ҳам мумкин эмаслиги эди. Иккинчи объектив сабаб- маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва қоидалар эндиликда республикада барпо этилаётган янги ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат манфатларига мос келмаслиги эди. Мулкчилик ва уни бошқариш, ишлаб чиқаришдаги инсон омилининг ортишини ҳисобга олган ҳолда давлатни бошқаришнинг бутунлай янги шаклини вужудга келтириш зарур эди. Демак, биринчидан ҳар бир давлат демократик тарққиёт йўлига кириши учун маълум бир муддат талаб қилинар эди. Иккинчидан, вақтни қўлдан бой бермасдан ривожланишнинг тарихий жихатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари асосида Ўзбекистоннинг ўзига хос ишлаб чиқишни бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмас, янги консессия ишлаб чиқиш зарур эди.

Мамлакат президенти Ўзбекистон фуқаролари учун табиий ҳақ-ҳуқуқ ва шунингдек олий неъмат бўлган мустақиллик тўғрисида, сўз юритар экан, уни жамият ривожининг асоси, бугунги ва узоқ истиқболдаги тараққиётимиз шарт, барча ислохотларимизнинг мезони ва ниҳоят, барча амал қиладиган бош тамойил деб таърифланади. Шундай экан, у жамият аъзолари олдига муттасил янги-янги вазифаларни қўяди ва унинг бажарилишини талаб қилади. Зеро, тараққиётнинг ҳар бир босқичи, турли – туман муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги тадбирлардан иборатдир.

Халқаро жамият тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк асноларида вужудга келган муаммолар ечимини излашда сусткашликка йўл қўйиш огир ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. Зотан, ҳар қандай ечилмаган муаммо яна бошқа қатор хавф-хатарларни келтириб чиқариб, давлат тараққиётининг анча мураккаблашишига олиб келади. Демак, мамлакат тақдири учун масъуллиқни ўз зиммасига олган ҳокимият тузулмаси бу борада бир нафас ҳам бегамликка йўл қўя олмайди, доимо уйғоқ ва ҳаракатда бўлади. Дарҳақиқат, мустақиллик бир томондан, миллий тараққиёт йўлини эркин танлаш борасида улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан, эскиликка барҳам бериш ва янги жамиятга асос яратиш учун бекиёс имконият яратади. Шу нуқтаи назардан, мустақилликни демократия учун энг зарур шарт-шароит, деб атасак бўлади.

Ўтмиш, бугун ва келажак – бир-бирига туташган бундай тарихий пайтларда мустақиллик даврини кечираётган ҳар бир давлат бир томондан, демократия борасида жаҳон халқлари орттирган бой тажрибадан миллат манфаатлари йўлида фойдаланишга мажбур бўлганини, иккинчи томондан уни ўзига хос ноёб бир шароитда жорий этиш билан боглиқ муаммога дуч келганлигини тарихий тажрибалар кўплаб мамлакатлар мисолида тасдиқлаган. Ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигини демократиянинг узвий боглиқлигини таъминлаш орқали ҳал этиши мумкин эди. Бу масалани ҳал этиш жараёнида давлатимизнинг сиёсий раҳбарияти ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан турли қаршилиқларга дуч келди. Мамлакат ташқарисида, айниқса, собиқ марказдаги “сиёсатчи кароматчилар” нинг халқимизнинг дунёқарашини заҳарлаш мақсадида “Сизлар мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар!”, “Сизлар муте, қарам миллатсиз!”, “Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, сизлар бажарасизлар, холос”<sup>1</sup> деган гаразгўй фикрлари оммавий ахборот воситаларидан ўрин олар эди. Мамлакат ичкарисидagi айрим аламзада партократлар “Энди халқ марказсиз яшай оладими?”, “Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминладими?” деб хавотирланишса, “Ўзбекистонда қандай жамият қурилади?” каби саволларга эса ҳар ким ўзига жавоб қилар эди. Президент И.А.Каримов ибораси билан айтганда, “вазият шундай келган эдики, мустақил Ўзбекистон қайта дунёга келган кунёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.....”. Бундай шароитда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, миллий мустақиллик ва демократиянинг умумбашарий тамойилларига асосланган андозасини ишлаб чиқиши лозим эди.

Давлатлар вужудга келиши биланок, бирданига юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди, балки ҳар бир давлат, энг, аввало, шаклланади ва маълум тарихий тараққиёт, босқичларини ўз бошидан ўтказади. Маълумки, ҳар бир

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, маффура. 1-жилд,-Т.: Ўзбекистон, 1996 й.

давлатнинг вужудга келиши, ривожланиш ва юксак даражасига кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ўрганиш давом этмоқда. Хўш, ўтиш даври нима ўзи? Нима учун ўтиш даври деб айтилади? Бу каби саволларга мукаммал жавоб илмий адабиётларимизда энг кам ифода этилган муаммолардан биридир. Шунга кўра, уни мукаммал тарзда ўрганмасдан туриб, мамлакатимизнинг ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиб, бўлмайди. Зеро, бугун юксак ривожланган ёки кам тараққий қилган ёхуд эндигина ривожланиш томон қадам ташлаётган мамлакатларнинг бир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни айнан такрорланмайдиган ходисадир. Тўғри ўтиш даври учун барча мамлакатларга хос умумий қонуниятлар ҳам мавжуд. Улар сиёсий ҳокимиятни ўзгартириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, янги тафаккур ва турмуш тарзини шакллантиришда номоён бўлади. Аммо уларни амалга ошириш ҳам давлатлар ва унда яшаётган халқнинг менталитети билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Хўш, нега шундай? Ўтиш жараёнида тайёр андозалар ёки моделдан фойдаланиб, провард мақсадни амалга оширишга киришилса ёки маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, юксак тараққиётга эришиб бўлмайди?

Худди ана шундай саволларга жавоб топиш учун ҳам қарашларни ўзида мужассамлаштирган мукаммал концепциясини ишлаб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Айниқса бу эҳтиёж мамлакатлар тараққиётида содир бўлаётган турлитуманлик, унинг заминидаги муаммоларнинг юзага келиши ва уларни ҳал қилиш усуллари ишлаб чиқиш жараёнидаги ўзига хослик туфайли кучайиб бормоқда.

Аслида, “ўтиш даври назарияси” деганда нимани тушунмоқ керак? Ўтмиш даври ҳақидаги турли қарашлар тизими назария ҳисобланади. Улар асосида умумлашган назариялар шаклланади. қарашлар турлитуман, ҳатто улар бир – бирига қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Энг муҳими, уларни таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилади. Хулосаларнинг илмийлиги эса уларнинг моддий кучга айланишида ўз ифодасини топса, амалиётда ўз самарасини берсагина, илмий хулоса даражасига кўтарилади. Ана шу маънода ҳам, ўтиш даври назарияси деганда, мамлакатларнинг маълум бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралик босқичлар натижаси ҳақида шаклланган қарашлар тизими тушунилади.

Берилаётган бу таъриф ўтиш даврининг моҳиятини ўрганиш асосида шаклланган қарашлар натижасида ўлароқ юзага келди. Ўтиш даври ҳақида турлитуман фикрлар бўлишига қарамасдан уни бир тизимга келтириш, умумлаштириш асосида шаклланган таърифлар бугунги кунгача деярли учрамаётганлиги сабабли, “ўтиш даври назарияси”га юқорида берилаётган таърифни бошқалари билан таққослаш имконияти ҳам чекланганлиги назарда тутиш лозим.

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, ўтиш даврининг ўзи ҳақидаги фикрлар моҳиятини аниқлаш ва унинг хулосаларига асосланиб, тегишли назариялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Ўтиш даврига муносабат билдирган германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: “Одатда, “ўтиш даври” сўзларини айнан тушуниб, уни ўтмиш ва келажак оралигидаги бугун деб ўйлайдилар. Ўтмиш даврининг пайдо бўлишида,

бундай қарашларга кўра, ўтмиш- сабаб, келажак эса- мақсад тарзида воқеа бўлади”.<sup>1</sup>

Шу муаллифнинг яна бир муҳим хулосаси мавжудки, у ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, у шундай ёзади: “Табийки, ўтиш давлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумликлар билан тўла. Кимдир бундай даврларни “дарё бўйлаб ўзала тушган кўприк” деб, ўхшатиб таърифлаган эди”<sup>2</sup>.

Тоталитар тизимдан демократик жамиятга ўтиш қайси соҳадан юз беришига қараб, унинг маъно-мазмунини аниқлаш мумкин бўлади. Демократик тараққиёт босқичига ўтиш, унинг муқаррарлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг зарурлигини инкор этиб бўлмайди. Чунки, жамият ҳам инсон каби юзага келганиданок юксак камолот даражасига кўтарила олмайди, балки маълум босқичларини босиб ўтиши зарур бўлади. Ҳамма масала ана шу босқичларнинг ўзига хослигини уларда мавжуд бўладиган муаммолар кўламини аниқлаш ва ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш билан боглиқ. Аммо бу осон иш эмас. Чунки жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиш жараёни кенг кўламдаги вазифаларни қамраб олади. Уларни амалга оширишда нафақат объектив айти пайтда субъектив омилиларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Уларнинг ўтиш давридаги ўзаро алоқадорлиги ва муносабати алоҳида эътиборга молик. Шунинг учун ҳам, ўтиш даври ҳақида фикр юритганда фақат жамиятнинг демократик тизимга ўтиш хусусияти билан чекланмасдан, балки унгача жамиятлар бир босқичдан иккинчисига ўтиши учун зарур бўлган оралиқ ҳам назарда тутилмоқда.

Жамиятда бўладиган ҳарқандай ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларнинг узвийлиги ҳолатида қаралгандагина, ўтиш даврининг моҳиятини тушуниш мумкин бўлади: ўтиш даври мамлакатлар тараққиётнинг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан иккинчисига ўтиши умумий қонуният бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Барчасига хос бўлган асосий умумийлик эскисининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боглиқ. Шу маънода, ўтиш давридаги бош йўналиш “орқага қайтиш” эмас, балки “олдинга юриш”, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда юксалиш, ривожланиш демакдир.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли урунишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожеаларга қарамасдан, уларнинг қайси даражада содир бўлишидан қатъий назар, бари-бир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади.

Ўтиш даври ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролар жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис, уларнинг биринчисидан, иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжини юзага келтириб туради. Бу, ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Аммо демократик тамойиллар асосига қурилган янги жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

---

<sup>1</sup> Левитин Леонид, Дональд С.Карлайл. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т: Ўзбекистон, 1996, 52-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 53-бет

Биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар янги тузумнинг ичида шаклланади ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён силлиқ амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги, янги жамият тараққиётнинг халқ манфаатларига қаратилганлиги инсоннинг тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади:

Иккинчидан, ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятлар юзага келиши билан тугамайди, балки уларни халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги ва инсонлар эркинликларининг таъминланганлиги билан боглиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатларнинг жугрофий омилига, балки ана шу давлатда яшаётган аҳолининг сиёсий маданияти менталитетига ҳамоҳанг бўлишига ҳам боглиқдир. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган тажрибалардир.

Демократик жамиятга ўтиш деганда, мамлакатларнинг турли тузумлардан ( тоталитаризм... капитализм... харбий диктатура ва ҳ.к) демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий... ижтимоий –сиёсий ва маънавий- маърифий имкониятлар яратилади. Оралиқ вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги энг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки бугун бу масала илмий адабиётларда ўз ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса ўтиш даврининг боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди. Тўғри... ўтиш даври икки йўналишда иқтисодий ҳаётда ва сиёсий аҳамиятда пировардида демократик жамиятга олиб боровчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг асосида ижтимоий ҳамда маънавий- маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислохотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боглиқ бўлади.

Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг ўтиш даври тажрибаларига асосланиб... бу даврнинг 3 та асосий йўли ёки модели шаклланганлигини таъкидлаш мумкин.

Унинг биринчиси – классик анъанавий йўл ҳисобланади. Классик йўл деганда ... инсониятнинг демократик тараққиёт йўлига ўтишнинг дастлабки шакл ва унинг дунёдаги купчилик мамлакатлар тараққиётида самара берган андозаси тушунилади . Бу йўлнинг характерли хусусияти шундаки... унда ташқи кучларнинг аралашувисиз... мамлакатнинг ўз ички имкониятларига таянган ҳолда демократик жамиятга ўтиши амалга ошади. Бу йўлнинг яна бир асосий хусусияти шундаки... у узок тарихий босқичда амалга ошади. Ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бўҳронлар содир бўлишига қарамасдан иқтисодий соҳада ислохотлар амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг мувафаақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларида, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маънавий- маданий соҳалар ҳам ислохотларнинг амалга оширилишига имкон беради.

Классик ўтиш даврининг характерли томони-иқтисодий соҳада хусусий мулкчилик ривожланиши туфайли аҳолининг қисми иш билан таъминланиши мумкин. Аммо асосий моддий бойликнинг бир қисми лдамларда тўпланиб қолиши, бошқаларнинг эса унга қарам бўлиб қолишлари мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, ҳатто фуқаролар уруши келтириб чиқариши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлагунича давом этади. Худди ана шу жараёнлар заминида аҳолининг сиёсий онги ҳам ўсиб боради. Уларнинг ўз ҳуқуқлари таъминланишига эришишга интилиши кучаяди. Бу ўз навбатида мамлакат сиёсий ҳаётида демократик жараёнларнинг юзага келиш ва унинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказади.

Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчи – инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият кўпчилик қисми аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб, дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни, амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ҳамда унинг ўрнига янги, демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфратузилмаси вужудга келади. Улар ўз навбатида иқтисодий ҳаётда кескин ислохотларга имконият яратади. Хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Бу эса иқтисодий ислохотларни ўтказиш шарт-шароитларини имкониятларини излашни тақазо қиладди. Бунинг оқибатида аҳолининг қўлидаги моддий маблағлар ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби, иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади. Бу йўл ўта хавфлидир.

Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

а) собиқ тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги:

б) демократик кадрларнинг куртаклари мавжудлиги:

в) мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши:

г) аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч булмаганда мойил бўлиши каби жиҳатлар ҳал қилувчи омиллардир. Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади.

Демократик жамиятга ўтишнинг учунчиси – эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан, эскини кескин, “бир зарб” билан тугатмасдан, босқичма-босқич, вазминлик билан тугатиб борилади. ҳатто, уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислохотлар олиб борилади ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантирилади. Бу йўлнинг ўзига хослиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда маънавий – маърифий соҳаларни ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилишида ифода бўлади.

Хўш, нима учун аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурияти тугилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлсак, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада? Унда ҳам аста –секинлик билан демократик жамиятга ўтилган-ку?.

Эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, классик йўлдан ривожланиб бориш истаги демократик кадриятлар мавжуд жамиятда юзага келади. Бунда фаолият кўрсатаётган тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгаларининг оддий халқнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиб борилади. Унинг ўзига хос хусусияти, ҳар икки томоннинг ҳам манфаатдорлигидадир. Бундай шароитда демократик кадриятлар ижтимоий-сиёсий муносабатларни маърифатлаштириш туфайли халқ фаровонлиги таъминлаш омилига айланиб қолади. ҳозирги даврда купчилик мамлакатлар эволюцион йўл тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигини барбод этишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини тасдиқламоқда. Айниқса ўртача ривожланган мамлакатларнинг демократияга ўтиши учун хос бўлган бу йўл мамлакатлар ҳаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари булмаганлиги билан ҳам боглиқдир. **Иккинчидан**, классик ўтиш йўлида аҳолининг дунёқараши ўзгариб боришини тақазо қилган бўлса тоталитаризм- омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўй сундирган жамият бўлганлиги учун ҳам уни бирданига демократияга мослаштириш ниҳоятда мураккаб кечади. Чунки онгини узгартириш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши ҳам тараққий қилган, аграр сектор етакчилик қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошиши ҳам қонуниятдир. Чунки бундай мамлакатларда аҳолининг сиёсий маданияти кескин ўзгаришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

**Учинчидан**, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум хавф тугдирмайди, балки у ўрнини тараққиёт қиляётган янги демократик муносабатларга бўшатиб бера бошлайди.

Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун хавф тугдиради. Чунки унинг ҳукмронлиги даврида шаклланган, кучга таянган муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланишига қаршилик кўрсатиб туради. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг демократик жамиятни барпо этишда Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик томайилига бундан буён ҳам қатъий амал қилиниши таъминланади”.<sup>1</sup>

Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Ўтиш даврининг бошланиши амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва олдинги тизимнинг мавжуд маънавий-мафкуравий зўровонлигидан қутилиш билан характерланади. Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар, демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча

---

<sup>1</sup> Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – т.. Ўзбекистон, 2005, 34-бет

мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади. Аммо ҳамма масала ўтиш даври мобайнида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўлланилган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки демократик жамиятга ўтишда нафақат мамлакатларнинг тараққиёт даражалари белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, худди шунингдек, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент И.А.Каримов томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал гояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз ифодасини топди. Худди ана шу тамойилларни тавсифлаб, Президент шундай таъкидлаган эди: “Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш-танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир”.<sup>2</sup> Бу бош гояни президент И.А.Каримов жаҳон мамлакатларининг чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври моделини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги моделларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтишнинг учта босқични босиб ўтди. Уларнинг ҳар бири Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ VI сессиясида (1996йил 29-август) “Ҳозирги босқичда демократик ислохиятларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари”: биринчи чақириқ XIV сессиясида “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” (1999 йил, 14-апрел) ва нихоят, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ IX сессиясида “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” (2002йил 29-август), Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги “Базнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” (2005йил 28-январ) маърузаларида кўрсатиб берилди.

Албатта, ана шу босқичлар бири иккинчисидан кескин фарқ қилмаса–да, уларнинг негизидаги асосий гоя демократик жараёнларнинг огла томон ривожланишини ва маълум бир вақтга келганда бу жараёнга янги куч, қудрат ҳамда фаоллик бахш эта олишини ифодалайди. Чунки жараёнлар изчиллик билан таҳлил этилмаса ундаги асосий муаммо аниқланмаса ва истиқболдаги вазифалар белгиланмаса ривожланиш бўлмайди Шу маънода ҳам Президент демократик жамият қуриш борасидаги вазифаларни “чуқурлаштириш” (1996 йил) “эркинлаштириш” (1999 йил) ва “демократик ўзгаришлар орқали фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш” (2002 йил), “мамлакатни модернизациялаш

---

<sup>2</sup> Каримов И.А Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон 1993, 39-бет.

орқали жамиятни демократлаштириш” (2005 йил ) каби концептуал гояларини ифодалаб берган

### **3-Мавзу: Суверен Ўзбекистоннинг маъмурий территориал тузилиши, аҳолиси ва бой имкониятлари.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистоннинг территорияси, маъмурий тузилиши ва аҳолиси.
2. Ўзбекистоннинг стратегик хом ашёлари ва саноати.
3. Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ва экспорт салоҳияти.
4. Ўзбекистоннинг иқтисодий интеграциялашув имкониятлари.

#### **Таянч иборалар.**

Суверен, худудий, вилоят, туман, стратегик захира, экспорт салоҳияти, иқтисодий интеграция, миллатлараро тотувлик, иқтисодий потенциал, глобаллашув, сармоя, инвестиция, валюта бозори, “Ўзэкспомарказ”, коммуникацион технология.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига туб ўзгаришлар даври, улкан ва унитилмас воқеаларга бой давр сифатида кирди. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. XX асрнинг энг асосий, ўзига хос белгиларидан бири - ер юзининг турли минтақалардаги миллий - озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб, ўзга давлатларга тобе бўлиб келинган мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлаганлигидир. Бу даврнинг иккинчи ўзига хос белгиси-социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумнинг тугатилиши, собиқ совет жамияти ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидан иборатдир.

Президентимиз айтганларидек "...аср ардоғига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сунги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олижаноб шоирлар билан безаб бўясада, моҳият эътиборига қўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди".

Бутун жаҳонни титратиб, ларзага солиб турган, жаҳондорлик дағдағаси билан яшаган Шўро давлати 74 йилдан кейин парчаланиб, қум устига қурилган бинодек тарих қарига абадул-абад кетди. Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар ва ўзларининг миллий давлатларини барпо этишга киришдилар. Бошқа жумҳуриятлар каби Ўзбекистон ҳам ўзининг мустақиллигига эришди. Озодлик, мустақиллик ўзбек халқининг азалий орзу армони эди, у ниятига етди.

"Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" ги Қонунда ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотида" ва бошқа расмий ҳужжатларда айтилишича, Ўзбекистон халқи эндиликда тамомила суверендир. У ўз заминининг, ўзининг озод ва мустақил Ватанининг, давлат ҳокимиятининг бирдан -бир тўла тўла ҳуқуқли соҳибидир.

Ўзбекистон халқи ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

Биз мустақиллик, суверенитет, эркинлик тушунчалари ҳақида сўз юритмоқдамиз, шунинг айтиб ўтишимиз жоизки, улар бир хилдаги тушунчалар сифатада талқин этилади ва давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини юргизишда, давлат қурилишини, ҳокимият ва бошқарув тизимларини белгилашда ҳеч кимга тобе бўлмаган олий ҳуқуққа эга эканлигини, ҳудуднинг дахлсизлигини ва унда жойлашган барча ишлаб чиқариш, фан-техника ва табиий бойликлар, маданий қадриятлардан ва тасарруф этиш ҳеч қандай чекланмаган эгаллик ҳуқуқини билдиради. Шундай бўлса ҳам, халқаро ва давлат ичкарисидаги сиёсий тажрибалар бу тушунчалардаги бир қадар изчил босқичма-босқичликни ва уларнинг муайян сиёсий-иқтисодий белгилар ва аломатлар билан шартли боғланишни кўрсаташга асос беради.

Мустақилликни эълон қилиш бир зумлик воқеа холос, аммо унинг амалда ташқил топиши, мустаҳкамланиши ва ривожланиши кўпқиррали ва босқичма-босқич жарён бўлиб, унинг амалга ошиши билан жуда катта ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган муҳим масалалар ҳал этилади.

Мақсадимиз "демократик, адолатли, фуқоролик жамиятини қуриш. Бу бизнинг эгзгу орзуимиз, стратегиямиз". Конституциямизда демократик жамият қуришнинг дунёда эътироф этилган бир қатор тамойиллари, ўз миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўз аксини топган. Унга инсоннинг ўз ҳоҳиш иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчилиikka бўйсунуши, барча фуқороларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият ишларида қонун устиворлиги, давлатнинг асосий органларининг сайланиши ва бошқалар биз қурмоқчи бўлган демократик давлатнинг асосий белгиларидир.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг (Марказий Осиёнинг) марказий қисмидаги Амударё ва Сирдарё оралиғидада жойлашган. Унинг ҳудудининг каттагина қисми шимолий-ғарбда Турон паст текислигини; жанубий-ғарбда (Амударёнинг ўнг соҳилида) қизил кум чўллариининг бир қисмини эгаллайди, майдони 447.4 минг квадрат километр, аҳолиси 25 млн кишидан ортиқ.

Республика чегараларининг умумий узунлиги 5300 кмдан ортиқ бўлиб, унинг кўп қисми текисликлардан ўтади. Шарқий чегарамизда тоғ водийлари, дарралар, ҳамда қор ва қисман музликлар билан қопланган баланд тоғлар бор. Қозғистон Республикаси билан бўлган чегара бутун чегарамизнинг деярли ярмига тенг. Ўзбекистоннинг Турманистон билан чегараси деярли Амударё ороқали ўтади. Бу республикалар Амударёда кема қатновининг яхшиланиши ва ирригация иншоотларининг барпо этилишидан манфаатдордирлар. Жанубда Ўзбекистоннинг Афғонистон билан бўлган қисқа масофали чегараси ҳам Амударё орқали ўтади.


Республика таркибида ўн икки маъмурий вилоят (Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм) ва Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд. Жумҳурият таркибида 157 қишлоқ райони, 123 шаҳар, 104 шаҳар типигаги посёлка мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси - кўп миллатли давлат бўлиб, бу ерда 129 миллат ва элатлар истиқомат қилади. Шу жумладан ўзбеклар (71.4%), руслар(8.3%), тожиклар(4.7%), қозоқлар(4.1), татарлар(2.4%), қорақолпоқлар(2.1%), қирғиз, корейс, туркман, украин ва бошқа миллатларнинг вакиллари яшайдилар. Шаҳар аҳолиси 10 млн.га яқин, қишлоқ аҳолиси 14 миллион кишини ташқил қилади. (40% ва 60%).

Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган ёш мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси бутун куч-гайратини мустақил, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқишга мужассамлаштирмоқда. Бу сиёсат ҳаётни янгилашга, халқ хўжалигини ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга ҳамда жаҳон иқтисодиёти интеграциясига тезроқ қўшилишига қаратилгандир.

Ўзбекистон жуда катта табиий ва иқтисодий потенциалга эга бўлган мамлакат. Ноёб табиий хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистон заминидан мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар жаҳон харитасида кўп эмас.


Ўзбекистонда Менделеев даврий системасининг деярли барча элементларитопилган. Ҳозирга қадар 2.7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конларива маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турлариини ўз ичига олган. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади, шу билан бирга умумий минерал ашё потециали 3.3 триллион АҚШ долларидадан ортиқроқ баҳоланган.



Гоят стратегик манбалар - нефть ва газ конденцати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича - 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган.

Ҳар йили республика конларида тахминан 5.5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6-7 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

Олтин захиралари бўйича республика дунёда 4 ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7 - ўринда, мис захиралари бўйича 10-11 ўринда, уран захираси бўйича 7-8-ўринда туради. Ҳозир қидириб топилган захиралар негизда 400 га яқин кон, шахта, карьер, нефть-газ конлари ишлаб турибди.



Республика Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ичида қишлоқ

хўжалигининг кўп тармоқлилиги билан бир қаторда кенг тармоқли саноати билан ажралиб туради. Саноатда ҳозирги замоннинг бир қатор энг муҳим тармоқлари ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий потенциалида оғир саноатнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутди. Унинг ярмидан зиёди транспорт, автомобильсозлик, электр техника, тўқичилик ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги, киё ва тоғ-кон саноати тармоқлари ташкил этади.

Ўзбекистондаги умумий узунлиги 4000 километрдан зиёд бўлган темир йўллар амалда республиканинг барча иқтисодий марказларини бир-бири билан боғлайди. Республикадаги устки қаттиқ қопламали автомобиль йўллариининг узунлиги 40 минг километрдан зиёддир. Республика ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг кўпгина пойтахтлари билан автомобиль йўллари орқали боғланган.

Илмий тадқиқот ишлари кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. 1943 йилдан бери республика фанлар Академияси ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида янги академиялар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк молия Академияси ташкил этилди 1992 йилдан Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги фанлар Академияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хуллас, Республиканинг илмий-тадқиқод мажмуи академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ йўналишидаги 362 муассасани, шу жумладан, 101 илмий тадқиқот институти, олий ўқув юртларидаги 55 илмий-тадқиқод бўлимларини, 65 лойиҳа-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот ҳисоблаш маказини ўз ичига олади. Ўшбу илмий даргоҳларда 100 мингдан зиёд илмий ходимлар меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон олимлари физика, механика, электроника, математика, кибернетиканинг фундаментал муаммолари соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар қишлоқ хўжалик фанлари соҳасида биофизика, биохимия, микробиология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва фаннинг бошқа турли йўналишларида салмоқли натижаларга эришди. Республиканинг энг муҳим бойлиги унинг одамларидир. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, умумлашнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан илгарилаб боришини таъминлаб беради. Ўзбекистоннинг муҳим хусусити шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. 1990 -1996 йилларнинг ўзида мамлакат аҳолисининг сони 13.3 фоиз кўпайди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1996 йилда 2.0 фоизни ташкил этди ёки аҳоли бир йилда 450 минг кишига кўпайди. Ҳозир республикада 24 миллирн аҳоли яшамоқда.

Ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат заҳиралар бугун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти - унинг ёш ва касб таркибидадир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI аср бўсағасида меҳнат заҳираларлари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликини ташкил этишига имкон беради.

1. Жаҳонда инсониятнинг биологик тур сифатида яшашида ёки ядро уруши хавфи анча камайган бўлсада, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи сакланиб қолди.

2. Дунё микёсидаги умумий тараккиёт, одамлар дунёкарашининг ўзгариши, халқаро муносабатлар ривожланиши, коммуникациялар юксалиши ва уларнинг инсоният ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар уртасидаги узаро бирлашишни

кучайтирди. Эндиликда турли давлатлараро ва ҳукуматга дахли булмаган ташкилотлар аҳамиятининг ошаётгани, дунёнинг янги тизимга утиши даврида, уларнинг фаолиятини қайта ислох этишининг заруриятини тугдирди.

3. Дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг обруйи бугунги кунда унинг энг янги технологияларни қабул қилиш ва фойдаланиш савиясига қараб белгиланади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб урин эгаллашида унинг ҳақоний шарт-шароилари ҳам катта роль уйнайди. Бунда қуйидаги ҳолатларни алоҳида қурсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг транспорт, қучли энергетика, сув тизимлари марказида жойлашган.

2. Ўзбекистоннинг аҳоли сони, илмий-техникавий ва бошқа жихатлари бўйича уз қушнларидан маълум устунликлари бор.

3. Қулай табиий шароитига эга бўлиб, қадимий дехқончилик маданияти, бой минерал уғитлар ресурслари мавжуд.

4. Ватанимиз нефть, нефть маҳсулотлари, газ тармоқларини четга ҳам чиқариш имқониятига эга.

5. Ўзбекистон инсон таракқиётида салмоқли уринни эгаллаб, узининг бой маънавий мероси билан дунёда ҳам маънавий, сиёсий жараёнларга узининг қучли таъсирини утқазиб қелган.

Демак, Ўзбекистон барча соҳалар бўйича Марказий Осиёда интеграция марказига айланиши мумкин.

Ўзбекистон учун бир қатор қамчиликлар ҳам мавжуд:

1. Узбекситон географик - стратегик жихатдан қарганда, Марказий Осиёда сув ресурслари танқислиги, Орол экологияси таъсири қучайган ҳудуддир.

2. Марказий Осиёда қоммуникациялар ривожланмаган ва унинг тармоқлари талабга жавоб бермайди.

3. Минтақада ҳавфсизлик тизими йулга қуйилмаган.

4. Муқулмон дунёсидаги баъзи давлатларнинг бир-бирига мос қлмайдиган мафаатлари бизнинг минтақамизда ҳам содир бўлиши мумкин.

5. Мустақил булсақда, собик иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган уз сиёсатини, ҳуқмронлигини урнатишга интилишлар ҳам бутқул йукотилмаган.

Ўзбекистоннинг миллий ҳавфсизлигини таъминлаш бизлар учун қоят мураккаб шароитда давлатчилигимизни қуришдан, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдан, бозор иқтисодиётига утиш, жаҳон ҳамжамиятига қушилиб бориш жараёнимизни таъминлашдан иборатдир.

#### **4-Мавзу: Ҳуқуқий давлат ҳоқимиятини ташқил этиш ва унингянги жамият барпо этишдаги аҳамияти.**

##### **Режа:**

1. Ҳуқуқий давлат тушунчаси, унинг асосий белгилари ва хусусиятлари.
2. Давлат бошқарувини демократик асосда ташқил этиш. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимияти. Парламент тузилиши.
3. Ҳуқуқий давлат жамият соҳаларини ислоҳ қилишнинг асоси.

##### **Таянч иборалар:**

Ҳуқуқий давлат, жамият соҳалари, қонун устиворлиги, қонун ишлаб чиқиш механизми, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳқамаси, Қўйи палата, Юқори палата, Сенат, Спикер, фракция, қўмита, сиёсий партия.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач ҳуқуқий демократик давлат круиш йулини белгилади. Ҳуқуқий давлат назариясининг тарихи узок утмишга бориб такалади.

Маълумки, ҳокимиятлар тақимланиши ҳуқуқий давлатнинг зарурий шартидир. Бу принцип ҳокимиятнинг суистеъмол килинишига тусик куяди, фукароларнинг мансабдор шахслар тазйикидан химоя килади, давлат идоралари фаолиятининг самарали булишига ёрдам беради.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси кулдорлик даврига бориб такалади, аммо ҳуқуқий-сиёсий таълимот сифатида XVII-XVIII асрларда буржуа инкилоблари даврида шаклланди. Ҳокимиятларнинг конун чикарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга булиниши Жон Локкнинг фикрига, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг мухим воситаларидан биридир. Бунда "барча конун чикарувчи ҳокимиятга итоат этади, чунки у конунларни узната оладиган энг олий идорадир".

Француз тарихчиси ва файласуфи Шарл Монтескьенинг фикрича "адолатли курилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки бир-бирига тобе булмаган учта ҳокимият - конун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига булиниши шарт. Улар мутлако бир киши кулида тупланмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлатчиликка уз йули билан боради. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги янги Конституциясида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи узининг конуний ифодасини топган. Конституциянинг 11-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ҳокимиятларнинг конун чикарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига тақсимланиши принципига таянади. Олий Кенгаш 250 депутатдан иборат. Олий Мажлис депутатлари куп партиявийлик асосида худудий округлардан сайланадилар.

Ҳуқуқий давлат - бу фукаролик жамияти шаклидир ва давлат ҳуқуқий булиши учун кучли, хаёт кечириб кета оладиган, эрксевар, хар кандай антидемократик тажовузларга каршилиқ курсата оладиган жамият булиши керак.

Мустақиллигимиз йилларида юзлаб конунлар қабул килинди. "Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тугрисида", "Банклар ва банк фаолияти тугрисида", "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иктисодий фаолияти тугрисида" ва х.к.

Президентимиз бир катор асарларида ҳуқуқий давлатни барпо этиш йуллари, босқичларини аниклаб берди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий давлатни барпо этишда хал килувчи уринни эгаллайди.

Давлат ҳокимияти тизимида ва демократик жамият куришда Президентнинг роли катта булиб, Конституцияга биноан у давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлигидир. У айна пайтда Вазирлар Махкамасининг раиси хисобланади.

Президент сайлаш ва унинг ваколатлари хам конун билан белгиланган.

Вазирлар Махкамаси иктисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий сохаларнинг самарали фаолиятига рахбарликни, конунлар, Олий Мажлиснинг бошка карорлари, Республика Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Махаллий давлат ҳокимияти хам давлатнинг мухим таркибий кисмидир. Ҳокимлар бошчилик киладиган халк депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органи булиб, ваколатларига таалукли масалалани хал этадилар.

Фукаролар йигинлари уз-узини бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йилга раисни (оксокол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Суд ҳокимияти Республика Конституцияси томонидан кафолатланиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш олиб боради.

Давлатнинг асосий вазифаси халқ манфаатларига хизмат қилишдир.

Республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Республиканинг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Республикамиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йулини белгилаган экан, бундай давлатни барпо этишнинг шартларини ҳам эътиборга олиш лозим. Булар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистонда барпо этилган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар қулга киритган ижобий тажрибаларга суянади.

2. Буюк ватандошларимиз бутун дунё тафаккури ҳазинасига улкан ҳисса қўшдилар, катта маънавий мерос қолдирдилар. Давлатимиз буюк мутафаккирларимиз фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим.

3. Ҳозирги даврда демократик жамиятнинг бутун дунё тан олган тамойиллари мавжуд. Ўзбекистон бу тамойилларни тан олган ҳолда узига ҳос хусусиятлардан келиб чиқиб, шарқона демократик хусусиятларини ҳам эътиборга олиб уз давлатчилигини шакллантиради, ривожлантиради.

4. Демократик жараёнлар халқимизнинг миллий маданиятини узига ҳос жиҳатларини, унинг табиатини узида мужассам этмоғи лозим. Гарб намунаси қўл холларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади. Демократия тушунчаси бизда ҳамжиҳатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устунлиги заминида шаклланади.

5. Қуриладиган давлатимиз шунчаки давлат эмас, демократик давлат бўлиши ва одил жамият барпо этилиши лозим. Урта асрлардаёқ буюк мутафаккирларимиз томонидан давлат ва жамият муаммолари ҳақида мухтасар фикрлар айтилган.

Давлат ва жамоатчилик, фуқароларнинг узини-узи бошқариш органларининг уйғун фаолият қўрсатишида маҳалланинг урни алоҳидадир.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири – жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглигининг, Конституция ва қонунларнинг устиворлигининг таъминланганлигидир. Шу билан бирга, Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Қонун устиворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг III боби иккита 15 ва 16 – моддаларидан иборат бўлиб, Конституция ва қонун устиворлигига бағишланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар”.

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш санаб ўтилган субъектларнинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Агарда давлат

органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар, уларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Масалан, Конституция 93-моддаси 12-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини Республика Президенти ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Шунинг учун Конституциянинг 16-моддасида мустаҳкамланган қоидага биноан “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”. Агарда бирорта норматив – ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлсак, у бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида норматив- ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилади.

Норматив- ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилишни унинг қайси босқичда амалга оширилишига қараб, қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

Биринчидан, дастлабки назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа шаклида тайёрланган вақтида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги 2000 йил 14-декабрда қабул қилинган қонуннинг 18-моддасига мувофиқ “Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив - ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин” .

**Иккинчидан, кейинги назорат.** Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин амалга оширилади. Кейинги назоратнинг ўзини ҳам икки турга бўлиш мумкин.

А) Норматив -ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин, аммо у ҳали кучга киришидан аввал амалга ошириладиган назорат. Бу назорат ҳам Адлия вазирлиги томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қабул қилган умум мажбурий характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий жихатларни давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал амалга оширилади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

Б) Кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги юзасидан назорат. Бундай назоратнинг барча давлат органлари амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида гапирар эканмиз, ўз олдимизга қўйган қуйидаги устувор вазифа ва йўналишларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур” деб таъкидлади. Биринчи устувор вазифа: “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа, бу-қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд

тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқорор мувозанатга эришишдан иборат”.<sup>1</sup>

Умуман олганда қонунларнинг ижро этилиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мос бўлишини назорат қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари томонидан олиб борилади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назорати амалга оширишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти муҳим роль ўйнайди.<sup>1</sup> Ер юзида инсон борки, у доимо ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун имконият излаган. Омбудсманнинг ташқил топиши эса, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларга янада аниқлик киритди. Омбудсман фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, муносабатларни назорат қилувчи вакилдир. “Омбудсман” (Hombutsmen) Шведча сўз бўлиб... “ ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш... назорат қилувчи мансабдор шахс ёки вакил ” маъносини англатади.<sup>2</sup>

Омбудсман институтининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Омбудсманнинг тарихий илдизларидан бири Қуръони Карим ва ислом мафкурасининг бир қисми сифатида одиллик тамойилларида келиб чиқади.<sup>3</sup> Ўша пайт инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш... мулкӣ... оила ва никоҳга оид ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳамда шикоятларни қабул қилиш ва низоларни ҳал қилиш учун мухтасиб мансаби дастлаб халифа Умар томонидан ташқил этилган эди. Кейинчалик ана шундай махтасиб мансаби Мовароуннаҳрдаги мавжуд хонликларда ҳам ташқил этилган бўлиб... улар асосан фуқароларнинг шикоятларини адолат нуқтаи назаридан ҳал этишга интиланлар.

Шундай қилиб... Омбудсман институтининг илдизлари Дин Готттере таъкидланганидек... Шарқ мамлакатлари давлатчилигига бориб тақалади. Бироқ ер юзида расмий равишда эса... биринчи маротаба Омбудсман институти 1709 йил Швеция қироллиги ҳузурида ташқил топган. 1709 йили Швеция қироли Карл XII Полтава жангида маглубиятга учраб... Туркияга қочиб кетади. қиролсиз қолган Швецияда таритибсизлик бошланади. Бундан хабар топган Карл XII Туркияда туриб... 1713 йил Швеция қироллиги ҳузурида Омбудсман ташқил қилиш ҳақидаги қонунга имзо чекади. Бугунги кунда деярли барча демократи мамлакатларда Омбудсман институти ташқил этилган. Омбудсманнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг мустақиллигидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан инсонпарварлик... адолатпарварлик гояларига асосланган жиноят... жиноят проссесуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга... жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А Бизнинг бош мақсадимиз –жамятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон 2005,. 36-бет.

<sup>1</sup> Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг Парламенти: Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолияти. – Т.: Ўзбекистон,. 1999, 11-17-бетлар.

<sup>2</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий- оммабоп лугати – Т: Шарқ 1998?. 179 - бет.

<sup>3</sup>

Масалан... Республикамиз Президенти томонидан лойиҳаси киритилиб... 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “ Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят... Жиноят- процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида ”ги қонун билан жиноятларни таснифлаш енгиллаштириш маъносида такомиллаштирилди... учрашув институти жорий этилди.Жиноят кодексидаги ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди... мол – мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора тадбирлар қўлланилди.

Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси тўлақонли мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тага қисқартирилди.

Эндиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасддан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Айни вақтда қонунчилигимиз ўлим жазосининг хотин қизларга... вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўлланилишини маън этади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинган қонунининг 20 –моддасига мувофиқ

“ Вазирликлар... давлат қўмиталари... идоралар... фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари... жамоат бирлашмалари ... корхоналар муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар... давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий қисмлари ... ҳарбий тузилмалари... ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши ... шунингдек... улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади ”.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки... демократик... ҳуқуқий давлат куч... инқилоб билан эмас... балки тадбий-тарихий эволюцион йўл билан барпо этилади. Албатта ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёкки бу қонунларнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. Негаки... қонунлар ҳуқуқи нормалар мажмуи сифатида ҳар бир давлатда мавжуд ва ҳар қандай ҳокимият улардан фойдаланади. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигига ва уларнинг қандай бажарилишидадир.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда Юртбошимизнинг 1996 йил 31 октябрдаги “ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази”ни тузиш тўғрисидаги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда . Бугунги кунда Миллий марказнинг мамлакатимиз ва бутун жаҳондаги инсон ҳуқуқлари... эркинликларини жаҳон халқаро ҳуқуқ нормалар асосида ҳимоя этишнинг таъсирли воситаси сифатида фаолияти ҳам ибратли бўлмоқда. Бироқ бу борада демократик тамойилларни ҳаётга тўлиқ жорий этилишида айрим жиддий муаммолар ҳам мавжуд. Улардан бири том маънодаги суд мустақиллигига эришишдан иборатдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек... “ Судлар том маънодаги мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси... уларнинг ҳақиқий устуворлиги

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.—Т:Ўзбекистон 2005й.48- бет.

сўзсиз таъминланади. қаерда суд мустақил бўлмас экан... шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар ”.<sup>1</sup> Дарҳақиқат... қонун устуворлигини... инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб... демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Судлар томонидан давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослигининг назорат қилиниши – суд органларининг ваколатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12 – моддаси “ Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органининг ҳужжати ҳақиқий эмас деб топиш ”... деб номланган бўлиб... унинг биринчи қисмига мувофиқ “ Давлат органларининг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қону билан қуриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас ... деб топилиши мумкин”.

Суд ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас... деб қарор чиқарган тақдирда... бу қарор ҳамма давлат органлари ва бошқалар учун ҳам мажбурийдир.

қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив- ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109 – моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг... Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг... Ҳукумат қарорларининг... давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Конституциянинг ушбу моддасида кўрсатилган норматив - ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ёки қонунларга мослигини умумий юрисдикция ёки ҳўжалик судлари назорат қилишга ҳақли эмаслар. Уларнинг Конституцияга мослигини аниқлаш Конституциявий суднинг мутлақ ваколатига киради.

Агар шу норма асос қилиб олинадиган бўлса... фикримизга кўра... Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди республика Президентининг индивидуал характерга эга бўлган фармонларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг индивидуал характерига эга бўлган қарорларининг Конституцияга мослигини ҳам назорат қилмаслиги лозим.

Прокурор қабул қилган қарорлар устидан, шунингдек, Республика Бош прокурори қабул қилган индивидуал характерга эга бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар устидан амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, судга шикоят қилиш мумкин эмас. Чунончи, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида прокурор қабул қилган “қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин” деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

2005 йил 1 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 январдан “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ги фармони эълон қилинди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.—Т: Ўзбекистон. 2003й. 31- бет.

Норматив-ҳукукий ҳужжатларни Конституцияга мослигини назорат қилишда кўрсатиб ўтилган органларнинг жумладан, Конституциявий суднинг ваколатлари муҳим аҳамият касб этади ва мамлакатимиздаги ислохотларнинг кейинги босқичларида яна ҳам такомиллашиб боради.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, қонун устиворлиги қуйидаги уччала ҳолат бўлгандагина, ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолат принципига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий асосланган бўлиши шарт.

Иккинчидан, барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар талаби барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан қатъий бажарилиши зарур.

Учинчидан, барча норматив-ҳукукий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши шарт.

Демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устиворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир. Албатта, демократик жамият қуриш фақат қонун устиворлиги билан чекланиб қолмайди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. У икки палатадан иборат бўлиб, қўйи палата - Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал доимий фаолият кўрсатишига асосланади. Икки палатали парламентга сайловлар амалдаги парламент ўтказилган сайловлардан ўзининг мураккаблиги, демократиклиги, халқчиллиги ва легитимлиги билан фарқ қилади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси туғрисида»ги конституциявий қонунда белгиланганидек, энди депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, фуқаролар, сиёсий партиялар эга бўлдилар. Бу халқнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиши ва амалга оширишидаги муҳим мезондир. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб, у сиёсий партияларга уюшиш орқали бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклларида фойдаланади. Натижада давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолият юритиб, норматив-ҳукукий ҳужжатлар қабул қилади.

Аммо ҳозирги кунда сиёсий партияларимиз жаҳон сиёсий демократик андозаларидан биров узок яъни уларда реал воқеликни, қатъий вазифаларни кўзлаган ҳолда иш юритиш жараёни суст кечмокда.

Шу боис фуқаролар ўтказилаётган сайловларда сиёсий партиянинг дастури ва мақсадини кўзлаб эмас, депутатликка номзод шахснинг манфаатини ифодалаб овоз берадилар. Чунки партиялар реал ижтимоий гуруҳнинг манфаатини ифода этмаган. Шунинг учун фуқаро партия борлигига ёки йўқлигига ҳам қизиқмайди. Унинг дастурлари билан танишмайди. Бунинг натижасида сайловларнинг демократиклигига, вужудга келадиган ҳокимиятнинг асосий муаллифи халқ, эканлигига фуқароларда шубҳа ўйғонади, аммо шуни таъкидлаш керакки профессионал парламент кўринишига эга бўлган давлатимизда 2006-2007 йилларга келиб сиёсий партиялар ўртасида рақобат руҳи шаклланиб уларнинг дастурлари

аниқлашиб бормокда бу жараён сайловларда ҳам ўз аксини топиб боради. Қонунчилик палатасининг ваколат муддати - беш йил. Ваколат муддати тугагач, у янги қонунчилик палатаси иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунига қадар 25 ёшга тулган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқароси қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин. Фикримизча, доимий фаолият кўрсатадиган Қўйи палата қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатаётган сиёсий партиялар малакали юристлар, сиёсатчилар, иктисодчилар ва бошқа мутахассисларнинг номзодини сайловга қўйсалар, мақсадга мувофиқ, бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси ҳисобланмиш ҳудудий вакиллик палатаси Сенат деб номланади. Сенаторлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йули билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - 6 кишидан сайланади. Юқори палатанинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрули фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Бугун миллий парламент тизимига киритилаётган янги институт - Сенатни шакллантириш, дарҳақиқат, мураккаб жараёни талаб этади. Сенатга сайловлар Қонунчилик палатасига бўладиган сайловлардан бирмунча фарқланади. Таъкидлаш жоизки, парламентимиз тизимида Сенатнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципини янада мустаҳкамлайди. Ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари билан бир қаторда, бевосита парламентнинг ҳар икки палатаси ўртасида институционал мустақиллик вужудга келади. Бу Конституцияга киритилган тегишли янги қоидаларда инобатга олинди: Сенатнинг конституциявий модели шакллантирилди.

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сайлов кунини 25 ёшга тулган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзоларини сайлаш тартиби туғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланади.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларидан 50 фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади. 2005 йил 27 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палата (Қонунчилик палатаси ва Сенат) сининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасини спикер Эркин Халилов бошқараётган бўлса, Юқори палата Сенатда раис Илгизар Собиров бошчилигида қонунлар муҳокамада сўнг тасдиқланмоқда.

## **5-Мавзу: Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократиятириш.**

### **Режа:**

1. Бозор иқтисодиёти ва демократия, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги.
2. Эркинлаштириш-бозор инфратузилмасини муҳим омили.
3. Кўпмулкчиликка таянган бозор иқтисодиёти демократик ривожланишининг муҳим омили.

### **Таянч иборалар.**

Иқтисодиёт, иқтисодий ислохотлар механизми, бозор муносабатлари, миллий бозор, жаҳон бозори, импорт, экспорт, ижтимоий ҳимоя, инфраструктура, мулк шакллари, хусусийлаштириш, ижтимоий кафолат, банк, имтиёзли кредит, солиқ.

Иқтисодий -сиёсий ҳалокатга юз тутган собиқ иттифоқ таркибидан ўз мустақиллигини эълон қилиб, миллий республикалар чиқиб кета бошладилар. Жумладан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилар экан, қайси йўлдан бориши, қандай жамият яратиши керак деган муаммоларга жавоб топиши керак эди.

Президентимиз И.А. Каримов етук иқтисодчи ва сиёсатчи, тажрибали давлат арбоби сифатида масалага жиддий ёндошиб, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш йўлларини ўрганиб, таҳлил этар экан, ўзининг бир қатор рисолаларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини илмий-назарий жиҳатдан белгилаб берди. Жумладан «истиклол йўли; муаммолар ва режалар; «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» ва бошқа асарларида ислохотларнинг илмий-назарий асосларини, миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ йўналишларини очиб берди.

Иқтисодий ислохотларни мустақил бошланганига қадар бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолати жуда оғир вазиятда эди. Бундан кўркўрона бирор бир давлатни иқтисодий моделига асосланган ҳолда чиқиб кетиб бўлмас эди. Иқтисодий кризисдан чиқиши учун ҳар томонлама пухта ўйланган бир неча давлатларнинг ижобий тажрибаларига суянган ҳолда, миллий хусусиятларни ва республикадаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиб, кенг миқёсидаги туб иқтисодий ислохотлар дастурининг назарий асосларини яратиш керак деган хулосага асосланиб иш олиб борилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг модели, иқтисодий кризислардан чиқиб кетишнинг турли йўллари бўлсада, уларнинг биронтасини тўғридан-тўғри асосий йўл қилиб олишнинг ўзи муаммога юзаки қараш бўлар эди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар борасида изланиш олиб борилар экан, жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидаги муқаррар босқич- бозор иқтисодиётидир, деган хулосага келинди ва мана шу умумий қонуниятдан келиб чиқиб, фақат бозор муносабатларигина республикани инкироздан олиб чиқибгина қолмай, балки ривожланиши учун кучли иқтисодий ва сиёсий омил яратиши

мумкин деган хулосага келинди ва бу услубий илмий хулосани амалга ошириши учун киритилди.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти нимадан иборат, нима учун иқтисодий тараққиёт учун кафолат бўлиш мумкин? Бозор муносабати мураккаб ва жамият тараққиёти учун ўта аҳамиятлидир.

Бозор товар айрибошлаш соҳаси миқёси жихатидан ички (махаллий, миллий) бозорга ва ташқи (жаҳон) бозорларига бўлинади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш мулк эгаларига айланиши бозорни вужудга келишига асос бўлади. мамлакат ичкарисиди ва ташқи дунё билан бўлаётган турли муносабатларда фаоллик жараёни юзага келади. Биринчи навбатда товар айрибошлашда тезкорлик юзага келади. Товар айрибошлашнинг турли формаларидан фойдаланиш асосида кўшимча қиймат олиш муҳим омил бўлиб қолади. Агар бозор шароитида қайси давлат ўз қобиғида ўралиб қолса албатта иқтисоди ҳалокатга олиб келади шунинг учун шу йўлни танлаган давлат турли мамлакатлар билан иқтисодий алоқани кучайтиришга мажбур. Аини пайтда умум жаҳон ривожланиш оқимида кўшилиб кетади.

Бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра кўп қиррали система бўлиб, ижтимоий ҳаётни ҳамма жабҳаларини тўлалигича қамраб олади ва ўз таъсирини ўтказади, бозор иқтисодиёти муносабатларининг қонуниятларига бўйсунушга жамиятни мажбур қилади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтар экан ўзига хос йўлни танлади яъни пухта ўйланган дастур бўйича учта асосий нарсага эътибор берилди:

1-чиси иқтисодиётни тўлиқ инсон манфаатларига хизмат қилишига мослаб, яъни инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш.

2-чиси эски иқтисодиёт юритиш механизмларини бирданига бузиб ташламасдан, секин аста янгисини яратиш.

3-чиси пировард мақсад Ўзбекистонни импорт мамлакатидан экспорт мамлакатига айлантириб бориш.

Давлат қурилиш дастурининг ва Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ этишнинг бутун ўзаги мамлакат Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойилдир. Улар:

1-дан иқтисодиётни мафкурадан устинлиги;

2-дан давлат бош ислоҳчилиги;

3-дан Қонунлар устиворлиги;

4-дан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;

5-дан ҳеч қандай сакрашларсиз босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу қоидалар бозор иқтисодиётимизга ўтиш асослари қилиб олинди.

Ички сиёсатнинг асоси аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қилишдан иборат бўлди.

Бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг дастлабки босқичларида нархларни эркинлаштириш ва пулнинг қадирсизланиш даражасини ортиб бориш муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш энг устун йўналишлардан бири бўлиб қолди. Нодавлат ва хайрия ташкилотларини тузилиши ҳам катта рол ўйнайди.

«Наврўз», «Махалла», «Соғлом авлод» ва бошқа қатор жамғармалар ҳам намунали ишларни амалга оширдилар.

1992-1999 йиллар мобайнида иш ҳақи ва нафақаларнинг энг кам миқдори бу даврда 428 баробардан 1230 баробар кўпайди. 1999 йил 1 январдан бошлаб иш

ҳақининг энг кам миқдори 1320 сўм бўлган ҳолда, қарилик нафақанинг энг кам миқдори 2520 сўмни, ногиронларники эса 1530 сўмни ташқил этди.

16 ёшгача болалари бўлган оилалар учун нафақалар ота-онасининг умуман оиласининг даромадидан қатъий назар барча оилаларга тўланадиган бўлди.

Иқтисодий сиёсатнинг марказида халқ манфаати турар экан бу Ўзбекистон давлатининг буюклигидан даракдир.

Ўзбекистонда иқтисодий узгаришларнинг асоси - бу мулкчилик ҳуқуқидир. Республикамизда мулкдорнинг ҳуқуқи тан олинади ва конун билан курикланади.

Республика Конституциясида Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташқил этиши белгилаб қуйилган.

"Мулкчилик тугрисида"ги Конунга биноан, Ўзбекитсон Республикаси мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий химоя килинишини қафолатлайди. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда хусусий секторнинг, тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб келган юридик ташқилий тусиклар олиб ташланди.

Давлатга қарашли булмаган секторни вужудга келтириш купрок давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига амалга оширилмокда. Бу йул социалистик тузумдан кейин куп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим хусусиятидир. Бирок давлат иқтисодиётнинг купинча иқтисодий жихатдан самарасиз булган, бирок мамлакат иқтисодий тараккиётида муҳим роль уйнайдиган айрим сектор, айрим корхоналарни куллаб қувватлаб вақтинча саклаб туриш ва маблаг билан таъминлаш лозим. Улар иқтисодий жихатдан мустаҳкамланиб олгач хусусий мулк килиб сотилади.

Бир неча ун йилликлар мобайнида давлат мулки деб аталган, аслида халкка тегишли булмаган мулк формаси ҳукмронлик килиб келди. Бу эғалик ҳиссининг йуқолиб боришига, иқтисодий манфаатдорлик ва меҳнатдан рағбатланишнинг пасайишига олиб келди. Шу сабабли иқтисодий ислохотлар биринчи боскичининг гоят муҳим вазифаси давлат монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига куп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди. Республикамизда бозор муносабатларига утишнинг узимиз ишлаб чиккан модели - хусусиятларидан келиб чиқиб, куп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг йули ишлаб чикилди:

1) Энг аввало давлат мулки фақат янги мулкдорга сотиш йули билангина мулкчиликнинг бошка шаклига айлантририлиши мумкин деган ҳулосага келинди. Бундан фақат инфраструктура ва экологик химоя васиталаригина истиснодир.

2) Иккинчи муҳим хусусият - хусусийлаштиришга дастурий ёндошувни таъминлаш ва уни боскичма-боскич амалга оширишдан иборатдир.

3) Хусусийлаштиришдаги учинчи хусусият шундан иборатки, бизда мулкни давлат тасарруфида чиқариш чогида аҳоли учун кучли социал қафолатлар яратилди.

Хусусийлаштириш чогида меҳнат жамоасининг аъзолари акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олдилар. Янги мулкдорга эскириб қолган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфраструктура объектлари бепул топширилади. Давлат хужаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар билан топширилади. Купчилик савдо ва хизмат курсатиш соҳаси объектлари янги эғаларига ер участкалари билан сотилди. Корхоналар хусусийлаштирилгач, унинг янги эғаларига солиқ тулашда ҳам бир қатор имтиёзлар берилди.

Умуман, ижтимоий кафолатлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун ҳам, улар хусусийлаштирилгач муваффақиятли фаолият курсатишлари учун ҳам кулай шароитлар яратиб бериши лозим.

Иктисодий ислохотларнинг биринчи боскичида хусусийлаштириш соҳасида куйидаги натижалар кулга киритилди:

Энг аввало кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкни бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар тузилди.

Кичик хусусийлаштириш жараёни асосан савдо, аҳолига маиший хизмат курсатиш, маҳаллий ва саноат корхоналар соҳаларида амалга оширилди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланиб, ҳозир савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш янги маҳсулотларининг 82% дан ортиги хусусий секторга тугри келади.

Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳам дастлабки қадам бўлди. Хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки уй-жой фондининг 95% дан ортиги фуқароларнинг мулки бўлиб қолди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси эгаларига бепул ёки имтиёзли шартлар асосида берилди.

Хусусийлаштириш махсус дастурлар асосида амалга оширлади. Натижада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлади.

Мулкнинг янги шаклларини вужудга келиши бозор иктисодиёти қонунларига, аҳолининг манфаатдорлигига имконият яратиб беради. Мулкнинг шаклларини қупайиши аҳолининг иктисодий манфаатдорлигига имконият яратиб берибгина қолмай бозор инфраструктурасининг вужудга келишига, бозорда маҳсулотларнинг қупайишига натижада рақобатчилик муҳитининг шаклланишига олиб келади. Сузсиз бозорда маҳсулотнинг қупайиши нарх-навонинг аста секинлик билан пасайиб боришига, харидорнинг маҳсулотни танлаб олиш имкониятига эга бўлишига шароит яратади.

Умуман давлатнинг фаол ислохотчилик сиёсати Ўзбекистонда мулкнинг турли шакллари юзага келтиради.

Чинакам талаб ва тақлиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иктисодиётининг гоят муҳим бугини бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг узаро жипс таъсирини таъминлайди. Эркин нарх белгилаш механизми ишлаб чиқариш, айрбошлаш, тақсимлаш, истеъмол қилиш жараёнида товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини энг мақбул даражада устунлаштириш имкониятини беради.

Нархларни эркинлаштиришга аста-секин, босқичма-босқич, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан аниқлаб олинган тадбирлар асосида қилинади.

1991-1994 йилларда барча турдаги маҳсулотларнинг олдиндан белгилаб қуйилган нархларидан воз кечилиб эркин нархларга утилди, ҳамма истеъмол товарларининг нархлари устидан тугридан-тугри давлат назорати тухтатилди.

1991 й. 10 январдаги "Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги ҳукумат қарорига мувофиқ, ижтимоий ҳимоялашнинг қораларини унутмаган ҳолда, Ўзбекистон кенг даражадаги техника воситалари ишлаб чиқариш маҳсулотлари, айрим турдаги халқ истеъмоли товарлари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан қилишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтди. Лекин чекланган доирадаги озик-овқат ва саноат маҳсулотлари нархларининг чегараси

белгилаб куйилди. Шунингдек, айрим турдаги хизматларнинг энг юкори таърифдаги жорий этилди. 1993 йилдаги нархларни эркинлаштиришнинг хусусияти шундан иборат булдики, бу боскичда келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тухтатилди.

1994 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида халк истеъмоли махсулотларининг асосий турларига нархлар эркин куйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Нон ва унинг нархлари, уй-жой коммунал хужалиги ҳамда шаҳар умумий транспорт хизматининг тарифларигагина қисман давлат дотацияси бериладиган булди. Шундай қилиб, 1995 йилдан Ўзбекистон бозор иктисодиёти шароитида ислохотларнинг биринчи боскичи тула ишга тушди.

Иктисодиётда рақобатчилик мухитини вужудга келтириш сиёсатини ҳам ҳукумат аниқ мақсад билан олиб борди. Ана шу мақсадда 1992 йил августда Ўзбекистон Республикасининг "Монопол фаолиятини чеклаш тугрисида"ги Қонуни қучга киритилди ва унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Молия Вазирлиги таркибида Антимонополь ва нарх наво сиёсатини утқазиб Бош бошқармаси тузилиб, унга монополия мавқеидаги қорхоналар махсулоти бўйича нархларни ва рентабелликни тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилди ва 1625 гурудаги товарлар хили бўйича 658 қорхона монополиялар руйхатига киритилди. (Ўзб. иқт. ислох. чук.й. 98-102 бет)

Бозор иктисодиётига утишдан олдин бозор инфраструктурасини яратиш зарур. Молия банк-кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, сугурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари, компанияларнинг ягона тизимини яратиш лозим.

Давлат буюртмаси тугатилгач товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар булган собиқ ташқилотлар ҳам тугатилди. Уларнинг урнига товар бозорини шакллантириши зарур булган муассасалар тизими яратилди. Республика товар хом-ашё биржаси ривожланди, савдо уйлари, воситачи фирмалар вужудга келди. Капитал бозорининг шаклланишини таъминловчи тузулмалар ташқил этилди. Молия ва пул-кредитни тартибга солувчи мутлақо янги тизим яратилди.

1994 йилдан бошлаб кредит ресурсларининг бозори фаол ишлай бошлади. Кредитларнинг танлов асосида тақсимланиши молия бозорини вужудга келтирди. Хиссдорлик асосида иш олиб боровчи 40 дан ортиқ нодавлат сугурта компанияси тузилди.

Ишсизлик биржаси ташқил этилиб, ишсизлик бўйича нафақа тулаш тизими яратилди.

Шу тариқа, ислохотларнинг биринчи боскичида ички ва ташқи бозорни тартибга солишни таъминловчи бозор инфраструктурасининг қуп қирралари яратилди.

Иктисодиётни ислох қилишнинг иккинчи боскичи бозор муносабатларини шакллантириш давридир. У давлатимизни иктисодиё тузилишини мустаҳкамлашга, иктисодий мустақилликка эришишга, миллий валюта муомаласи ва ички алмашуви барқарорлигини таъминлашга йуналтирилган. Бу шундан кейин боскичларда инвестиция фаолиятини қучайтириш, чуқур тақрибий узғаришларни амалга ошириш, иктисодий усишни таъминлаш, жаҳон иктисодий тизимида кенг микёсда қушилиш, унда уз мавқеини мустаҳкамлаш учун негиз яратиладиган даврдир.

Иктисодий ислохотлар иккинчи боскичининг асосий вазифаларидан куйидагиларни алохида курсатиб утиш лозим:

1. Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
2. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиктисодиёт барқарорлигини таъминлаш, ҳам корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иктисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш;
3. Миллий валюта - сумни яна ҳам мустаҳкамлаш;
4. Иктисодиётимиз структурасини тубдан янгилаш, хом-ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга утиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Утиш даврининг 2-боскичида аҳолининг кам таъминланган катламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам курсатиш борасида илгари тутилган йул давом эттирилмоғи лозим.

Иктисодиётни ислох қилишнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иккинчи боскичда давлат мулкани хусусийлаштириш ва ижтимоий йуналтирилган куп укладли иктисодиётни шакллантириш юзасидан бошланган иш давом эттирилади. Иккинчи боскичда давлат мулкани дастлабки хусусийлаштиришни тугаллаш, чинакам мулкдорлар катламини шакллантириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш, давлатга қарашли бўлмаган ижтимоий ишлаб чиқариш тарқибини тубдан узгартириш вазифасини уз олдимизга қуймоқдамиз.

Хусусийлаштиришда шовша-шовшарликка йул қуйиб бўлмайди. Бу иктисодий тангликка олиб қелиши, имтиёзлар сонини қупайишига, ижтимоий табақаланишни кучайишига олиб қелиши мумкин.

Хусусийлаштириш давомида камида 2 та асосий вазифа ҳал этилиши лозим:

1. Бизнинг ихтиёримиздаги мулк узининг ҳақиқий ҳужайинига эга бўлиши керак. Бу тадбиркорлик фаолиятига кенг йул очиб беради. Мулкдорлик туйғуси инсоннинг қуч-ғайратини, билимини, тажрибасини, қобилиятини юзага чиқишига йул очиб беради.

2. Хусусийлаштириш давомида куп укладли иктисодиётни ва рақобатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш лозим.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришнинг иштироки турличадир. Бу энг аввало мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ухшаш турлари билан шугулланувчи ёки бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат курсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шаклларига - давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқа шаклларига асосланган купдан-куп корхоналар ташқил қилишдан иборат.

Ташаббускорликни ривожлантиришга аҳамият бериш гоётда муҳимдир.

Ташаббускорлик тариқасида яқка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар қуринишидаги янги кичик ва урта корхоналарни ташқил этиш қудратли жараён ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда барча корхоналарнинг ярмидан қупроғи мана шундай кичик корхоналарнинг улушига туғри келади.

Ихчам технология усқуналари билан жихозланган кичик корхоналарни ривожлантириш ички бозорни тулдиришга, аҳолининг катта қисмини иш билан

таъминланишига олиб келади. Шунинг учун давлат кичик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта ёрдам курсатиши лозим. Кички бизнесни ривожлантириш ва уни конун ҳимоясига олиниши 2-боскичда муҳим вазифадир.

Юқоридаги фикрлардан барча корхоналар ёппасига хусусийлаштирилади, деб ҳулоса чиқармаслик керак. Франция, Япония, Италия каби давлатлар тажрибаси давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли роль уйнай веришидан далолат беради.

Иккинчи боскичда саноатнинг асосий тармоклари: ёнилғи энергетика, кон саноати, машинасозлик, пахтани қайта ишлаш комплексларида хусусийлаштириш кенг авж олдирилади.

Транспорт корхоналарини, транспорт воситаларини хусусийлаштириш жараёни давом эттирилади.

Йирик, урта корхоналарни акциядорликка ўтказиш, уларнинг негизи - хиссадорлик жамиятларини тузиш хусусийлаштиришнинг муҳим йуналиши бўлмоғи лозим.

Иктисодиётни барқарорлаштири бозорни шакллантириш йулидаги қонуният ва муқаррар жараёндир.

Барқарорлаштириш сиёсати - бу аввало макроиктисодиёт (иктисодиётни бир бутунликда олиб қараш)да мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади - бошқариб бўлмайдиган, иктисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ва ташқи мувозанатсизликдан четлаб ўтиш, зарур бўлган тақдирда уни тугрилашдан иборатдир.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда принципаал жihatдан бир-биридан фарқ қилувчи бир неча хил ёндошувлар мавжуд. Улардан учтасига алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин:

1. Монетар ёндошув. Бу ёндошув чуқур иктисодий ўзгаришларни таъминлайди. Бунга қўра пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туриш, пул массасини ҳамда туловга қодир бўлган жаъми талабни кескин қамайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштириш лозим.

2. Фискал сиёсат. Бу сиёсатга қўра бир меъёрда молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади. Бу сиёсатга қўра солиқ сиёсати тақомиллаштирилади. Бу сиёсат ишлаб чиқариш ва тадбирқорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга, иктисодиётда номутаносибликка барҳам беришга асосланган сиёсатдир.


3. Ўзбекистоннинг ёндошуи. Бунга иктисодиётни барқарорлаштиришнинг факат ишлаб чиқарувчиларга, моддий бойликларни яратаётганларга таянган ҳолда эришилади. Бу ёндошувга қўра тангликдан ижтимоий ларзаларсиз, портлашларсиз эсон-омон чиқишга ҳаракат қилинади.

Макроиктисодиё барқарорлик бу иктисодиётни исонлантириш, унинг тарқибини янгилаш, инвестиция фаолиятини шакллантириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун шарт-шароитлар тайёрлаш учун муҳимдир.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида республика иктисодиётининг тарқибий тузилишида кескин ўзгаришларга асос солиниши, тармок тузилишини тўздан ўзгартириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талабларига етқизиш вазифалари қўйилади.

Бундай сиёсат Ўзбекистоннинг бутунлай янги халқ хужалик комплексини барпо этишга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасига хорижий сармояларнинг киритилиши билан боғлиқ статистик маълумотларга тўхталиб ўтадиган бўлсак қўйидагича кўриниш олганини кўришимиз мумкин.



Чет эл сармояси киритилиши (млн АҚШ доллари)

Чет эл сармоялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони

Чуқур таркибий узгаришларга эришиш учун иктисодиётнинг тармок ва ҳудудий тузилиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркиби, экспорт ва импорт таркибини қайта қуриш керак. Шунингдек, энг муҳим макроиктисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солиш лозим.

Республиканинг уз кучларига таянишга булган зарурати энг аввало муҳим узак тармоклар - нефть ва газ саноати, энергетика, олтин казиб олиш, рангли металлургиянинг бошқа тармоклари, коммуникация ва инфраструктура тизимини ривожлантиришни талаб этди. Кимё комплекси тубдан қайта қурилиб, Ётехника билан таъминланди.

Ўзбекистоннинг иктисодий, технологик юкори мавкега эришиши учун фан ва техника ютуқлари кенг жорий этиладиган саноат тармокларини ривожлантириш ҳам муҳим стратегик вазифалардир. Машинасозлик, радиотехника, электротехника соҳалари шулар жумласидандир.

Иккинчи боскичда кишлоқ хужалигида, умуман агросаноат кмплексида чуқур прогрессив узгаришлар қилишга эришиш ҳам белгиланган.

Нон ишлаб чиқариш соҳасидаги такрибий узгаришлар халқ фаровонлигини оширишга, илм-фан тараккиётига олиб келади.

Иккинчи боскичдаги энг муҳим вазифа ижтимоий йуналишни ривожлантириш вазифасидир. Ижтимоий йуналишда олиб бориладиган фаолият туфайли инсоннинг кадри ошиши, унинг меҳнати уз кадрини топиши, аҳолининг иш билан таъминлаш учун янги иш жойлари пайдо булиши, касб-хунарга ургатиш том маънода яхши йулга қуйилиши керак.

## 6-Мавзу: Маънавият ва фуқаролик жамияти.

### Режа:

1. Фуқаролик жамияти асослари, мезонлари ва қонуниятлари

2. Фуқаролик жамияти етук маънавият ва демократия маҳсули.
3. “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамият сари” тамойилининг моҳияти.

### Таянч иборалар

Фуқаролик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, сиёсий онг, сиёсий маданият, халқ ҳокимияти, маънавият, маърифат, жамиятнинг маънавий соҳаси, ижтимоий сиёсий соҳаси, иқтисодий соҳа, қонун устиворлиги, демократик жамият, халқ ҳокимияти, сиёсий плюрализм, толерантлик.

Фуқаролик жамияти - бу сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштиришдир. Фуқаролик жамиятида ҳужалик турмуши буйруқ асосига эмас, шартнома асосига қурилиши лозим. Жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳам ҳуқуқий давлатнинг муҳим омили ва шартидир. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусияти давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тусда бўлишидир. Ҳуқуқий давлатда инсонпарварлик, инсон ҳақида ғамхурлик юқори даражада бўлади. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим хусусияти фуқароларнинг қонун олдида тенглигидир. Ҳуқуқий давлатда инсон ҳаёти, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари Конституция ва қонунларда тан олинади ва ҳимоя қилинади. Ҳуқуқий давлатда қонун устивор бўлди. Қонун устун бўлган жойда адолат урнатилади, одамларда келажакка ишонч бўлади, фуқароларнинг қонунга ишончи бўлади, ахлоқсизлик ва жиноят камаяди. Биз демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурмокчимиз. Бу тугрисида Конституциямизда ҳам белгиланган бўлиб, бунга кура фуқаролар билан давлат узаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғланган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиздир.

Фуқаролик жамияти қуришнинг маъноси шуки, давлатчилик ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли вазифалари бевосита халққа топширилди, яъни уз-узини бошқариш органлари янада ривожлантирилади. Лекин утиш даврида кучли бошқарув аппарати,

Фуқаролик жамияти» ва «жамият» тушунчалари айнан бир нарса эмас. Жамият бу кишилар умумийлиги, давлатнинг бугун белгиларини ўз ичига оладиган бирлиги. фуқаролик жамияти - бу жамиятнинг бир қисми, ҳокимиятнинг давлат органлари ва бошқарувидан ташқари қисми. фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси фуқароларнинг сиёсий ва жамоат ташкилотларига бирлашиш даражаси, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг таъсири ва тарққиёт даражаси билан белгиланади.

Мамлакатимизнинг фуқаролик жамияти қурилиши йулидан бораётганлигини мустақиллик йилларида вужудга келган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, мазмунан янгиланган кўплаб жамоат ташкилотларининг ташкил топганлиги ва уларнинг фаолияти яққол кўрсатмоқда. **«Фуқаролик жамияти, -деб ёзади Ислом Каримов, - ижтимоий макон. Бу мақонда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўзини-ўзи қамол топтиришига ёрдам беради.**

Бугун жамиятни демократик асосда батамом янгилаш имконига эга бўлган Ўзбекистон уни қафолатлашнинг энг асосий меъёрий ҳуқуқий акти - Конституциясига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунё миқёсида энг мукаммал демократик конституциялар сафидан ўрин эгаллади. КОНСТИТУЦИЯ фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштирди. Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устиворлиги, инсон манфаатини қўзлаб иш юритилиши мамлакатда барқарорликнинг таъминланиши, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий омилидир.

Конституцияни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилишнинг ўзи энг замонавий демократик асосда содир бўлди. Унинг ҳар бир боби ва банди бир неча бор қайта кўрилиши, халқаро даражадаги экспертлар маслаҳати инобатга олинди.

давлат органлари зарурдир.

Маълумки, янги жамият куриш жараёнида утмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари ҳокимликлар тикланди. Демократиянинг қисман чекланиши, давлат органлари фаолиятининг кенгайтирилиши вақтинча, зарурий тадбирдир. Бирок ҳақиқий миллий раънаққа давлат ҳокимияти вазибалари катъий ва мукамал белгилаб, чекаб қуйилган фукаролик жамияти шароитидагина эришиш мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазибаси тараккиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш учун катъий назорат олиб боришдан иборат. Фукаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор булган энг муҳим вазибаларни амалга оширади. Булар жумласига мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, конунчиликни ривожлантириш каби вазибалар киради. Ислохотларнинг мақсади кучли ижтимоий кафолатларни тамъминлашдир. Бу борада иккинчи босқичда ҳам қотар ижтимоий ҳимоялаш тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳолини иш билан банд этиш асосий вазиба ҳисобланади.

Ёшларни бозор муносабатлари ҳақида нотуғри, бузуқ таъссурут шакилланиб қолмаслиги зарур.

Президеетимиз томонидан, асосланган ва турмушга тадбиқ этилаётган бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги бешта асосий тамойиллардан бири ўтиш даврининг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий юргизиш зарурлиги, ислохотларнинг турли босқичларида ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидаларига мос келади. Бу жамиятни ислох қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолият марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқороси туради. Ислохотларнинг мазмуни айни ҳар бир фуқоро ўз қобилятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиши имконига эга бўлишига қаратилган, Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар айни мана шу олий мақсадга эришишга - ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган. Ижтимоий муаммоларни муфаққиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолотларни яратиш, меҳнатнинг манфаатла бўлишини кучайтириш - ислохотларини ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади.

«Жамият ҳаддан ташқари ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ» - дейди Президентимиз. Аҳолини ёрдамга муҳтож қатлами, болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини, мададга ҳақиқатда муҳтожларини аниқлаб амалга ошириш зарур. Шу боис ислохотларнинг иккинчи босқичида ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш йўли давом эттирилади, кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончлик равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу, энг аввало, сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолотли ҳуқуқий қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир.

Аҳолини ижтимоий ижтимоий ҳимояланишини яхшилаш ва унинг самарасини кўтариш масаласини И.Каримовнинг бу борада қилиниши лозим бўлган вазибалар ҳақидаги қимматлидир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Кенг фаолият турлари, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмоли молларини, маҳаллий хом ашёдан қурилган материалларни тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш, якка тадбиркорликни кенгайтириш учун шароитлар яратиш керак.

2. Хизмат соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий - маиший хизмат ва қурилиш бўйич хизматлар турини анча кенгайтириш даркор.
3. Қўли ишдан бўшаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни жиддий равишда яхшилаш керак.
4. Вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳоли тоифаси давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимояланиши, ўзининг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш учун кафолотли тирикчилик манбаларига эга бўлиши зарур.

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш биринчи навбатда хотин-қизлар манфаатига тааллуқлидир, хотин-қизларга муносабат жамиятиимзнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизматқилиши керак. Шу маънода 1999 йилни «Оналар» йили деб эълон қилинганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Фуқаролар жамиятини барпо этишда касаба уюшмалари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, куп сонли ижтимоий жамгармалар катта аҳамиятга эга. Шунингдек фуқаролик жамият қуришнинг асосий омили сифатида оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида санаб ўтиш керак. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий фаолиятини мезонини белгилаб берилганлиги, турли хил газета ва журналлар сонини янада кўпайишига сабаб бўлди. Республикамизда 700 га яқин газета ва журналлар нашр этилаётганини ўзи ҳам бунинг мисоли ҳисобланади. Республикамизда 3 та ахборот агентлиги, 50 дане ортиқ телерадиокомпания ва студиялар фаолият олиб бормоқда.

## **7-Мавзу: Фан, таълим ва миллий, диний қадриятлар, уларнинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти.**

### **Режа:**

1. Мустақиллик шароитида фан ва таълимдаги ўзгаришлар ва ислохатлар.
2. Ўзбекистоннинг илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти унинг илғор мамлакатларга айланиш омили.
3. Миллий маданий қадриятларнинг тикланиши, янгиланиши ва жамият ҳаётидаги ўрни.
4. Мустақил Ўзбекистонда, дин, эътиқод эркинлигининг эътироф этилиши.
5. Ислоний қадриятлар. Диний бағрикенглик жамият ахлоқий, рухий ривожланишининг зарурий шарт.

### **Таянч иборалар.**

Фан, таълим, устивор йўналишлар, таълим тизими, таълим-тарбия, фан ва маданият бирлиги, таълимни ислоҳ қилиш, фаннинг устивор тармоқлари, дин, диний бағрикенглик, эътиқод бирлиги, қадрият, ислоний қадрият, урф-одат, диний байрамлар.

Ўтиш даврининг энг муҳим масалаларидан бири мамлакатимиз илмий солоҳиятини ривожлантирмай туриб, республикани иқтисодий ривожлантириб булмайди. Республикамиз келажагини буюк давлат булиши учун асос борлиги исботланган. Булар қуйидалардир: буюк тарихимиз ва буюк маънавий меросимизнинг мавжудлиги, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиат ва иқлим

кулайлиги, меҳнаткаш ва ғайратли бунёдкор халқимиз, буюк хазина ақлий бойлигимиз.

Тарихи ривожланган Ўзбекистонда илмий солаҳият имкониятлари жаҳондаги ривожланаётган эса иқтисодий ривожланган мамлакатлардан қолишмайди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганлигини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида узбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларни урганишда, табиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда.

Ўзоқ утмишдаёқ ўзбек халқининг иолғор мутафқкирлари амалга оширган тадқиқотлари ва кашфиётлари жаҳон умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хизинасини ташқил этади. Билимлар хазинасини очган буюк аجدодларимизнинг номлари бутун дунёга машҳур булар буюк математик астрономлар Ал-Хоразмий, Фарғоний, Жавҳарий, Марвазий, Улғубек, файлосуф ва илоҳиётчи ҳуқуқшунослар Фаробий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Марғилоний, Насафий, қомусий олимлар Беруний, Ибн-Сино, тилшунос-шоирлар Қашғорий, Юсуф хос Ҳожиб, За машҳарий, Алишер Навоий, тарихчилар Бобур Мирзо, Абдул ғози, Баҳодирхон ва Оғоҳий ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўлкамиз бойлиги, унинг осие марказида қулай жуғрофий жойдалиги қадим-қадимдан узга юртга босқинчиликлар этиборини жалб қилиб келган. Мамлакат ичкарасидаги уруғ-аймоқчилик ҳокимият учун олиб борилган урушлар фан ва маданиятга ҳам катта зарар етказган. Кейинги 130 йил ичида ғоят катта империянинг чекка улқасига айланди. Бу даврда фан ва маданиятнинг нодир ёдгорликлари юқотилди ва ташиб кетилди.

Шуролар даври ҳам дунёда энг саводхон жамият деб жаҳонга жар солди. Сиртдан қараганда ҳақиқатдан ҳам шундай юзлаб университетлар, ва институтлар, олий ва урта махсус билим юртлари минглаб илмий-тадқиқот муассасалари фаолият курсатарди. Сон жихатдан кўп булгани билан жаҳон андозаларига жавоб бермас эди. Шуро ҳукумати кадрлар тайёрлашда ҳам риёкорона сиёсат олиб борди. Жаҳон андозаларига жавоб берувчи илмий масканлар асосан Марказда бўлиб, миллий республикалардан санокли кадрлар қабул қилинарди. Натижада миллий республикаларда кадрлар етишмас, марказ бу юртларга минг-минглаб «уз одамларини» жунатар эди. Миллий улқалардан етишиб чиққан фан арбоблари, қобилиятли ижод соҳиблари сталинча қатағонлиكنинг қурбони бўлишди. Булар А. Қодирий, Фитрат, Чулпон, К. Алиев, Ш. Сулаймон, У. Носир, О. Ҳошим, М. Суфизода ва бошқалардир. Кейинги йиларда ҳам ижодкор зиёлилар шаънига бухтон ёғдириш, уларни рухан мажруҳ қилиш, қамоқ жазоларига тортишдек ифлос, жирканч ишлар даъвом этди. Оқибатда фавқулотда истеъдод соҳиблари академик ёзувчи Ойбек, хассос шоирлар М. Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Т. Тула, ёзувчилар М. Исмоилий, Саид Аҳмад сингари ўзбек адабиётининг асл намоёндалари қувгин ва тақибларга дучор этилдилар.

"Маърифат" атамаси арабча суз булиб, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ошириш, таълим-тарбия борасидаги ифода этиш учун кулланилади. Ҳозирги даврда таълим ва тарбиянинг энг муҳим йуналишларидан, қурилишларидан бири - ёшларга, жумладан талабаларга ургатишдир. Жаҳон тажрибаси шуни курсатадики, ҳозирги деярли ҳамма ривожланган демократик мамлакатлар узларининг бундай мавқеларига дунёвий фанларни ривожлантириш, аҳолини, айниқса ёшларни замонавий, дунёвий билимлар ва мутахассислик эгалари булиб етиштишлари орқали эришганлар. Шунинг учун президентимиз И. А. Каримов

уз нуткларида, асарларида илм-фанни, айникса фундаментал фанларни ривожлантириш заруратини алоҳида таъкидламокда. Хозирги даврда илмий изланишлар, шунингдек таълим-тарбия жараёнларини давр талаби ва ракобатчилик асосида ташқил қилиш катта аҳамиятга эга. Ракобат асосида қучли, долзарб изланишлар саклаб қолинади, шунингдек илмий даргоҳлар ҳам узларини курсата оладилар.

Фан таракқиётининг хозирги даврдаги муҳим хусусиятларидан бири фан ютуқларининг ишлаб чиқариш жараёни билан ҳамбарчас боғлиқлигидир. Демократик ҷамият қуриш, бозор иқтисодиётига утиш жараёнида ҳам ижтимоий, ҳам табиий фанларда янги соҳалар вужудга келмокда. Бунга социология, сиёсатшунослик, маркетинг, менежмент, давлат бошқаруви каби фанлар мисол бўла олади.

Президентимизнинг таклифига биноан "Академия фонди" ташқил топиб, бу фан таракқиётида катта аҳамиятга эга бўлмокда. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистонда хозирги кунда олиб борилаётган энг муҳим изланишлар, давлат ва ҷамият бошқарувидаги ислохотлар, мамлакатимизнинг дон, ёнилғи-энергетика соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни янада ривожлантириш жараёнлари билан ҳамбарчас боғланган. Шунингдек, илмий изланишларнинг натижаларига, самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор берилмокда.

Ўзбекистон Республикасида фан ва техниканинг янада ривожланишида 1992 йил ташқил қилинган Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат Кумитасининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ташқилот фан таракқиёти билан боғлиқ вазифаларни бажаради, илмий изланишларнинг устивор йўналишлар дастурини яратиш, бунёд қилинган янги технология механизмини амалга ошириш, уни ишлаб чиқариш томонидан узлаштириш каби жараёнлар билан шугулланади.

Давлат томонидан фан учун ажратилган маблағларнинг 54 фоизи фан ютуқларини амалга ошириш учун сарфланмокда. Давлат томонидан фан учун ажратилган маблағлар йилдан йилга ошиб бормокда. Масалан 1996 йилда фан учун ажратилган маблағлар 1995 йилга нисбатан 13 фоизга қўпдир. Фан учун ажратилган маблағларнинг 20 фоизи фундаментал фанларнинг ривожланиши учун сарфланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳвалари сингари фан ва таълим соҳасида ҳам узғаришлар бўлди. Бир қотор қўв юр்தларининг мақоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай узгартирилди. Замоновий университетлар ва институтлар жумладан харбий академия, ички ишлар академияси, Президент ҳузурида Давлат ва ҷамият қурилиш академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон Иқтисодиёт ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти каби унлаб янги қўв муассасалари ташқил этилди. Қатор вилоят институтларига университет мақоми берилди.

Ёшларни жаҳон фани ва билимлари ҳазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмокда. Республика қўв юр்தларининг чет эллардаги қўв марказлари билан алоқалари мустаҳкамланди. Хорижлик қўвувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машҳулот олиб бориш учун таклиф, қилиш биздагилар хориждаги қўв масканларида малака ошириш учун бормокдалар. Айникса Республика президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқилини қўллаб-қўвватловчи «Умид» ҷамғармаси ташқил этилгач, бу ҷамғарманинг гранти ҳисобига қўплаб ёшларимиз АҚШ, БУЮК Британия, Франция, Германия, ва Япониянинг нуфузли

университетларида кўплаб мутахасислар буйича бакалавр ва магистр даражаларини олиш имконияти яратилди. Айни вақтда жахоннинг 40-дан ортиқ мамлакатларида 1250дан зиёд хорижий фуқоралар Ўзбекистонда таълим олмоқда. Таълим соҳасида Республикамиз АКСЕЛС, АЙРЕКС, амерка коллегиялари консорциуми, САРЕ, тинчлик корпуси (АҚШ), ДААД, конрад Аденауэр фонди (Германия), Британия Кенгаши, Сауз Ал-Бантин фонди (Миср) каби халқора ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Республикамизда мажбурий умумий ўрта таълим қонун йули билан мустахкамлаб қўйилган. Буборада қизиқарли ва намунали статистика мавжуд. 15 ва ундан катта ёшдагиларнинг 1000 кишидан 200 нафари урта махсус маълумотли мутахасислардир. Хар 1000 кишининг 143 таси олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эгадирлар Республика билим даражаси жиҳатидан ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Хозирги кунда республикада 60-дан ортиқ олий ўқув юрти, 260-дан ортиқ махсус ўқув юртлари улардан 80-дан ортиғи коллежлар турли йуналишларда кадрлар тайёрламоқдалар.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу илмий-тадқиқот бўйича 362 муассасасини, жумладан 101 илмий тадқиқот институтнинг олий ўқув юртларида 55 илмий-тадқиқот бўлинмалари, 65 лойиха- конструкторлик ташкилотини, 32 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажрибаси корхоналарини, 30 ахборат- ҳисоблаш марказини уз ичига олади. Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд бўлиб, шулардан 28 мингга фан доктори ва 16,1 мингга фан номзоди. Биринчи марта Ўз.Республикасининг Олий аттестация комиссияси тузилди. Унинг доирасида фаннинг 20 тармоғи бўйича малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда. Кейинги йилларда таълим ва кадрлар тайёрлашга Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида эътибор кучайтирилди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича ислохатлар бошланди. Бизга маълумки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IХ сессиясида «Таълим тўғрисида қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастурни уч босқич асосида амалга оширишимиз лозим.

Биринчи босқич 1997-2001 йилларни ўз ичига олиб, мавжуд таълим тизимимиз сақланган ҳолда янгиси учун моддий базани яратиш лозим.

Икинчи босқичда (2001-2005) бутунлай янги таълим тизимига ўтиш.

Учинчи босқичда (2005-йилдан) тўплаган тажриба асосида фан ва таълимни янада ривожлантириш.

Республикамизни келажаги янада буюк бўлиши албатта кадрларга боғлиқ шунинг учун давлатимиз замонвий кадрлар тайёрлашга шароит яратиб бермоқда.

Жамиятни янгилаш доимо мактабни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган. Янги одамлар, кучлар талаб этилган - уларни мактаб тайёрлаши керак бўлган. Қарерда ижтимоий ҳаёт маълум бир шаклга эга бўлса, ўша ерда мактаб қарор топган ва жамият талабларига жавоб берган.

Инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ўтмишдаги ва ҳозирдаги замон ижтимоий тажрибасини ўзлаштиради. Бу жараён икки йўл билан амалга оширилади: ҳаёт шароитини инсонга стихияли таъсири ва жамият томонидан унга тарбия жараёни ва аввало жамиятда ташкил топган таълим тизими орқали мақсадга мувофиқ тарзда таъсир кўрсатишдир. Аммо, жамият бир хил эмас: ҳар бир синф, ижтимоий гшурх, миллат таълим мазмуни ҳақида ўз тасаввурларига эга.

Тарихдан маълумки, ҳар доим, ўқув курсининг аниқ мазмунини белгилаш

ҳақида гап борганда, ўша заҳоти сиёсий, илмий, диний ва бошқа келишмовчиликлар юзага келган. Бу оқибат натижада давлат томонидан таълим тизимини тартибга солишга олиб келган, бу нарса ҳозирги давлатларучун ҳам долзарб масала.

Мактабларнинг ҳозирги даврдан орқадан қолиши кўп мамлакатларда мактабларни ислоҳ қилиш заруратини туғдирмоқда. Ислоҳотлардан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тўғрисидаги Қонунида ҳамма соҳаларда таълимнинг юқори сифатига эришишдан иборатдир. Шу мақсадда 2004 йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармонини эълон қилинди. Фармоннинг бажарилишига эътиборни қаратадиган бўлсак қисқа вақт ичида 4000дан ортиқ мактаблар капитал таъмирланган бўлса, бир неча мактаблар янгитдан бунёд этиб топширилди. Эндиги асосий мавсад таълим самадорлигини ошириш масаласини ҳал қилмоқ лозим. Ҳозир етакчи мамлакатларда мактабларни экстенсив равишда ривожлантириш ўзини тўла-тўқис тугатди. Уларнинг бу соҳадаги пировард вазифаси - XXI аср талабларига жавоб берадиган сифатга эришишдир. Бунинг учун таълимни инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва байналминаллаштириш амалга оширилмоқда. Инсонпарварлаштириш деганда жамиятнинг шахсга бўлган эътиборини ошириш, унинг руҳияти, қизиқишлари, талаблари ҳисобга олишни назарда тутиш демакдир.

Ижтимоий ҳозирги давр шахсининг ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ижтимоий фанларни (айниқса иқтисодий назария, социология, сиёсатшуносликни) ўқитишга эътиборни кучайтиришни англатади.

Байналминаллаштириш - бу турли мамлакатлар учун ягона бўлган таълим тизимини ташкил этишдир. Жамиятнинг бир қисми бўлган байналминаллашув жараёнини бошидан кечирмоқда.

Таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда барча поғоналардаги ўқув юртларини тубдан қайта қуриш амалга оширилмоқда. Агар яқин вақтларгача кадрлар асосан Тошкент ва Самарқандда тайёрланган бўлса, эндиликда ҳар бир вилоятда фан ва таълим марказларини ташкил қилиш йўли амалга оширилмоқда.

Бир қанча университетлар, тижорат, политехника коллежлари ва бошқа ўқув юртлари очилди. Мутлақо янги йўналишлари - жаҳон тараққити ва дипломатияси, халқаро журналистика ва иқтисодиёт, бозор муносабатлари ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ташкил қилинди.

Бозор шароитида ишлар кадрларнинг касб маҳоратига нисбатан қаттиқ талаб кўяди. Шунинг ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига, коллежларга талабалар тест синовлари асосида қабул қилинмоқда. Истеъдодли ёшлар танлов асосида, саралаб чет мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун юборилмоқда.

Ҳозирги вақтда чет элларда 2.3 мингдан кўпроқ ёшлар таълим олмоқда. Дунёдаги етакчи илмий марказлардан ўқитувчилар жалб этилмоқда.

Республикада замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш мақсадида қуйидагилар асосий йўналиш сифатида қабул қилинди:

- бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб турган ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало

техник коллежлар, бизнес мактаблар ва махсус ўқув юртлари ташкил этиш йўли билан тузилма янгиликларини амалга ошириш;

- ўқув-тарбия жарёнини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усуллари жорий этиш;
- ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан тўққизинчи синфни битирувчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш;
- ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний кадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-мухаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий маънавий эҳтиёжига мос келадиган юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;
- педагогик касбга ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш.

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талблари даражасидга кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналиши деб қабул қилинди.

Демократик жамият куриш жараёнида жамият маънавий юксалишининг муҳим омилларидан булган кадриятга эътибор ортиб бормокда.

Кадрият дейилганда факат утмиш даврлар учун муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан, ҳозирги кун ва келажакдаги тараккиётга ҳам ижобий таъсир қурсатадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий, маънавий, табиий, диний, ахлокий, фалсафий ва бошқа бойликлар мажмуасидир.

Кишилиқ жамияти тараккиёти ва истиклоли учун аҳамиятли булган ижтимоий, маънавий ҳодисалар кадриятлар жумласига қиради. Кадрият деган тушунча кадр-қиммат деган маънони билдиради.

"Кадрият" атамаси арабча "кадр" сузидан олинган булиб, бирор бир нарсав ҳодисанинг жамиятда, кишилар уртасидаги аҳамиятини ифода этиш учун қуланилади. Биз утмишдан ҳамма нарсани шундайлигича, кадрият сифатида қабул қила олмаймиз. Хар қандай мерос чуқур танқидий таҳлилга, ижодий ривожлантиришга, бойитишга муҳтождир.

Кадриятлар моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳамда ижобий, салбий турқумларга булинади, хар бир миллат, ижтимоий гуруҳ, шунингдек хар бир тарихий давр яхшилиқ, адолат, эркинлик ва шу қаби кадриятлар ҳақида уз тасаввурларини яратган. Шунингдек умуминсоний кадриятлар мавжудки, уларсиз инсон қамолотга етиша олмайди.

Демак, кадриятлар муаян моддий нарсалар, маданий маънавий рухий ҳодисаларнинг узига ҳос хусусиятларини эмас, балки уларнинг жамият ҳаётида тутган урнини аҳамиятини ифодалайди. Дин билан боглиқ кадриятларни ҳам диний гоялар, ақидалардан эмас, унинг жамиятда, инсон ҳаётида тутган урнидан қидириш керак. Юртдош-ларимиз узларининг бой тарихи давомида динларга ҳурмат билан

караганлар ва уз даврларига доир ижобий кадриятларни ривожлантиришда ундан самарали фойдаланганлар.

Эрамиздан аввалги VII-IV асрларда вужудга келган ва ислом кириб келгунга қадар мавжуд бўлган зардуштийлик динида меҳнатсеварлик, рухий покланиш, эзгулик, ватанпарварлик, яхшилик билан боглик кадриятлар улугланган. Меҳнат ахлокий соғломлик, эзгулик манбаи деб ҳисобланган. "Авесто"да маънавий-ахлокий баркамол одам, эзгуликни барқарор қила оладиган, адолатпарвар инсонни шакллантириш гоёси марказий уринни эгаллайди. "Авесто"да жумладан қуйидаги сузлар бор: "Олам гузаллиги дехқондан, қимқи ерга уруг қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йулгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир". Бу динда иймон масаласи ҳам катта урин олган бу гоё бошқа динларга ҳам самарали таъсир қурсатган. Эрамиздан аввалги IV асрда вужудга келган, Қушон империяси ҳукмронлиги даврида бизнинг юртимизда ҳукмрон дин бўлган буддийлик дини ҳам маънавий-маданий, ахлокий кадрият яратиш борасида муҳим урин эгаллаган.

Республикамызда мустақиллик қўлга киритилгач, коммунистик макура якка ҳокимлигига барҳам берилгач динларга, ҳусусан ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Дунёвий мақсадлар йулида динга қарши қурашлардан, ҳақорат қилишлардан воз кеилди. Аксинча, динга илмий ёндошув, ҳурмат билан қараш қарор топди. Бу демократик ҷамиятнинг талабларидан биридир. Динга бўлган муносабатнинг ўзгариши, ҳусусан исломга бўлган янғича қарашларнинг шаклланиши табиий равишда унинг тарихимизда тутган урини, аҳамиятини илмий равишда урганишга қизиқишни ҳам оширди.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, Ўзбекистон ҳақлари ислом билан боглик фалсафий билимлар, илоҳиётчиликка оид билимлар, илоҳиётчиликка оид таълимотларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Фаробийнинг бахт ҳақидаги қарашлари, Берунийнинг динлар тарихига оид фикрлари, Ал-Бухорий ва Ат Термизийларнинг тўплаган ҳадислари, Бурҳониддин Марғилонийнинг "Хидоя" асари, А.Навоийнинг адабий ижоди, буюк шайхлар ижодига бағишланган махсус рисолаи, Аҳмад яссавий, Нажмиддин Кубро, Аҳдуҳолик Гиждувоний, Баҳуддин Накшбанд қабиларнинг ҳаёти, тариқатчилик, суфизм гоёларини яратиш борасидаги катта хизматлари мисол бўла олади. Улар диндан шахсий мақсадлар йулида фойдаланишни қатъий қоралаганлар. Ислонни маънавий-ахлокий, фалсафий, умуминсоний кадриятлар билан бойитган алломаларимизнинг номлари бутун ислом оламида ҳам машҳурдир.

Ўзбекистон халқларининг XIII асрлик тарихи ислом дини билан ўзвий боглик. Юртимиз ҳудудида ислом ҳукмрон динга айланган даврданок уни ўз даврининг илғор қарашлари билан бойитишга, замон талабларига ҷавоб бермайдиган унсурлардан ҳалос этишга, исло дини орқали инсон ақли ва заковатини пешлашга интиланлар. Бундай интилишлар айрим динпарастларга, жоҳилларга ёқавермаган. Уша даврдаёқ иймон ва ирода эркинлигини ёқлаган, ҳозирги қунда ҳам аҳамиятини йукотмаган исломий билимлар вужудга келган.

Бу даврда одамларнинг ҷамиятдаги фаолликлари, уларнинг адабиёт ва санъат асарларидан баҳраманд бўлишига интилишлари, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, рухий покланишга, одамийликка интилишлари муслмон талаблари билан ўзвий богланган. Ўз навбатида бу исломий кадриятларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Масалан, ислом таълимотига қура энг олий ва энг ҳурматли мавжудод инсондир. Демак, инсонга муҳаббат бу ҳудого муҳаббатдир.

Оламни билиш - бу худонинг кароматини ва улуглигини билишдир. Оллох - мукамаллик, эзгулик, яхшилик, гузаллик, улугворлик намунасидир.

Ислом хакида маълумотларга эга булишда Куръон, Хадис ва илохиятчилик манбаълари муҳим аҳамиятга эга. Шоирлар, олимлар, авлиёлар, уламолар бу манбаъларга мурожаат этиб, исломнинг умуминсоний кадриятлилик моҳиятини улуглашган, шархлашган.

Хозирги кунда исломий кадриятлар яратиш борасидаги боболаримизнинг тажрибаларини урганишга, Куръон, Хадис ва у билан боглик асарларни урганишга катта аҳамият бермоқдамиз. Исломий кадриятлар - бу инсоннинг рухий ҳолатларини тарбиялаш, бошқариш, миллий, умуминсоний хисларни шакллантириш борасида аجدодларимиз яратган буюк асар намуналаридир. Ҳалқаро Ислом ташкилоти АЙСЕКО томонидан “Тошкент-ислом маданиятининг пойтахти” деб эълон қилиниши, 2007 йил 14-15 август кунлари “Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг ислом динининг ривожига ўрни масаласида ўз чиқишлари билан қатнашди. Шуларни эътиборга олиб давлатимиз демократик жамият қуриш жараёнида исломий кадриятларни ўрганишга имконият яратиш бермоқда.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қўйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва шоирлари шунингдек қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланди:

|    |            |                                                   |
|----|------------|---------------------------------------------------|
| 1  | 1991 йил   | Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги           |
| 2  | 1994 йил   | Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги           |
| 3  | 1996 йил   | Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги              |
| 4  | 1997 йил   | Вухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги         |
| 5  | 1998 йил   | Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги         |
| 6  | 1998 йил   | Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги        |
| 7  | 1999 йил   | Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги   |
| 8  | 1999 йил   | “Алпомиш” дostonнинг 1000 йиллиги                 |
| 9  | 2000 йил   | Бурҳонiddин Марғилоний таваллудининг 1130 йиллиги |
| 10 | 2000 йил   | Имом Мотрудий таваллудининг 1130 йиллиги          |
| 11 | 2000 йил   | Қамолiddин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги       |
| 12 | 2001 йил   | “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллиги           |
| 13 | 2002 йил   | Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги                  |
| 14 | 2003 йил   | Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги    |
| 15 | ..2007 йил | Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги                  |

#### **8-Мавзу: Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсатининг асосларининг ишлаб чиқиши ва унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.**

##### **Режа:**

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий қоидалари.
2. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан оlinиши ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.
3. Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини кенайиб бориши. Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари.
4. Ўзбекистон ва МДХ: икки ва кўп томонлама ҳамкорлик.

5. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар билан қардошлик алоқалари.

### **Таянч иборалар**

Ташқи сиёсат, қўшилмаслик, чегараларни бузмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, интеграция, БМТ, ЮНЕСКО, МДХ, Шанхай ҳамкорлиги, АЙСЕКО, суверен тенглик, давлатлараро тузилма, “Туркистон умумий уйимиз” Орол муаммоси.

Ўзбекистон уз давлат мустақиллигига эришгач мустақил ташқи сиёсат олиб бориш имкониятига ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати принциплари Конституциямизнинг IV-боб 17-моддасида уз ифодасини топган бўлиб, бу қуйидагича ифодаланган: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тула ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдустликларга ва бошқа давлатлар-аро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устиворлиги давлат раҳбарлари ва йирик сиёсатчилар асарларида кенг ёритиб берилган. Ўзбекистон ташқи сиёсати асосан дипломатия йўли билан амалга оширилади. Мустақиллигимиз йилларида ташқи иқтисодий фаолиятимиз тизими амалда янгидан вужудга келтирилди. Жумладан шу йилларда ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати, хорижий фирмалар, банк ва компаниялар барпо этилди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва маҳаллий бошқарув идораларида тегишли иқтисодий бўлинмалар тузилди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига асосланган бўлиб, булар асосан қуйидагилардир:

1. Суверен тенглик
2. Қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик, яъни Ўзбекистон давлатлараро муносабатларда умумбашарий муносабатларни устун қуйиб, халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.
3. Чегараларнинг дахлсизлиги. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида тенг ҳуқуқлилик ва узаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади.
4. Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш. Хар қандай мафкуравий курашлардан қатъий назар, ташқи сиёсатда барча низоларни очик-ойдинлик асосида ҳал этишга интилиш.
5. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига риоя этиш. Ўзбекистон ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устиворлигини тан олади.
6. Ўзбекистон ташқи алоқаларини тула ишонч асосида, икки томонлама ва қуп томонлама алоқаларни урнатиш ва ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Юкоридаги Мезонлар натижаси сифатида Ўзбекистон 1992 й. 2 мартда БМТга, 1992 й. 28 ноябрда Марказий Осиё давлатлари иктисодий ҳамкорлик ташкилотига, 1993 й. январда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

Давлатимизни 165 давлат тан олган, 2003 йилнинг ўртасигача 120 та давлат билан дипломатик алокалар ўрнатилган. Тошкентда 43 та мамлакат уз элчихоналарини очган. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари руйхатдан утган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўзбекистон ҳозирги кунда Жаҳон почта Иттифоқи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр-алока уюшмаси, Осиё ва Тинч океани хавзаси бўйича иктисодий ва ижтимоий оқмиссия, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Оврупо қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Жаҳон Банки, Халқаро валюта жамгармаси, Иктисодий ҳамкорлик ташкилоти, Божхона ҳамдустлиги Кенгаши, Атом энергиясини назорат қилиш халқаро ташкилоти, Жаҳон компьютер ахбороти макони, Халқаро Транс-Осиё-Оврупо тола-оптик алока тармоғи каби нуфузли ташкилотлар аъзосидир.

И.А.Каримовнинг 1993 йил 28 сентябрда тарихда биринчи марта давлат бошлиғи ва Мустақил Ўзбекистон вакили сифатида БМТнинг Бош ассамблеяси 48-сессиясида сузга чиқди ва юртимизнинг қисқа тарихи, маданияти, демократик давлат қуришдаги вазифалари, бозор иктисодиётига ўтиш йўли ҳақида, тожик-афғон чегараларидаги вазият, Орол муаммоси, нарқобизнесга ва ҳар хил қимёвий, бактериологик қуроқларнинг тарқалиши устидан назорат урнатиш каби долзарб масалаларни қутариб чиқди, бу Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар уртасидаги обрусини янада оширди.

Халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистоннинг алоқалари Ўзбекистоннинг иктисодиётини ривожлантириш учунгина эмас, миллий хавфсизлигимиз, минтақамизда тинчликни сақлашни учун ҳам зарурдир. 1993 йил февралда Тошкентда БМТ ваколатхонасининг очилиши ҳам қатта тарихий воқеа бўлди. БМТнинг дастури асосида Тошкентда дунё хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масалаларда халқаро учрашувлар, семинарлар, конференциялар, симпозиумлар утқазилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири - жаҳонда Ўзбекистон, унинг узок тарихий, маънавий, иктисодий имқониятлари ҳақида тугри тасаввур ҳосил қилиш, республикаимизни ички сиёсатини тушунтиришдан иборатдир. 2001 йил 14-15 июнь кунлари Хитойда навбатдаги Шанхай саммити бўлиб ўтди. Унинг ишига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам қаримов қатнашди ва Ўзбекистоннинг “Шанхай форумига” тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисида баёнот имзолади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти таклифи билан “Шанхай форуми” Шанхай ҳамкорлик ташкилоти-ШХТ деб ўзгартирилди. 2004 йил 17 июнь куни Тошкентда ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. 2007 йил 15 август куни ШХТнинг навбатдаги йиғилиши Бишкек шаҳрида бўлиб ўтди. Йиғилишда иқтисодий ҳамкорлик ҳусусан қишлоқ ҳўжалиғи, машинасозлик, қимё саноати, энергитика ва автомобилсозлик соҳаларда битимлар имзоланди.

Собиқ иттифоқ тарқалиб кетган бўлсада, янги ташқил топган мустақил давлатлар уртасида иктисодий, маданий, умуминсоний алоқаларнинг бўзилиб кетишига йул қуймаслик учун ҳаракатлар олиб борилди. 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида МДХ ташқил топди. Унинг вужудга қелиши ҳақидаги ҳужжат-

битимга уч республика - РСФСР, Украина, Белоруссия рахбарлари имзо чекдилар. 12 ва 21 декабрда Ашхобод ва Олма-Отада булиб утган Ўзбекистон, Козогистон, Киргизистон, Тожикистон, Туркменистон давлат рахбарларининг учрашуви булиб утиб, МДХга тенг асосларга кириш гоёсини илгари сурдилар. 21 декабрда собик иттифоқнинг 3 славян давлати ва Марказий осийё 5 давлатлари рахбарлари Олма-Отада учрашдилар, 8 республикага Арманистон, Молдова, Озарбайжон ҳам кушилди ва Хамдустлик хужжатига имзо чекдилар ва шу асосда МДХ пайдо булди. Олма-Отада давлатлар ва ҳукуматлар бошликлари Кенгаши, шунингдек мустакил давлатлар бошликлари кирадиган мудофаа кенгаши тузилди. Давлатларнинг ички ва ваколат органлари ташкил топди.

МДХ ташкил топгандан буён бунга аъзо булган давлат рахбарларининг учрашувлари утказилиб турибди ва бир катор икки томонлама ва куп томонлама шартномалар имзоланди. Мустакил Давлатлар Хамдустлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва куп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устивор йуналишларидандир. Ўзбекистон хамдустлик гоёсини куллаб-кувватлаб, унинг муассасалари каторига кирди, якинлашув ва кооперация, иктисодий интеграция алокаларини мустахкамлаш йулини тутди.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги янги мустакил давлатлар билан икки ва куп томонлама муносабатларга алохида аҳамият беради. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг асосий йуналишларидан бири ҳам шудир. Бу мустакил давлатларнинг узаро тарихан боғланган ва бир-бирига таъсир утказиб турган, баббаравар кийин иктисодий ахволда колган хужалик асосларини саклаб қолиш ва мустахкамлаш зарурлиги ягона энергетика, транспорт, ирригация, телекоммуникация тармоклари, сув ва газ таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланиш шарт-шароитларидан, минерал хом ашё ресурсларини ва кишлок хужалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги минтакавий алокаларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон минтакадаги барча мустакил давлатлар билан тенг, узаро ҳурмат ва ички ишларига аралашмаслик асосида ташқи сиёсат олиб бормокда.

Марказий Осиё мамлакатлари билан куп томонлама алокалар келгусида Осиё ва Тинч океани минтакасидаги мамлакатлар билан якин алокалар урнатишга кенг йул очади. Куп томонлама алокалар оркали савдо, иктисодий, маданий алокаларимизни, спорт, туризмни, кишлок хужалик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли фойдали казилмаларни кидириш, казиб олиш, фойдаланиш, кичик ва урта корхоналарни куриш, кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, мунтазам хаво йулларини очиш, радио ва телевидение дастурларини узаро айрбошлаш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан тенг, узаро ҳурмат ва ички ишларига аралашмаслик асосида изчил сиёсат олиб бормокда. Ўзбекистон 1992 йил охирида Тожикистонда фукаралар уруши бошланиб кетгач озик-овкат, доридармон билан, кочокларнинг қайтишига ёрдам бериш билан инсонпарварлик ёрдамини берди. Шу билан бирга куплаб халқаро ташкилотлар минбаридан, шунингдек 1996 йил 26-27 декабрда булиб утган Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 7-сессиясида нуткида “Ўзбекистон ҳеч қандай харбий блокларга, мафкуравий гуруҳларга кушилмайди... Акс холда нисбатан кичик мамлакатлар катта давлатларнинг хоҳишини бажарадиган ҳолатга тушиб қолади. Бунга асло йул қуйиб булмайди. Тожикистонда тинчлик қарор топмас экан, биз узимизни хавфдан холи деб ҳисоблай олмаймиз” деб таъкидлаши бежиз эмас.

Дунёдаги купгина мамлакатлар каби Марказий Осиё гоят катта микёсдаги экологик офатларга дуч келмокда. Кейинги йилларда Орол денгизининг хажми уч баробар кискариб, майдони икки баробар камайди, яъни унинг киргоги 80 кмга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси турт баравар ошиб, хайдаладиган 2 млн. гектар ерни кум босди, у ердан кутарилган чанг-тузонлар бурони 300 кмга етиб борадиган булди. Орол муаммоси согломлаштириш масаласида ҳам сергакликни талаб этмокда.

1991 йил Марказий Осиё давлатлари уртасида узаро иктисодий маслахатлашув маконини ташкил этиш тугрисида келишиб олинди.

1993 йил 3-4 январда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё ва Козогистон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашиб, бозор муносабатларига утиш даврида минтака давлатларидаги сиёсат ва иктисодий аҳволни баркарорлаштириш борасидаги кенг доирадаги масалаларни муҳокама қилдилар. 1994 й. январда Ўзбекистон ва Козогистон уртасидаги келишув бу икки давлат уртасидаги иктисодий ҳамкорликнинг ривожланишига асос яратди. Бу ягона иктисодий ҳамкорликка Қирғизистон Республикаси 1994 й. 13 апрелда аъзо булди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари уртасида 1994-2000 йилларга мулжалланган иктисодий макон тузиш учун 30 апрелда (1994) Чулпон-Отадаги келишуви асосида қабул қилган элликдан ортик ҳужжат кучга кирди.

Марказий Осиё ҳамдўстлигининг келажагига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган, Давлатлараро Кенгаш тузилган, ҳамдустлик дастурларини руёбга чиқариш учун ижроия кумита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Катнашувчи давлатлар иктисодий интеграциясининг 2000 йилгача мулжалланган, 53 та муаян лойиҳани уз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди, ягона иктисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинмокда.

Ўзаро иктисодий ҳамкорликка Тожикистон ва Туркменистон ҳам аъзо булиши мумкин. Лекин ҳозиргача Тожикистонда давом этаётган сиёсий бекарорлик, Туркменистоннинг ҳуқуқий бетарафликда туриши ҳозирча бунга имконият бермаяпти.

Тузилган иктисодий макон келгусида бу давлатларда саноат, иктисодий тармоқларни янги замонавий техникалар билан жиҳозлаш асосида минтакамизни кучли иктисодий регионга, узининг маҳсулотлари билан жаҳон бозорига мустакил чиқишларига замин яратади. Масалан, Ўзбекистон ва Козогистон уртасида 1994 йилги товар айрбошлаш хажми 404,9 млн. долларни ташкил этди. Давлатлараро битим ва келишувга қура Ўзбекистондан Козогистонга асосан электр энергия, меваларни қайта ишловчи техник жиҳозлар, газ конденсати, цемент, пахта, усимлик ва мол ёглари юборилса, Козогистондан Ўзбекистонга бугдой, трактор, мис, кимё саноати маҳсулотлари, жун, гушт, мевалар келади. Қирғизистон билан сурма, вольфрам, электр-энергия, автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорликлар диққатга сазовордир.

Ўзаро алоқаларни ривожлантириш Марказий Осиё давлатлари уртасида икки томонлама алоқаларга боғлиқ. Икки томонлама алоқалар давлат уртасидаги сиёсий, иктисодий, техникавий, маданий соҳалардаги давлатлардаги икки томонлама иш юритишдир.

Марказий Осиё давлатлари икки томонлама алоқаларнинг асосий мақсади қилиб, минтақада мавжуд иқтисодий-ижтимоий тангликларни тезроқ ҳал этиб, жаҳон ҳамжамиятига тезроқ қушилишдир.

Азалий қардош халқлар - тожик, туркман, козок, қирғиз, ўзбекларнинг тарихий, маданий, диний бирлигининг рамзи - бешта қудратли шоҳи бирлашиб қетган улкан чинор белгисида қатта маъно бор. Шу маънода - Туркистон - тарихий қатта ўй, буюк бир рузгор, буюк бир оила. Шу оила фарзандлари қанчалик ахил ва яқин бўлса, рузгор ҳам шунчалик обод ва туқин бўлади. Шунинг учун 1995 й. 25 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган "Қардош давлатлар учрашуви"да Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жихатдан ягона жамоатчилик ҳарқати ташқил этилди ва у "Туркистон - умумий уйимиз" деб номланди. Учрашув Марказий Осиё мамлакатлари зиёлилари қурултойи, қардош халқлар маданияти учрашуви номи билан тарихимизга қирди.

"Туркистон - умумий уйимиз" ҳарқатини Қирғизистонлик қузга қуринган жамоат арбоби, жаҳонга машҳур ёзувчи Ч.Айтматов (Президент) ва таниқли ёзувчимиз О.Ёқубовлар бошқарадилар.

Ҳарқатнинг олдига қуйган мақсади биринчидан, собиқ СССР дврида ва яқин йилларда юзага қелган ўта мураккаб вазиятларни бартараф этишда дунё микёсида пухта сиёсатни олиб бориш, иккинчидан, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлаш ва тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳарқатларнинг олдини олиш, учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг миллий ва минтақавий ҳавфсизлик борасидаги асосий тамойиллари ва принциплари юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға қурилган ташаббуслар моҳиятини баён этиш ва бошқа масалаларни қамраб олади.

Дунё халқлари тарихи, муаммоларини урганиш, халқлар ўртасида иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қуйиш ва ривожлантириш мақсадида дунё аҳамиятига молик йирик илмий марказ - Марказий Осиё тадқиқотлар халқаро институтининг Самарқандда очилиши ҳам "Туркистон - умумий уйимиз" гоёсининг ифодасидир.

"Туркистон - умумий уйимиз" ҳарқати минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган сунъий тусиқларга барҳам беришга, одамларнинг бутун Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эркин давом эттиришларига қаратилган улкан ҳаётий оқим, эҳтиёж, талабдир.

### Адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси" - Т.: «Ўзбекистон», 2005
2. Қаримов.И.А «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон»,1992
3. Қаримов .И.А«Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» - Т.: »Ўзбекистон», 1993
4. Қаримов И.А. «Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура». Т.: "Ўзбекистон", 1996
5. Қаримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларнинг қуқураштиришнинг энг муҳим вазифалари - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Қаримов.И.А»Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли»-Т.: «Ўзбекистон»1993.
7. Қаримов.И.А «Қелажакни жасоратли одамлар қуради», «Халқ сузи», 1999. 17феврал.
8. Қаримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари».- Т.: "Ўзбекистон", 1997.
9. Қаримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда» - Т.: "Ўзбекистон",1999.

10. Туленов.Ж, Гафуров.З Мустакиллик ва миллий тикланиш. Т.: "Ўзбекистон", 9-30 б
11. Жўраев.Н «Агар огоҳ сен».- Т.: "Шарқ", 1998.
12. Илюхин. Б Кабохат ёхуд... ("Ўзбеклар иши" деган уйдирма хусусида).- Т.: "Ўзбекистон", 1993.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси. Т."Адолат", 1996
14. Сиёсий партиялар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ҳалқ сўзи. январь 1997
15. Иброҳимов А. "Ёруғлуғ" Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриёти 2006.
16. Зиёмухаммедов Б. "Комилликка элтувчи китоб" Т.: "Турон-икбол" нашриёти 2006
17. Ўзбекистон 13 йил мустакил тараққиёт йўли. Маълумотнома. "Ўқитувчи" 2004 й
18. Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари. Т.: Шарқ 2006 й
19. ШХТнинг Бишкек саммити. Ҳалқ сўзи. №161. 2007 йил 28-сентябр
20. Ислом маданиятининг пойтахти. Маърифат №65 2007 йил 15 августъ

